

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УО'К: 811.512.133'42

РАВШАНОВА РАЪНО ХАНДАМОВНА

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА СПОНТАН НУТҚДА МУРОЖААТ
ШАКЛЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Эрназарова Манзура Сапарбоевна,
филология фанлари доктори, доцент

МУНДАРИЖА

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).....	4
I БОБ. МУРОЖААТ: НАЗАРИЙ МУАММОЛАР.....	15
1.1.§. Мурोजаатнинг лисоний моҳияти.....	15
1.1.1. Мурोजаатни ўрганишда систем-тилшунослик ёндашув.....	15
1.1.2. Мурोजаатнинг прагматик талқини.....	21
1.2.§. Мурोजаат дискурснинг институционал оператори сифатида.....	30
1.2.1. Институционал мулоқот модели.....	30
1.2.2. Масофали мурोजаат ва унинг прагматик параметрлари.....	41
Боб бўйича хулосалар.....	55
II БОБ. МУРОЖААТНИНГ КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ПАРАДИГМАСИ.....	57
2.1.§. Мурोजаатнинг коммуникатив тузилиши.....	57
2.1.1. Мурोजаатнинг лисоний воситалари.....	57
2.1.2. Мурोजаатнинг нолисоний воситалари.....	68
2.2.§. Мурोजаатнинг прагматик жиҳати.....	85
2.2.1. Мурोजаатнинг семантик мазмуни.....	85
2.2.2. Мурोजаатнинг хилма-хил вазифалари.....	88
Боб бўйича хулосалар	94
III БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОҒЗАКИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА СПОНТАН ДИСКУРСДА МУРОЖААТНИНГ СТРУКТУР-ВАЗИФАВИЙ ТАБИАТИ.....	96
3.1.§. Мавқега йўналтирилган мулоқотда мурोजаатнинг структур типологияси.....	96
3.1.1. Институционал ва спонтан дискурсда мурोजаатнинг стандарт усуллари.....	96
3.1.2. Мурोजаатнинг институционал ва спонтан дискурсдаги ностандарт усуллари.....	106
3.2.§. Мурोजаатнинг институционал ва спонтан дискурсда функционал типологияси.....	119

3.2.1. Мурожаатнинг институционал ва спонтан дискурсда ўзига хос функционал юки.....	119
3.2.2. Адресация вазифаларининг институционал ва спонтан дискурслардаги иерархияси	123
III боб бўйича хулосалар	128
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	130
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	134
ИЛОВАЛАР	145

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида мулоқот назариясига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, мулоқот ва дискурсининг шаклланган янги белги ва кўринишларига хос муҳим хусусиятлар ўзининг илмий тадқиқини кутмоқда. Дарҳақиқат, ижтимоий соҳаларда мурожаат ҳар бир инсон, жамият, миллий давлат ва давлатлар иттифоқлари ҳаётининг ажралмас қисмидир. Бугунги кунда ҳар қандай матнда мурожаат шаклини танлаш ва қўллаш фаолият самарадорлигини таъминловчи, белгиловчи муҳим омилга айланган. Мурожаат дискурсини ўрганишда систем-структур ва коммуникатив-прагматик ёндашувни қўллаш натижасида нафақат тил тизимини ва, умуман, жамият ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, мулоқотни моделлаштиришнинг нафақат лингвистик воситаларида, балки ушбу ўзгаришларни келтириб чиқарадиган экстралингвистик прагматик омиллардаги ўзгаришларнинг хусусиятларини чуқур ўрганиш долзарбдир.

Дунё тилшунослигида матнларнинг прагматик, антропоцентрик аспектдаги тадқиқи масаласига ҳар қачонгидан кўра ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда, мулоқот шакллари лингвистик таҳлил қилиш, хусусан, мурожаат матнларининг систем-структур ва коммуникатив тадқиқи ижтимоий-маданий заруратга айланмоқда. Тилдан фойдаланиш, тил имкониятларининг нутқда воқеланиши масалалари амалий тилшунослик соҳасининг диққат марказидаги мулоқот мурожаатдан бошланади. Ҳар қандай нутқ муайян объектга қаратилган бўлади. Мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири бир пайтнинг ўзида мурожаат қилувчи ҳамдир. Шу маънода мазкур тадқиқот ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда илм-фан соҳаси сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Жамият қанчалик ривожланса, мулоқот ҳам шунчалик такомиллашиб бораверади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда тил ва унинг амалий фаолиятига эътибор ортиб борди. Айниқса, тилни

прагматик, психолингвистик, социолингвистик, когнитив ва лексикографик аспектларда ўрганишга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошмоқда. Мазкур соҳалар томонидан қатор илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши давом этмоқда. «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши»¹ лозимдир. Шу ўринда тилнинг мазкур соҳа ривожига қўшадиган ҳиссаси ёки мурожаат билан боғлиқ матнларнинг мазмуни, уларда лисоний имкониятларнинг воқеланиши масалаларини ўрганиш зарурати кучаймоқда. Диссертацион тадқиқотлар орқали ўзбек тилидаги мурожаатнинг систем-структур ва коммуникатив-прагматик тадқиқи, матнларда мурожаат шаклларининг прагматик хусусияти, мурожаат дискурсининг институционал оператори, институционал мулоқот модели, масофали мурожаат ва унинг прагматик параметрлари, мурожаатнинг коммуникатив тузилиши, лисоний ва нолисоний воситалари, семантик мазмуни, ҳозирги замон оғзаки институционал ва спонтан дискурсида мурожаатнинг структур-вазифавий табиатини ўрганиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // <http://lex.uz/docs/4561730>

1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилиши билан долзарбдир.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нутқ, мулоқот масалалари Аристотелдан тортиб Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий каби буюк алломалар асарларида ҳам муҳокама қилинган, тасниф ва тавсиф этилган. Жумладан, «...яхши нутқ тузиш учун наҳв, аруз, мантик фанлари ҳамкорлигидан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг бирортасига аҳамият бермаслик, булардан бирининг қоидасининг бузилиши, қолган иккитасига таъсир қилмай иложи йўқ»², деб Абу Райҳон Беруний таъкидлайди.

Рус тилшунослигида мурожаат шакллариининг нутқ жараёни билан боғлиқ хусусиятлари В.В.Виноградов, В.В.Бабайцева, Л.Ю.Максимов, Н.С.Валгина, В.В.Колесов, Л.П.Крысин, А.А.Леонтьев, А.И.Ефимов, Б.М.Головин, В.Д.Бондалетов, В.М.Алпатов, Ю.Д.Дешериев, Н.И.Формановская каби олимларнинг ишларида атрофлича ўрганилган³

² Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-том – Тошкент: Фан, 1968 – Б. 64.

³ Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963; Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Ч.3. Синтаксис. Пунктуация. – М., 1987; Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1991; Колесов В.В. Язык города. – М.: Высшая школа,

А.Г.Гаджиеванинг бир қатор тадқиқотларида бола тилида мурожаат шакллари ва мурожаат жараёнида имо-ишораларнинг ўрни, аҳамияти ўз тадқиқини топган⁴.

Мурожаат шаклларига боғлиқ ҳолатда ундалманинг нутқ жараёнидаги ўрни ва услубий хусусиятлари Б.Ўринбоев, А.Абдуллаев, Л.Абдуллаева каби ўзбек тилшунослари томонидан ҳам тадқиқ этилган⁵. Шунингдек, мазкур масала доирасида ундалманинг услубий имкониятлари А.Сайфуллаевнинг тадқиқот ишида очиқ берилган⁶.

Х.Дониёров ва Б.Йўлдошев ўз асарларида мурожаатнинг диалогик нутқ билан боғлиқ ҳолдаги ижтимоий моҳиятини ўрганилган. С.Мўминов, Ш.Искандарованинг илмий изланишларида мурожаат шакли миллий мулоқот одатларига боғлиқ ҳолатда таҳлил қилинган. Тадқиқотчи Б.Раҳматуллаеванинг диссертация ишида эса ўзбек тилининг мурожаат шакллари рус тилидаги мурожаат шакллари билан қиёсий ўрганилган⁷. З.Акбарова ўзининг «Ўзбек тилида мурожаат шакллари» монографиясида ўзбек тилшунослигида етарлича ўрганилмаган мурожаат шакллари ва уларнинг лисоний хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилган. Унда ўзбек тилшунослигида мурожаат моҳияти, унинг лисоний ва мазмуний шаклланиши, мурожаатнинг ифодаланиш усул ва воситалари, мурожаат лексиконининг таснифи масалалари ёритилган⁸.

1991; Крысин Л.П. Язык в современном обществе. – М.: Просвещение, 1969; Ефимов А.И. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1969; Головин Б.Н. Как говорить правильно. – М.: Высшая школа, 1988; Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987; Алпатов В.М. Япония. Язык и общество. – М.: Наука, 1988; Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. – М.: Наука, 1977; Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – М.: Высшая школа, 1989.

⁴ Гаджиева А.Г. Лингвистический анализ детской речи (на материале азербайджанского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1989. – 22 с.

⁵ Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1979; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987; Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Ташкент: Фан, 1979. – С. 117–143.

⁶ Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма. – Тошкент: Фан, 1968.

⁷ Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 190-204; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994; Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 21 с.

⁸ Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. Монография. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 4.

Шунингдек, Р.Халилова «Виртуал коммуникатив майдонда нуткий дискурсниг социомаданий ва прагматик хусусиятлари» номли тадқиқотида виртуал коммуникатив майдонда ўзбекона нуткий дискурсниг грамматик, лексик хусусиятлари, интернет суҳбатлари семиотикасида социомаданий, миллий этник мулоқот маданиятининг прагматик хусусиятларини ўрганган⁹.

Таҳлиллардан маълумки, ўзбек тилшунослигида мурожаат шакли билан боғлиқ айрим ишлар мавжуд. Мурожаат мулоқот одобининг энг муҳим воситаси бўлса-да, мавжуд ишларнинг бирортасида институтцион ва спонтан нутқда мурожаат шакллари алоҳида тадқиқот объекти қилиб олинган эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №1 «Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари» (2018-2021 йй) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги институционал ва спонтан дискурда мурожаатнинг структур, вазифавий, коммуникатив-прагматик табиатини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон ва ўзбек тилшунослигида мурожаат шакллари тадқиқига доир ишларни тавсифлаш ва таснифлаш;

мурожаат дискурсига когнитив-прагматик ва систем тилшунослик нуқтаи назаридан муносабат билдириш;

матнларда мурожаат шаклларининг прагматик хусусияти, мурожаат дискурсниг институционал оператори, институционал мулоқот модели масаласига муносабат билдириш;

масофали мурожаат ва унинг прагматик параметрлари, мурожаатнинг коммуникатив тузилишини ўрганиш;

⁹Халилова Р. Виртуал коммуникатив майдонда нуткий дискурсниг социомаданий ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. ... дисс. – Тошкент, 2022. – 170 б.

лисоний ва нолисоний воситалар, семантик мазмунни когнитив тилшунослик аспектида текшириш;

ҳозирги замон оғзаки институционал ва спонтан дискурда мурожаатнинг структур-вазифавий табиатини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги замон ўзбек тилидаги институционал ва спонтан дискурдаги мурожаат шакллари танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тилидаги мурожаат шаклларининг прагматик хусусияти, мурожаат дискурсининг институционал оператори, институционал мулоқот модели, масофали мурожаат ва унинг прагматик параметрлари, мурожаатнинг коммуникатив тузилиши, лисоний ва нолисоний воситалари ҳамда семантик мазмунининг систем-структур, коммуникатив-прагматик аспекти ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда умумий илмий методлар (таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, шарҳлаш ва бошқалар) билан бир қаторда семантик ва прагматик таҳлил, дискурс таҳлил, қиёсий тавсифлаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

институционал дискурда она ва бола, устоз ва шогирд, шифокор ва бемор, ҳуқуқ-тартибот органи ходими ва тартиббузар, раҳбар ва ходим ўртасидаги мулоқотда фойдаланиладиган «ойи», «устоз», «ўртоқ», «бек», «бек ака», «опа» сингари мурожаат шаклларининг бадиий асарлар ҳамда жонли мулоқотдаги коммуникатив-прагматик табиати аниқланган;

ўзбек тили спонтан нутқида мурожаат шакллари сифатида асосан ука, келин, ойи, болам, хола, тоға каби от сўз туркумидаги сўзлар ҳамда азизим, гўзалим сингари отлашган сифатлар ишлатилиши, уларнинг таниш ва нотанишларга нисбатан ҳурмат, ўзаро яқинлик, меҳрибонлик каби семантик мазмун аниқлаштириши исботланган;

лисоний шахсда мулоқот эҳтиёжларининг алоқа тикловчи, ахборотли ва таъсир этувчи типлари ҳамда коммуникатив, интерфаол, перцептив томонларининг бир-бирига маълум тарзда мувофиқ келиши асосида

оламнинг лисоний образи ва миллий табиатини шакллантиришда вербал, когнитив, прагматик каби даражаларга ажратилиши далилланган;

тилда салом!, қандайсиз?, ҳаёт қандай?, танишганимдан хурсандман, хайрли тонг, амаки, раҳмат, хайр, хуш келибсиз, соғ бўлинг сингари нутқий мулоқот этикет бирликлари «танишиш», «саломлашиш», «хайрлашиш», «табриклаш», «тилак», «миннатдорлик», «узр сўраш», «илтимос», «таклиф», «розилик ва норозилик» каби семантик гуруҳларга мансуб эканлиги, уларнинг асосий фаолияти диалоглар доирасида амалга ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Институционал ва спонтан нутқда мурожаат шакллари систем-структур ва коммуникатив-прагматик таҳлил қилиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар тил тизимини, умуман, жамият ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, мулоқотни моделлаштиришнинг лингвистик воситалари ва экстралингвистик прагматик омиллардаги ўзгаришларини ўрганишда тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

матнларда мурожаат шаклларининг прагматик хусусияти, мурожаат дискурсининг институционал оператори, институционал мулоқот модели, масофали мурожаат ва унинг прагматик параметрлари, мурожаатнинг коммуникатив тузилиши масаласига муносабат билдириш натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, бу когнитив тилшунослик, прагмалингвистика ва адабиётшуносликка оид яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ҳозирги замон оғзаки институционал ва спонтан дискурда мурожаатнинг структур-вазифавий табиати, мурожаатнинг стандарт ва ностандарт усуллари, функционал типологияси, адресация вазифаларининг институционал ва спонтан дискурслардаги иерархияси асосида чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, амалий аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот методологияси ва методикаси уйғунлиги, қўйилаётган муаммонинг долзарблиги, тадқиқ қилинган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ҳамда бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар синтез, таққослаш, умумлаштириш, шарҳлаш каби илмий методлари билан бир қаторда семантик ва прагматик таҳлил усуллари, дискурс таҳлили, қиёсий тавсифлаш усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга кенг жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти когнитив тилшунослик, прагматика, прагмалингвистика, ва социопрагматикага доир изланишларда фойдаланиш мумкинлиги, келгусида грамматика, стилистика, социология, қолаверса, адабиётшуносликка доир илмий тадқиқотлар учун ҳам бевосита материал бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда илгари сурилган ғоялар, назарий қараш ва амалий тавсиялар дарсликлар монографиялар, ўқув кўлланмалар яратиш ҳамда маъруза матнлари тайёрлашда манба бўлиши, тўпланган материаллар олий ўқув юртларининг филология факультетларида «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Матн таҳлили», «Адабиётшуносликка кириш», «Таҳлилий ўқиш», магистратура мутахассисликларида «Социоллингвистика», «Прагматик тилшунослик», «Социопрагматика» фанларидан маъруза матнлари тузишда, умумий ўрта таълим мактабларида фан дастурлари, ўқув дастурлари тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Институционал ва спонтан нутқда мурожаат шаклларининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

институционал дискурсада она ва бола, устоз ва шогирд, шифокор ва бемор, ҳуқуқ-тартибот органи ходими ва тартиббузар, раҳбар ва ходим

ўртасидаги мулоқотда фойдаланиладиган «ойи», «устоз», «ўртоқ», «бек», «бек ака», «опа» сингари мурожаат шаклларининг бадиий асарлар ҳамда жонли мулоқотдаги коммуникатив-прагматик табиати хусусидаги хулосаларидан Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган ФЗ-2016-0908165532 рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 29 июлдаги 176-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал лойиҳанинг институционал ва спонтан дискурда мурожаатнинг структур, вазилавий, коммуникатив-прагматик табиати ҳақидаги илмий-назарий фактлар билан бойитилишига хизмат қилган;

Ўзбек тили спонтан нутқида мурожаат шакллари сифатида асосан ука, келин, ойи, болам, хола, тоға каби от сўз туркумидаги сўзлар ҳамда азизим, гўзалим, сингари отлашган сифатлар ишлатилиши, уларнинг таниш ва нотанишларга нисбатан ҳурмат, ўзаро яқинлик, меҳрибонлик каби семантик мазмун аниқлаши тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган А1-ХТ-0-92997 рақамли «Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 29 июлдаги 177-сон маълумотномаси). Натижада амалий лойиҳанинг оғзаки институционал ва спонтан дискурда мурожаатнинг структур вазилавий табиати борасидаги мулоҳазалар билан бойитилишига эришилган;

Лисоний шахсда мулоқот эҳтиёжларининг алоқа тикловчи, ахборотли ва таъсир этувчи типлари ҳамда коммуникатив, интерфаол, перцептив томонларининг бир-бирига маълум тарзда мувофиқ келиши асосида оламнинг лисоний образи ва миллий табиатини шакллантиришда вербал,

когнитив, прагматик каби даражаларга ажратилиши борасидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-А1-Г007 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзусидаги амалий илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 12 сентябрдаги 201/2-сон маълумотномаси). Натижада амалий илмий лойиҳанинг назарий қисмининг маълумотлар билан бойитилишига эришилган;

тилда салом!, қандайсиз?, ҳаёт қандай ?, танишганимдан хурсандман, хайрли тонг, амаки, раҳмат, хайр, хуш келибсиз, соғ бўлинг сингари нутқий мулоқот этикет бирликлари «танишиш», «саломлашиш», «хайрлашиш», «табриклаш», «тилак», «миннатдорлик», «узр сўраш», «илтимос», «таклиф», «розилик ва норозилик» каби семантик гуруҳларга мансуб эканлиги, уларнинг асосий фаолияти диалоглар доирасида амалга ошиши ҳақидаги фикрлардан Республика Маънавият ва маърифат маркази Навоий вилояти бўлимининг «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси», «Ижтимоий маконда ахборотдан фойдаланиш маданияти» сингари маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази Навоий вилояти бўлимининг 2022 йил 22 августдаги 02/190-1-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг оғзаки институционал ва спонтан дискурсда мурожаатнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги билимларининг кенгайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш нашр этилган, шулардан, 1 та электрон қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Умумий ҳажми 133 саҳифани ташкил қилади.

I БОБ. МУРОЖААТ: НАЗАРИЙ МУАММОЛАР

1.1.§. Мурोजаатнинг лисоний моҳияти

1.1.1. Мурोजаатни ўрганишда систем-тилшунослик ёндашув

Мурोजаат – лисоний ҳодиса. У коммуникантлардан бирининг бошқасига бўлган муносабатини англатади. Ҳар қандай матннинг ўз манзили – адреси ва эгаси мавжуд, яъни бутун бир матннинг ўзи ёки қисми маълум бир коммуникантга йўналган бўлади.

Мурोजаат ҳодисаси тараққий этаётган электрон мулоқот билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ҳозирда реклама матнлари, PR ва маданиятлараро мулоқот масалалари, таржиманинг самарадорлиги ва бошқа матнларга боғлиқ эътибор – мулоқот назарияси фани вужудга келишининг муҳим омиллари сифатида қайд қилиниши лозим. Мулоқот назарияси XX асрда соҳалараро фан сифатида пайдо бўлган.

“Замонавий шароитларда ижтимоий феномен – мулоқотга бўлган эътибор кескин ошди. Мулоқот турли даражадаги тадқиқотлар ва турли концептлар: ижтимоий, кибернетик, сиёсий, ижтимоий, биологик, фалсафий, психологик, лингвистик, маданий ва б. объектга айланмоқда. Ушбу ҳолат етарлича қонуний ва тушунарлидир”¹⁰.

Мулоқот фаолиятининг тизимий хусусиятларини аниқлаш, унинг таркибий қисми ва ташкил этувчи бирликларини ажратиш методларини топиш йўлидаги изланишлар давом этмоқда. Методлар турли бўлгандан сўнг натижаларда ҳам етарлича фарқ юзага келиши мумкин¹¹.

Ф.Соссюр жаҳон тилшунослари орасида биринчилардан бўлиб мулоқот назариясининг фан сифатида шаклланиш асослари, нутқнинг пайдо бўлиши ва унинг идрок қилиниши масалаларини лисоний нуқтаи назардан ўрганган

¹⁰ Василик М.А. Основы теории коммуникации. – М.: Гардарики, 2003. – С. 4.

¹¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 227.

олимдир¹². Ҳозирда замонавий мулоқот назарияси бир неча асосий йўналишларга эга бўлди:

1. Коммуникатив актлар таҳлили ва уларнинг таснифи, коммуникатив актнинг амалга ошиш қонуниятларини аниқлаш (Волков А.А., Зарецкая Е.Н., Ключев Е.В., Рождественский Ю.В. ва б.).

2. Электрон ва бевосита мулоқот учун қўлланиладиган коммуникатив акт моделларини қуриш (ушбу йўналишнинг шаклланишида Т.Блумфилд ва Р.О.Якобсонларнинг ўрни катта, кейинчалик Т.Ван Дейком, У.Шрамм ва бошқалар томонидан турли мулоқот ҳаракати моделларининг ишлаб чиқилиши муносабати билан ушбу йўналиш янада такомиллашди).

3. Мулоқот ҳаракати самарадорлигини прагматика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш (ушбу категория ўз ичига PR, Product Placement ва бошқаларга бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишларини ўз ичига олади. PR (public relations) – бу, корхона, ташкилот, муассаса ва жамоатчилик ўртасидаги ахборотлар оқимини бошқариш бўлиб, унинг мақсади истеъмолчи онги ва тасаввурида ушбу корхона, ташкилот, муассасалар ҳақида ижобий таассуротларни яратишдир. Қисқача қилиб айтганда, оммавий муносабатлар, ижтимоий алоқалар, зиддиятлар. PR – пи-ар. PR восита ва шакллари турли-туман: анжуман маърузалари, турли танловлар, фестивалларда иштирок этиш, ОАВ билан ишлаш, кадрларга оид муаммолар ечими кабилар).

Ш.Сафаров: “Мулоқот – мураккаб кўринишдаги лисоний (нутқий) тафаккур фаолиятидир. Бу фаолият натижасида нутқий тузилмалар ҳосил бўлади ва ушбу тузилмалар структурасида лисоний тафаккур фаолиятининг “из”лари сақланади. Аммо ушбу “из”ларни топиш ва уларни қисмларга ажратиш осон эмас, зеро, мулоқот бирлиги – матннинг таркиб топишида тил тизимининг барча элементлари инсон онгида туғиладиган нутқий қолипни воқелантирувчи воситаларга айланадилар. Бундан ташқари, мулоқот

¹² Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – 696 с.

матнининг шакллантирилишида нолисоний бирликларнинг ҳам иштирок этишини унутмаслик лозим”лигини таъкидлайди¹³.

Мулоқотнинг ҳар қандай кўриниш ва турлари мулоқот назариясининг ўрганиш объекти ҳисобланади. Ҳозирда унга нисбатан икки хил ёндашув вужудга келган: “механик парадигма учун *мулоқот* – бу ахборотнинг асосий манбадан код ёрдамида бир томонлама йўналтирилган ҳолда узатилиши ва унинг мулоқот эгаси томонидан қабул қилинишидир.

Амалиётда эса мулоқот суҳбатдошларнинг ҳамкорликдаги фаолиятидир. Ҳамкорлик асосида маълум бир чегарагача шаклланган умумий қарашлар, албатта, мавжуд нарса, буюм ва воқеаларга бўлган ўзаро муносабатлардан иборатдир”¹⁴.

“Мулоқот – мураккаб кўринишдаги лисоний (нутқий) тафаккур фаолиятидир. Мулоқот – мақсадли фаолият ва бу фаолият доирасида бажариладиган ҳар бир ҳаракат ҳам ўз мақсадига, интенциясига эга”¹⁵.

Ўзбек тилшунослигида мурожаат шакллари генезисига доир олиб амалга оширилган эътиборга молик қарашларни кузатиш мумкин: “Жамиятнинг тадрижий ривожланиши, меҳнат тақсимоли аста-секин кишиларнинг алоҳида гуруҳ ва табақаларга ажралишига олиб келди. Бунинг натижасида ҳар бир гуруҳнинг, табақанинг ўзига хос мурожаат йўсинлари шаклланган. Масалан, оддий халқ мурожаати ва зодагонлар мурожаати бири-биридан фарқлана борган, мурожаатнинг барқарорлашган шакллари устуворлик касб этган. Шунингдек, мурожаат шакли айни бир тилда сўзлашиладиган турли минтақаларда ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўла борган. Буни ўзбек тили мисолида ҳам кузатиш мумкин: Хоразмда *ёшулли*, Бухорода *усто*, Самарқандда *жўра* каби сўзлар ўзбек тилидаги мурожаатнинг минтақаларо фарқланишини кўрсатади”¹⁶.

Мулоқот назариясининг маълум бир ривожланиш босқичида шахсларо мулоқотга бағишланган тадқиқот ишлари дунёга келди.

¹³ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 279.

¹⁴ Кашкин В.Б. Введение в теорию коммуникации. – Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000. – С. 8.

¹⁵ Тоирова Г. Ўзбек прагмалингвистикаси ўқув лугати. – Тошкент, 2016. – Б. 59.

¹⁶ Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. Монография. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 4.

ОАВларга бўлган кучли эҳтиёж ва унинг кескин тараққиёти оммавий мулоқотга бўлган қизиқишни уйғотди, шакллантирди. У шиддат билан тараққий этаётган интернет электрон мулоқотнинг ўзига хослигини ўрганиш учун таянч вазифасини ўтамоқда.

Ф.Соссюрнинг “Умумий тилшунослик курси”¹⁷ асаридаги схемаси шахслараро мулоқотни тавсифлаш учун асосий манбадир. Ушбу вазиятда иштирок этаётган мулоқот эгаларининг ҳаракати фаол ва сушт бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро таъсир, муносабатлар алоҳида лисоний системани вужудга келтиради. Тил “...нутқдан худди ижтимоий хусусийликдан, иккинчи даражали сатҳдан фарқ қилгани сингари фарқланади; нутқий фаолиятнинг ижтимоий сатҳи жамоалар ўртасида тузилган келишув туфайли мавжуддир”¹⁸.

Г.Тоированинг фикрича, мулоқот фаолиятининг тизимий хусусиятларини аниқлаш, унинг таркибий қисмларини, ташкил этувчи бирликларини ажратиш методларини топиш йўлидаги уринишлар давом этмоқда. Мулоқот тизимини таҳлил қилиш борасида қўлланилаётган методларнинг асосий қисми, худди тилшуносликнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, тизим структурасига хос белгиларни ва ушбу структурани ташкил қилувчи элемент, узвларни фарқлаш, уларни гуруҳларга ажратиш сари йўналтирилган¹⁹.

Мулоқот жараёнининг семиотика нуқтаи назаридан текширмаслигидан кўра унга “стимул – реакция” категориялари негизидаги таҳлилинини кўзлаган бихевиористик ёндашув самаралироқдир. Блумфилднинг таъкидлашича, мулоқот учун ҳар доим ҳам лисоний система аҳамиятли эмас: қатор ҳолатларда икки суҳбатдош унингсиз ҳам ўз мақсадларига эришиши мумкин²⁰.

¹⁷ https://www.phantastike.com/other/kurs_obshehey_lingvistiki/zip/

¹⁸ Блинов А.В., Богатырева И.И., Мурат В.П., Рапова Г.И. Введение в языковедение: Хрестоматия: Учебн. пособие для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2000. – С. 24.

¹⁹ Тоирова Г. Нутқий мулоқот ва ёшлар нутқидаги луғавий бирликлар. – Тошкент, 2015. – Б. 7.

²⁰ Блумфилд Л. Язык. (пер. Г.И. Раповой и Е.С. Кубряковой) – М.: Эдиториал УРСС, 2003. – Б. 89.

Белгиларнинг мунтазам кодланиш ва декодланиш орқали алмашинувини Ф.Соссюр мулоқот модели деб ҳисоблайди. Блумфилд учун эса ушбу жараён суҳбатдошни суҳбатга тортиш, қизиқтириш, унинг суҳбат мавзусига бўлган мойиллигини кучайтириш ҳамда ундаги ҳосил бўлган реакция билан ўзаро муносабатдорликдан иборатдир. Структурализм мулоқот моделини тил функцияларининг амалга ошиши нуқтаи назаридан ўрганади.

Шеннон-Уивер учун математик модель вазиятнинг структур моделлаштириш имконидир: “Модель тўғри кетма-кетликда жойлашган беш элемент: *ахборот манбаи, узатувчи, узатиш канали, қабул қилгич ва асосий мақсад*, (чизиқли, тўғри модель)ни ўз ичига олади. Кейинчалик ушбу модель мулоқотнинг бошқа турларига алоқадор соҳалар тадқиқи эҳтиёжларини кондириш мақсадида ўрганилди. Энди мазкур модель олти компонент: *манба, кодловчи қурилма, хабар, канал, декодловчи қурилма ва қабул қилгич* (телефон)дан таркиб топди. Ушбу атамалар бошқа мулоқот тизимларида ўзига хос муваффақият билан қўлланилди”²¹.

Оммавий мулоқот аввалгидай алоҳида олинган мулоқот жараёнини эмас, балки ОАВларда ахборотнинг юзага келиши, идрок қилиниши жараёнлари ва уларнинг ошқора, очиқ таҳлилини тақозо қилмоқда. Худди шундай муаммолардан бири – мулоқот таҳлили устида филолог, маданиятшунос ва шарқшунос олим Ю.В.Рождественский алоҳида тадқиқотлар олиб борди²². У ОАВининг жамият ва унинг ҳар бир аъзосига таъсирининг уч хил йўналишини қайд этади:

“1. Оммавий ахборот – глобал матн. У турли лисоний ҳамжамиятларни ижтимоий нутқий тузилмаси билан бирлаштирувчи асосий нуқта ҳисобланади. Замонавий тил эгаси турли-туман лисоний системалар куршовида, бироқ оммавий ахборот ўзида маъно ва йўналтирилган мазмуннинг қатъий бирлигини акс эттиради. Оммавий ахборотнинг асосий

²¹ Кашкин В.Б. Введение в теорию коммуникации. – Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000. – Б. 19.

²² Рождественский Ю.В. Принципы современной риторике. – М.: Флинта, Наука, 2003. – С. 477.

вазифаси исталган, ҳар қандай лисоний жамият аъзоларини бирлаштириш ва умумий қизиқишларини шакллантириш, унинг ушбу хусусиятини байналмилаллик деб номлаш мумкин.

2. Оммавий ахборотнинг қабул қилувчиси мавжуд воқеалар ҳақидаги матн мазмунини ўзи яшаб турган замон ва маконда англайди ва шунга кўра ҳаётий фаолиятини ташкил этади. Дейлик, оммавий ахборотнинг кучи шундаки, у ҳар қандай услубни бутунжаҳон ҳодисаси сифатида оммалаштиради: модани шакллантирувчи асосий восита ва мода ташувчиларини услубнинг онгсиз, бироқ ўзига ишонган тақлидчилари сифатида шакллантиради. Натижада ҳосил бўлган унинг янги таъсир этиш типини онгнинг нотарихийлиги деб аташ мумкин.

3. Оммавий ахборотнинг буюртмачиси ҳам мавжуд бўлиб, у ҳам ўзига хос шахсий молиявий-иқтисодий, савдо, бошқарув-маъмурий, сиёсий қизиқишларига эга. Албатта, гуруҳлар қизиқишларининг турли-туманлиги оммавий ахборот матнларида ўзига хос ва мос тарзда турлича акс этади. Оммавий ахборотда кўпфирклилик ва ҳодисалар ҳақидаги байналмилал ахборот уйғунлиги мужассам. Кенг фикр-мулоҳазалар оммавий ахборот қабул қилувчилари категориясини йўналтиради ва турли хилдаги маъқул дидларни шакллантиради”²³.

Бироқ замонавий жамият аъзоси ҳодисаларга нисбатан устувор фикр-ғоялари, мулоҳазаларини шакллантираётган бир пайтда ҳозирги замонавий ижтимоий вазиятни тасаввур қилиш мураккаб иш. ОАВлар янги фикрларни олдиндан аниқлаш имконини яратади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, тўғри танланган муҳаррир, журналист, продюссерлар ҳамда ҳодисаларнинг ёритилиш савияси ОАВларнинг давр билан ҳамнафаслигини белгилайди. Ҳатто ҳозирда ахборотлар кўлами ва миқдорининг ўта кўплиги шароитида, ОАВлар томонидан ахборотларнинг тўхтовсиз узатилиши, ахборотлар тўри маълум контентлар билан тўлдирилиб борилса-да, телевидение ва матбуот воқеа-ҳодисаларни яшириш, ошкор этмаслик имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

²³ Рождественский Ю.В. Принципы современной риторики. – М.: Флинта, Наука, 2003. – С. 477.

А.А.Волков ОАВнинг ўзига хос хусусиятларини шундай таърифлайди: “Оммавий мулоқот даврий комплекс (дискурсли) матн ҳисобланиб, турли компонентларни: радио, кино, телевидение, газета, рекламаларни ўз ичига олади, унинг асосий вазифаси янги ижтимоий муҳим ахборотни оммалаштиришдир. Оммавий мулоқот матни узлуксиз тарзда яратилади ва замонавий техника воситалари орқали тўпланган чексиз аудиторияларга етказилади”²⁴.

Бугунга келиб мулоқот назарияси шахслараро мулоқотдан бошланиб, мулоқотнинг барча типларини ақлан ўйлаб ва чуқур таҳлил қилишни назарда тутган фанга айланди.

1.1.2. Мурожаатнинг прагматик талқини

Мурожаат – мулоқотнинг бир қисми. Мурожаат – коммуникантни номлашга хизмат қилувчи прагматик акт.

Шу ўринда мурожаат ва ундалма муносабатига ҳам эътибор қаратиш лозим. “Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни билдиради... Ундалма II шахсга қаратилган бўлади. Ундалманинг асосий вазифаси нутққа, айтилаётган фикрга тингловчининг диққатини тортишдир. Бу хусусият ундалманинг диалогик нутқ учун характерли эканини кўрсатади”²⁵.

З.Акбарованинг таъкидлашича, “...ундалма нутқ қаратилган II шахсни кўрсатади, унинг диққатини тортади, шунинг учун диалогик нутққа хос. Мурожаат ифодаловчи сўз ҳам, моҳиятан шундай-грамматик аспектда ёндашилса, ундалмага тўла мос тушади. Лекин мазмунан мурожаат объектини ифодаловчи сўз мурожаат шакли сифатида сўзловчининг нутқи қаратилган шахснигина эмас, ҳар қандай объектни ифодалайди. Мурожаат шаклининг нутқдаги реаллашуви II шахс билан боғланади. Бироқ мурожаат орқали узатиладиган, англантиладиган хабар-маълумот, фикр дастлаб мурожаат қилувчи субъект онгида ҳукм сифатида шаклланади

²⁴ Волков А.А. Курс русской риторики. – М.: Изд-во храма св. муч. Татианы, 2001. – Б. 46.

²⁵ Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент, 1965. – Б.183.

(айтсамми-айтмасамми), юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳолат нутқда бевосита реаллашмайди, мурожаатнинг фақат иккинчи босқичи нутқда ўз ифодасини топади, реаллашади”²⁶.

Мулоқот усулларининг шаклланиш тарихига назар ташлаш мурожаат усулларининг тил тарихининг турли босқичларидаги ўрни турлича бўлганини кўрсатади: “Тарихий жиҳатдан қараганимизда, ундалмалар қадимги туркий тилларда ҳам қўлланилган. Қадимги туркий тилларда ҳозирги адабий тилга қараганда ундалма жуда кам ишлатилган. У даврда ишлатилган ундалмалар ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланаётган ундалмалардек мураккаб бўлмаган. Қадимги туркий тилларда, жумладан, Ўрхун-Енисей ёдгорликларида ишлатилган ундалмалар халққа қаратилган мурожаатни билдиради”²⁷.

Энциклопедик луғатларда номинация жараёни тавсифи анча мукаммал берилган: Номинация маълум бир объектни сўз, ном, исм билан номлаш, аташдир²⁸. Номинация – семиотик жараён. Унинг асосий вазифаси маълум бир денотатни маълум бир ифодаловчи билан ўзаро муносабатга киритишдир. Лингвистик қомусий луғатларда “номинация” атамаси реалия – тушунча – ном тузилиши билан боғлиқ жараён сифатида талқин қилинган²⁹. Номинация компонентлари мунтазам ўзаро универсал-мантиқий муносабатда туради. Тилда номинациянинг бундай универсал-мантиқий муносабатдор компонентлари ва уларнинг лисоний татбиқи оламни қисмларга ажратишга хизмат қилувчи белгилар билан бойиб бораверади.

Реалия – объектлар синфи номи остидаги барча ифодаланувчиларни аташ учун муҳим хусусиятлар йиғиндиси – денотат номи сифатида; ўзига категориал-лисоний белгиларни сингдирган тушунча эса ном сигнификати (маъно) сифатида намоён бўлади. Унга экспрессив белгилар ҳам кириши

²⁶ Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 17.

²⁷ Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалмалар. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 21.

²⁸ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б. 388.

²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. – Б. 55-56.

мумкин. Лисоний онгда ном лисоний коднинг шаклланишига мос товушлар қаторини ташкил этади.

“Сигнификат ва денотат ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамда унинг аниқ номлаш хусусияти номинациянинг табиий тиллар учун универсал структурасини ҳосил қилади. Номинация актлари – нутқий фаолият маҳсули, уларнинг натижаси эса лисоний система, тил ва узуснинг функционал ва ижтимоий меъёрлари орқали ўзлаштирилади”³⁰.

Жамият кишилари ўртасидаги ўзаро келишув ифодаловчи ва ифодаланмиш орасида эркин ва ирсий алоқани келтириб чиқаради ҳамда у ўзига хос белги-рамзлар категориясини ҳосил қилади. Шунинг учун тилдаги мавжуд сўзларнинг катта қисми айнан шу белги-рамзлар категориясига тегишлидир. Мулоқот пайтида номлаш айнан рамзни белгилаш ҳодисаси сифатида намоён бўлади ва у мулоқотнинг асоси ҳисобланади: “борлиқ “қисмлари”ни номлари гап тузиш учун қурилиш материаллари вазифасини ўтайди. Лисоний моҳиятлар номлаш жараёнида борлиқ элементларини идентификациялаш ёки уларнинг белгилари ҳақида хабар бериш ҳамда дейктик (қаранг. *Дейксис*), сафланиш ва хизмат ролларига мослашади”³¹.

Матндаги номинация муаллиф нуқтаи назари, позицияларини ифодалайди. Гапирувчи қаҳрамон, ҳодиса ёки нарса-буюмни у ёки бу усулда номлашга ҳаракат қилади, ушбу жараёнда тез-тез тингловчига ҳодисанинг координаталарини ўзи билган ва билмаган ҳолда беради. Гапирувчининг бундай ҳаракати унинг ўша предмет ёки инсон ҳақида нималарнидир билиши ёки ўйлашини билдиради.

“Нутқий белги нутқ актида пайдо бўлади. Номлаш жараёнида танлаб олинган объект белгиси нутқнинг ички белгисини шакллантиради. Ҳар бир объект, шахс ўзига хос кўплаб умумий ва хусусий белги-хусусиятларига эга. Уларнинг ҳар бири нутқда фаоллашиб, нутқий номинациянинг асоси

³⁰ Лингвистический энциклопедический словарь (гл. ред. В.Н.Ярцева и др.) – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – С. 433.

³¹ Лингвистический энциклопедический словарь (гл. ред. В.Н.Ярцева и др.) – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – С. 433.

сифатида хизмат қилиши, ўша битта шахснинг ўзи кўплаб нутқий ифодаларни олиши мумкин”³².

Тилдаги кўплаб лисоний номлар сўзнинг кўчма маъносига асосланганлиги туфайли иккинчи даражали ҳисобланади. А.А.Реформатский архетипик вазият орқали маъно кўчиш механизмини қуйидагича тавсифлайди: “...биринчи ҳолат. “Шарик” (*шарик хлеба, шарик глины*, умуман *шарик*) номи номинатив йўналтирилган: *шарик* сўзи билан “шарик” тушунчаси талабларига мос бўлган ҳар қандай предмет, нарса-буюмни номлаш мумкин; “икки муҳим белги”га эга бўлган тушунча билан мувофиқлик ҳам яққол сезилади: шарсимонлик (*кубик, квадратик* унга қарама-қарши, тескари бўла олади) ва кичик ўлчам (*шар* унга қарама-қарши, тескари бўла олади); бироқ унинг бошқа белгилари, яъни ранги (кўк, қизил, оқ) ёки моддийлиги (лойдан, нондан ясалганлиги) муҳим эмас. Иккинчи ҳолат. *Шарик* итнинг лақаби. Кўриниб турибдики, ушбу лақаб *шарик* номидан келиб чиққан, чунки шарсимон, дўмбоқ кучукча кичкина шар каби думалайди. Бироқ вақтлар ўтиб кучукча улғаяди, росмана итга айланади. Баланд, узун, озғин “катта” ит энди “кичкина”, “шарсимон” белгиларини йўқотади, “*шарик*” номининг белгилари билан зиддиятга киришади ёки оддийгина *шарик* номининг белги тушунчаси ўртасидаги мавжуд боғлиқлик нутилади. Тушунча ҳам унинг “муҳим белгилари”нинг ифодаловчиларидан алоҳида мавжуд бўлолмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Энди “*шарик*” сўзи атоқлилиқ маъносини йўқотдими? Йўқ. Атоқли отлар маъноларга эга (акс ҳолда, улар тилда мавжуд бўла олармиди?), бироқ атоқли отларнинг аташ хусусияти маъно ва номланаётган нарса-буюмлар ўртасидаги мувофиқликни заифлаштиради. Учинчи ҳолат. *Шарик* сўзи (“беспородная собака” – “зотсиз ит”, “дворняжка” – “кўпшак”) лақаб сифатида янги аташ имкониятини йўқотмайди ва турдош отларнинг ҳамма ҳуқуқларини ўзлаштирган ҳолда тушунчани ифодалай бошлайди. У “шарик” – “маленький шар” (“кичик шар”)дан бошқа ўхшаш тушунчаларидан мето-

³² Гак В.Г. Теория и практика перевода. – М.: Интердиалект, 1999. – С. 173.

нимия ва синекдоха йўллари орқали олинган, ўзига хос дастлабки “шарик” тушунчаси билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган янги T_2 (II_2) иккинчи тушунчадир”³³.

Номинация – иккиламчи белги. У ўзида гапирувчи ёки ёзувчининг шахсий муносабатини акс эттиради. Сўзнинг ўз ва кўчма маъноларининг ўзаро тўқнашуви истехзо, киноя, пичинг, кесатиқ номинацияни вужудга келтиради.

Мурожаат аташ воситаси ҳамдир. Мурожаат матн элементларини ҳам грамматик, ҳам луғавий жиҳатдан ўзаро боғлайди, унинг яхлитлиги – когезиясини таъминлайди. Матн тилнинг турли бирликлари иерархиясидаги – фонетик бирликларидан то синтактик бирликларигача олий лисоний бирлик ҳисобланади.

“1. Тил – ярусларга иерархик стратификацияланган мураккаб семиотик структура.

2. Лисоний структуранинг ҳар бир яруси ўзаро боғланган ва муносабатдор бирликлар системасини ташкил этади.

3. Лисоний структуранинг хоҳлаган, исталган ярусидан унинг ўз сатҳлари ажралиб чиқиши мумкин.

4. Ҳар бир ярус учун унинг асосий бирлиги ажратилиши мумкин.

5. Морфологик ярус учун морфема асосий бирлик ҳисобланади.

6. Фонологик ёки фонетик ярус учун фонема асосий бирликдир”³⁴.

Структур тилшунослик концепциясига мувофиқ фонема морфемалар учун “қурилиш материали”дир. Морфема эса сўз таркибининг, сўз, ўз навбатида, синтактик бирликнинг маъноли қисми ҳисобланади. Матн эркин ўлчамдаги ўзаро когезив ва когерент боғланган жумлалар йиғиндисидир.

Тилшунослик учун матн ҳажми масаласи ҳанузгача мунозарали бўлиб келмоқда. И.Р.Гальперин камида иккита жумладан иборат матнни ҳам тан олади. Жумлалар ўртасида у ёки бу воситалар ёрдамида намоён бўлувчи

³³ Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Аспект Пресс, 1996. – С. 67.

³⁴ Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Аспект Пресс, 1996. – С. 124.

алоқалар мавжуд³⁵. Замонавий адабиётшуносликда эса ҳар қандай жумла, ҳатто, битта гап ҳам матн ҳисобланади. Матннинг асосий вазифаси китобхон ёки тингловчига таъсир қилишдир.

А.А.Леонтьевнинг таъкидлашича, “бутунлик, яхлитлик, бўлақларга ажралувчанлик, мавзуга алоқадорлик, боғлиқлик, мантиқийлик, темпораллик, локаллик, баҳолаш, композиция матннинг асосий белгиларидир”³⁶.

Турли характердаги коммуникантлар гапларидан ҳосил бўлган турли мурожаат шакллари матн когезиясини таъминлайди. Когерентлик ва когезия замонавий матннинг таянч хусусиятларидан биридир. И.Р.Гальперин физикадаги бир хил жинсли қаттиқ ёки суяқ жисмларнинг молекулалараро таъсирланиши натижасида яхлит жисмга айланиши ҳодисасини англатган “когезия” атамасини тилшуносликка олиб кирди. Унинг таъкидлашича, “когезия – бу узлуксизликни (континуум) таъминловчи алоқа тури. У ўзаро боғлиқ алоҳида хабар, факт, ҳодисаларнинг мантиқий кетма-кетлигини ифодалайди”³⁷.

Узлуксизлик баён изчиллиги ва матннинг турли давр-вақт категориялари билан ўзаро алоқасида ётади. “Вақт, давр, фазо, ҳодисалар оқимининг турли шаклларида намоён бўлувчи матн категорияси бўлган континуум ўзида объектив борлиқнинг вақт ва даврнинг бадийлик жиҳатдан тушунилишини таъминлайди. Бу эса “узлуксизлик” сўзи ўрнига “континуум” атамасини киритишга асос бўлган”³⁸.

Н.В.Лукашевичнинг фикрича, когезияни ифодаловчи бир неча воситалар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) дискурсив сўзлар;
- 2) луғавий такрор;
- 3) анафорик маълумот, ҳавола;

³⁵ Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – С. 74.

³⁶ Леонтьев А.А. Психолингвистические особенности языка СМИ. – М.: Добросвет, 2007. – С. 119.

³⁷ Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – С. 74.

³⁸ Лукашевич Н.В. Модели и методы автоматической обработки неструктурированной информации на основе базы знаний онтологического типа // <https://www.dissercat.com/content/modeli-i-metody-avtomaticheskoi-obrabotki-nestrukturirovannoi-informatsii-na-osnove-bazy-zna>

4) эллипсис³⁹.

Рус тилидаги *ну, вот, да* ва инглиз тилидаги *well, certainly, indeed* сўзларни дискурсив сўзлар сирасига киритиш мумкин. Уларнинг аниқ маъноси ва қайси сўз туркумларига мансублигини аниқлаш анча мураккаб иш. Улар матн, нутқ таркибидаги жумла ва гаплар ўртасидаги экстралингвистик, прагматик, ижтимоий-маданий, рухий ва бошқа омилларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Ўзбек тилида ҳам *ҳа, ҳўп, йўқ, бор* каби сўзларнинг аниқ бир сўз туркумига кириши маълум эмас, чунки мазкур ёрдамчи сўзларнинг бажарадиган вазифаси контекстга қараб аниқланади. Дискурс – ёзиш, талаффуз қилиш вазияти – матн яратувчиси, матннинг мақсади, вазифаси ва унинг таъсирий натижалари⁴⁰ билан бирга ўрганилаётган ва таҳлил қилинаётган матндир. Дискурсив сўзлар эса матннинг вазият билан ушбу алоқасини таъминлаб беради. Улар кўпинча диалог боғлиқлигини таъминлаган ҳолда якка тарзда инкор ёки тасдиқ гапларни ҳосил қилишлари ҳам мумкин.

Луғавий такрор гаплар – бир предмет ёки субъектга алоқадорлигини тушунишга имкон берувчи сўзлар такроридир. Луғавий такрорлар мурожаатнинг когезив функцияларини – матнларни дискурда сафлаш функциясини амалга оширишга имкон беради. Мурожаат матн мақсади, вазифаси, йўналиши, жойини белгилаб беради, гапирувчи ва тингловчи ўртасида алоқани тиклайди, вазиятнинг имманент хусусиятларини ўзлаштиради.

Л.И.Гришаева когерентликнинг мурожаат билан алоқасини куйидагича тавсифлайди: “Когерентлик, асосан, барча матншунослар томонидан матннинг имманент табиатига мос категория сифатида тан олинади. ... бу ерда ва бошқа матн грамматикаси муаммосига бағишланган илмий тадқиқот ишларида когерентлик олтита – когезия, ният, қабул қилиш, ахборотлилик,

³⁹ Лукашевич Н.В. Модели и методы автоматической обработки неструктурированной информации на основе базы знаний онтологического типа // <https://www.dissercat.com/content/modeli-i-metody-avtomaticheskoi-obrabotki-nestrukturirovannoi-informatsii-na-osnove-bazy-zna>

⁴⁰ Лингвистический энциклопедический словарь (гл. ред. В.Н.Ярцева и др.) – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – Б. 489.

вазиятлилик, матнлараролик белгилари билан бир қаторда матнлиликнинг асосий хусусиятларидан бири эканлиги ҳам таъкидланади”⁴¹.

Олимлар томонидан когезияни таъминловчи воситаларнинг турли гуруҳлари ажратилди. Л.Воборжил когезия турларини ажратиб, уларни “коннекторлар” деб номлади. Матн коннекторларини лексик воситалар, номлаш субституцияси, мантикий-грамматик воситалар, ассоциатив алоқалар, образли когезия, когезиянинг композицион-структур шакллари, махсус услубий усуллар, ритм ҳосил қилувчи шакллар, график воситалар⁴² ташкил этади. Шунини таъкидлаш жоизки, Л.Воборжил коннекторлари орасида муружаат қайд этилмаган, бироқ у когезиянинг “ассоциатив алоқалар” категориялари ва мантикий-грамматик ҳамда композицион-структур шаклларида намоён бўлади.

“М.Холлидей ва Р.Хасан когезиянинг беш воситаси – референция, субституция, эллипсис, конъюнкция (боғланиш) ва луғавий когезияни ажратадилар. Улар ушбу категориялар ўртасида мустаҳкам чегаранинг ўзи мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлайдилар. Когезиянинг барча категориялари структур-грамматик ва луғавий алоқа ҳодисаларидир. Когезиянинг беш воситаси муносабатларнинг икки хил типи – ифодаланаётган предмет ва ҳодисаларнинг ўхшашлиги ёки уларнинг бирлигига таянади”⁴³.

Матнда ифодаланган аёлни аташ учун унинг исми ўрнига – “қиз” (“девушка”) ёки “аёл, хотин, жувон, заифа” (“женщина”) каби мустақил сўзларни қўллаш мумкин. Унинг ижтимоий мавқеини кўрсатиш учун эса “талаба” (“студентка”), “хоним” (“дама”), “ёш хоним” (“барышня”), “бону”, “жория”, “пошша” ва бошқаларни қўллаш мумкин. Инглизча матнларда ҳам худди шундай сўз алмашувларини кузатиш мумкин. Жинсни белгилаш масаласи, кўпинча, семантик муаммоларни келтириб чиқаради.

⁴¹ Гришаева Л.И. Когерентность текста и акциональные цепочки // Язык, коммуникация и социальная среда // http://lse2010.narod.ru/yazik_kommunikatsiya_i_sotsialnaya_sreda_vipusk_6_2008/ligrishaeva_kogerentnost_teksta_i_aktionsialnie_tsepochki/

⁴²Воборжил Л. Лексические и другие средства когезии текста // http://www.rusistika.upol.cz/publikace/voboril_kohezekoherence.pdf

⁴³ Лаврентьева И.В. Когезия – Ульяновск: Колокол, 2004. – С. 6

Маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки унинг аъзоларини ҳақорат қилмай, камситмаган ҳолда айрим сўз ёки ибораларни қўллашдан қочиш ҳолатлари ҳам юз беради. Худди шундай тилдаги мавжуд сиёсий корректлар мафкураси айрим *o chairman* ва *chairwoman* сингари муаммони келтириб чиқарди. Инглиз тилида одатдаги ташкилот, муассаса раислари анъанавий тарзда *chairman* деб аталган. Кейинчалик феминист аёллар ҳаракати аёл раисларни *chairwoman* деб аташни ёқлаб чиқди. Бироқ кўпчилик учун раис жинсини таъкидловчи сўзни қўллаш ҳақорат ҳисобланган. Шунинг учун сайлов жараёнида бўлажак раис жинсини яшириш, унинг аёл ёки эркак жинсига мансублигининг мавҳумлигини сақлаш мақсадида жинс бўйича нейтрал янги сўз – *chairperson* сўзи таклиф этилди.

Ўзбек тилида бундай вазиятларда деярли жинсга ажратилмайди, шу сабабли муаммолар келиб чиқмайди. Ўзаро мулоқотда эса фақат аёл раҳбарларга нисбатан “опа” сўзи қўлланилади. Агар раҳбар эркак киши бўлса, “бошлиқ”, “хўжайин” мурожаат шаклларида фойдаланилади.

Чет давлатларда аёл раҳбарга мурожаат қилишда эҳтиёткорлик талаб этилади. Мурожаат пайтида унга қайси вариант муҳимлигини аниқлаш зарур, чунки сиёсий корректлик тенденцияси жамиятни ўз тил анъаналарига содиқлик ва сиёсий коррект сўзлардан онгсиз, саводсизларча завқланишларига асло йўл қўймаслик талаб этилади. Ҳозирда чет мамлакатларда *chairman* сўзининг қўлланилишига қаршилар сони кўпаймоқда. Ўзининг “аёллиги”ни таъкидловчилар томонидан *chairwoman* сўзининг қўлланилиши ҳам фаоллашган. Бироқ раис жинсини умуман таъкидлашни хоҳламайдиганлар, яъни *chairperson*ни афзал кўрувчилар ҳам мавжудки, ушбу ҳолат жамият аъзоларининг иккига – *chairwoman* ёки *chairperson*чиларга ажратади.

Бу бошқа соҳаларда содир бўлаётган субституцияларга ҳам хос ҳолатдир. Масалан, асосий ҳолат ва вазиятлар учун “*man*” сўзи қабул қилинган. Европа феминист аёллар ҳаракати вакиллари йўл таъмирлаш ишларини олиб бориш жойларида ўрнатилган пештахталардаги “*Man at*

work”ни *woman* ёки *person* сўзлари билан алмаштириш талаби билан чиқмоқдалар.

Когезиянинг мантиқий-грамматик воситалари сирасига бош ва тобе гапларни, синтактик алоқа таъминотчилари бўлган *вследствие, потому что, в связи с тем, что, поскольку, because, as a result, as well* турли боғловчилар ва боғловчи сўзларни киритиш мумкин.

Матн ёки нутқни қабул қилувчига когезия, ассоциатив алоқалар ҳар доим ҳам тушунарли бўлавермайди. Чунки ассоциатив алоқалар матн когезиясида мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Муаллиф бундай вазиятларда онгли тарзда олдинги мавзуга алоқадор бошқа мавзуга ўтади.

Таржима амалиётида когезиянинг айнан шу тури кўплаб мураккаблик ва қийинчиликларни келтириб чиқаради. Икки турли маданиятнинг ассоциатив алоқалари бир-бирига умуман мос келмайди. Айниқса, образли когезияда. У ёки бу ғояларнинг образли алоқадорлиги муаллифга таниш бўлиши мумкин, бироқ таржимон ва бошқа маданият ташувчисига эмас. Аташ ва матн когезиясини шакллантирувчи хусусиятлар мурожаатнинг прагматик вазифалари ҳисобланади.

1.2.§. Мурожаат дискурсининг институционал оператори сифатида

1.2.1. Институционал мулоқот модели

1950 йилларда мулоқотни комплекс ҳодиса сифатида тавсифлаш урфга айланди. Натижада “дискурс” атамаси тилшуносликка кириб келди. Замонавий тилшунослик асосчиси бўлган Ф.Соссюр камдан-кам ҳолатларда дискурс сўзини ишлатган. Аммо унинг сафдошларидан Э.Бенвенист “нутқ” сўзи ўрнига “дискурс” сўзини маъқул кўрган. Америкалик тилшунос олим Э.Харриснинг 1952 йилда чоп этилган “Дискурс таҳлили” (“Анализ дискурса”) мақоласи дискурсининг кенг қўлланилишига ўзига хос туртки бўлди. Энди тилшунослар дискурсга ўзига хос илмий таъриф ва тавсифлар

бера бошладилар. Оқибатда тилшунослик ва семиотика соҳасида янги – дискурсив таҳлил фани пайдо бўлди.

Аввал реплика-луқмалар “матнлар алмашинуви”, яъни икки суҳбатдош ўртасидаги ўзаро матнли жўнатмалар сифатида ўрганилган бўлса, замонавий тадқиқотлар доирасида бу ҳолат янада ойдинлашди. Мулоқот омиллар мажмуиغا айланди ва уларнинг ўзаро таъсирида аниқлик касб этди.

Дискурс – тадқиқ қилинаётган ҳодиса. Шунинг учун имкон қадар энг муҳим ижтимоий, маданий ва прагматик омиллар негизида унинг пайдо бўлиши, ривожланишини ўрганиш ва таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ Е.Ф.Киров охириги чекловни олиб ташлаш тарафдори. У ушбу ҳодисани ўтмишнинг келажакда мавжудлиги ва унинг кўплаб ҳодисаларни ҳозир ва келажакка детерминация қилиш хусусияти билан тушунтиради. Унингча, дискурс – у ёки бу маданият доираси ҳамда у ёки бу тилдаги ёзма ва оғзаки матнларнинг мавжудлиги тарихидаги йиғиндисидир.

Е.С.Кубрякова ва О.В.Александровалар учун дискурс – нутқни ташкил этиш, нутқий асарнинг яратилиши билан боғлиқ когнитив жараён⁴⁴. Матн – шаклан ва мазмунан тугалланган нутқий фаолият маҳсули.

Дискурс нутқий жараённинг ташкиллаштирувчилари ўртасидаги ўзаро таъсир ва киришувчанликни акс эттирувчи мураккаб тушунчадир. Ҳар қандай дискурсни потенциал диалог деб қабул қилиш мумкин. Чунки нутқ ўз адресати ва адресантига эга бўлгани билан тезкор реакцияга эга эмас. Суҳбат жараёнида унинг иштирокчилари даражаси, ўзаро муносабатларининг турли-туманлиги аниқ мулоқот шароитларига боғлиқ бўлган турли диалогик типларни ҳосил қилади.

А.К.Соловьева шундай диалог типларини ажратиш учун реплика-луқмаларнинг экспрессивлиги, мантиқийлиги, монологик яхлитлиги ёки диалогиклиги, суҳбатдош фикрларини сезгирлик билан тезда илғаб олиш ёки бўлишни назарда тутади. Шундан келиб чиқиб, у баҳс-диалог, изоҳ-диалог, жанжал-диалог ва унисон-диалог кабиларни ажратади.

⁴⁴ Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – Б. 97.

Инсон ўз ҳаёти давомида кўплаб ижтимоий вазифа – одатдаги диалогларни амалга оширади. Бундай одатий – она ва бола, устоз ва шогирд, шифокор ва бемор ёки ҳуқуқ-тартибот органи ходими ва тартиббузар ўртасидаги суҳбат кабилар фанда институционал дискурс деб номланади. Улар маданиятлараро мулоқот муаммолари (ушбу жамиятда қандай дискурс меъёрлари қабул қилинганлигидан беҳабар бўлган киши адекват диалогни амалга ошира олмайди ва унда ўзи ҳам иштирок эта олмайди) билан чамбарчас боғланган⁴⁵.

Дискурс (фикр алмаштириш, нутқий мулоқот) – сўзловчи ва тингловчи орасида ўзаро суҳбат, саволга яраша жавоб бериш. Мулоқот жараёнида сўзловчи (дискурс назариясида бу *коммуникатор* деб аталади) тингловчига (*адресатга*) ўз нутқи ёки мулоқот жараёни орқали ўзини таништиришни ҳам амалга оширади. Дискурс – фикрни баён қилиш жараёни, лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки шаклини моддий воқеланиши, лисоний ва нолисоний воситаларнинг биргаликда, ҳамкорликда ишлатилиши, лингво-этно-психо-ситуацион омиллар мажмуи. Дискурс турли лисоний ва нолисоний омилларнинг бутунлигидан ҳосил бўлган ўзига хос мураккаб бир тизим, системадир. Дискурс – лисоний ва нолисоний омиллар (прагматик, ижтимоий-маданий, руҳий) билан биргаликдаги матн; воқеа кечиши нуқтаи назаридан қаралаётган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қараладиган нутқ. Дискурс – лисоннинг яратувчанлик соҳаси (намунасидаир), ўз навбатида, туғилган ғоя, коммуникатив мақсад (интенция) натижасидир. Дискурс матнга нисбатан номоддий объект⁴⁶.

Рус тилшунослигида дискурснинг икки: **институционал** ва **ноинституционал** типлари ажратилади. Ушбу моделлар бир-бирларидан одатий ва ноодатийлиги билан фарқланади. Институционал дискурс мазмунининг 90% аниқ. Буни коммуникантларнинг одатдаги вазиятларда

⁴⁵ Бахчоян А.М. Разные точки зрения относительно термина “дискурс” // Актуальные вопросы современной науки. – Новосибирск: Центр развития научного сотрудничества, 2017. – С. 152.

⁴⁶ Тоирова Г. Ўзбек прагмалингвистикаси ўқув лугати. – Тошкент, 2016. – Б. 59.

таниш лўқма ва мурожаат моделларидан фойдаланганликларидан билиш мумкин.

В.И.Карасикнинг таъкидлашича, коммуникантлар маиший, ноинституционал дискурстан кўра институционал дискурсда ўзларини бошқача тутадилар: “Шахсий дискурс иштирокчиларининг мавқе ва вакиллик вазифаси дискурс системасини ташкил қилади. Мазкур дискурс иштирокчилари институционал дискурс иштирокчиларига қараганда тўлиқ фазилатлари билан намоён бўладилар.

Институционал дискурс – одамлар ўртасидаги мулоқотнинг махсус клишеланган тури. Улар бир-бирларини танимайди, бироқ ушбу социум меъёрларига мос тарзда мулоқотга киришадилар. Кўпинча шахсий мулоқот маиший мулоқот билан бирлашади. Ўзаро таниш одамлар ўртасида, номаиший тарзда ҳам мулоқот амалга ошади. Ҳар қандай мулоқот кўп ўлчовли хусусиятга эга. Аниқ нутқ мулоқот жараёнида мулоқот типларини ажратиш шартли ва тадқиқотчилик мақсадида амалга оширилади. Институционал мулоқотни амалга ошириш жараёнида иштирокчилар манекенлардек ҳаракат қилади”⁴⁷.

Бадий ва тарихий асарлар, кино ва спектакллар орқали хўжайин ва хизматкор ўртасидаги мулоқот меъёрлари бўйича маълумотларга эгамиз. Кўплаб ҳамжамиятларда хизматкорлардан ҳиссиз қиёфа ифодаси талаб этилган. Бу ҳеч қандай тасодиф ва сир эмас. В.И.Карасик ҳам расмий қабул жараёнида киборларга хос табассум ёки ишлаб чиқариш мажлисларида ўзларини диққати жамлангандек қилиб кўрсатишлари⁴⁸ га эътибор қаратади.

Институционал дискурс, амалий жиҳатдан қаралганда, мурожаатнинг суҳбатдошлар ўртасидаги масофа, вазминлик, хушмуомалалик, ўзаро ва мулоқот вазияти ҳақидаги зарур билимларидир. Ушбулар институционалликнинг даражаланиши ҳақидаги илк билимларни акс

⁴⁷ Карасик В.И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 5-6.

⁴⁸ Карасик В.И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 5-6.

эттиради. “Институционаллик даражаланиш табиатига эга. Мавқеи жихатидан тенг бўлмаган мулоқот иштирокчиларининг асосий жуфтлиги – ўқитувчи ва ўқувчи, диндор ва черков қавмлари, терговчи ва айбланувчи, шифокор ва бемор ўртасидаги мулоқот институционал дискурс ядросидир.

Шу билан бирга, мулоқот типи орқали ўқитувчи ҳамда ўқувчи ўртасидаги мулоқот ҳам ажратиб кўрсатилади. Институционал мулоқот перифериясида институт ходими билан институтга умуман алоқаси бўлмаган одам ўртасида қандайдир алоқа мавжуд. Шундай қилиб, институционал дискурснинг агент – мижоз – маргинал иерархияси белгиланади”⁴⁹.

Саид Аҳмаднинг “Менинг дўстим Баббаев!”⁵⁰ номли ҳажвиясида айнан раҳбар ва ходим ўртасидаги мурожаат шакли қўлланган:

– Мен сизга Неъмат эмасман, ўртоқ Баббаев бўламан, **ўртоқ Хажжайип**.

Индамадим. Ўзи стол ойнасини бир оз чертиб ўтириб гап бошлади.

– **Ўртоқ Хажжайип**, сизни чақиртиришимнинг сабаби шуки, биз сиз билан бевосита завод хўжалигига жавобгар кишилармиз. Ишлаб чиқаришни минимумдан максимумга кўтаришда командирлик қилишимиз лозим. Неъмат ўрнидан туриб кетди.

– Бас қилинг, **ўртоқ Хажжайип**, гап тамом!

– Хўп, – дедим, – кечирасиз, ўртоқ Баббаев. Чиқиб кетдим. Қечкурун Неъмат яна термос кўтариб тушди. Мен унинг олдига бориб, мумкинми, ўтирсам, **ўртоқ Баббаев**, дедим⁵¹.

Институционал дискурс ҳақида мулоҳаза юритилганда, келтирилган матндан маълум бўлгани каби раҳбар ва ходим ўртасидаги мулоқот кўриниши ҳам бадий асарларда, ҳам жонли мулоқотда учраб туради. Саид Аҳмаднинг аксарият ҳикоялари сатирик руҳда ёзилган бўлиб, уларда хўжайин ва ишчи-ходим ўртасидаги муносабатдаги ҳолатлар танқид

⁴⁹ Карасик В.И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 5-6.

⁵⁰ Саид Аҳмад. Таъзим (ҳикоялар). – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти. 1966. – Б. 66-67.

⁵¹ <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/said-ahmad/said-ahmad-mening-dostim-babbayev-hajviya/>

килинади. Баббаев ҳам Хажжайип билан шу мулоқот масаласида келиша олмайди.

Давр, тил эгалари жамоаси ва бошқа асосларга кўра институционал дискурс типларини ажратиш мумкин. “Институционал дискурснинг имкон қадар замонавий социумга хос сиёсий, маъмурий, юридик, харбий, педагогик, диний, илоҳий, тиббий, иш юритиш, рекламабоп, спортга оид, илмий ва оммавий-ахборот турларини ажратиш имкони бўлиши мумкин. Албатта, рўйхатни яна тўлдириш ва ўзгартириш ҳам мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, институционал дискурс тарихан (ҳозирги Россияда овчилар дискурсини тиклаш амри маҳол иш) ўзгарувчандир”⁵².

Меъёрлашган вазиятда институционал дискурсни амалга ошириш мумкин. Таниш вазиятларда мурожаатнинг матнда қўлланиладиган, ҳаммабоп одатдаги қолипчи луқмалар ишлатилади. Институционал дискурс доирасида ҳосил бўлган муносабат мурожаатнинг турли хил шаклларида фойдаланишни тақозо этади.

“Институционал дискурснинг бир қатор вазиятларида меъёрлаштирилган реплика-луқмалар ёрдамида сўзловчининг катта масъулияти остида салмоқли қарорларнинг қабул қилинишини назарда тутган жумлалар шаклланади”⁵³.

Худди шундай институционал мурожаат шакли Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарида ҳам турли ўринларда қўлланилган:

– **Намозов**, сиз озодсиз. Айбларингиз исботланмади⁵⁴.

Тоҳир Малик ҳам институционал дискурс доирасида “бек” мурожаат шаклини қўллайди, бироқ мазкур сўзга эгалик қўшимчасининг қўшилиши янги услубий маънони юзага чиқариш учун хизмат қилади:

⁵² Карасик В.И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 5-6.

⁵³ Прохоров Ю.Е. Коммуникативное пространство языковой личности в национально-культурном аспекте // Язык, сознание, коммуникация: сборник статей / Ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. – М.: Диалог-МГУ, 1999. – Вып. 8. – С. 52.

⁵⁴ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 45.

Асадбек тарсакидан сўнг бу кўсамулла чиқиб кетар, деб ўйлаган эди.
Унинг мутелик билан кўл қовуштириб, бош эгиб турганини кўриб:

– Яна нима дардинг бор? – деди.

– **Бегим**, бир қошиқ қонимдан кечинг, сизга нотўғри информация беришибди.

– Гапни чўзма. Менга қанақа хабар етказишни билишади. Ҳаж қилмоқчимисан, бу ҳам ёлғонми?

– Рост, **бегим**, рост. Мен асли шу гапни айтай деб келувдим.
Оқсоқоллар Асадбек ака ҳам.

– Охиратни дегин... Ўн беш мингни тўлаб у ёқдан майда-чуйда олиб келсам, харажатни қоплармикин? Асадбек бу саволни синов учун берган эди.
Бунинг фаҳмига етмаган Каримуллага жон кирди.

– Чиқади, **бегим**, унча-мунча қолади ҳам⁵⁵.

Шунингдек, “бек” мурожаат бирлиги Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида кўп марта қўлланган. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарида ҳам Асадбекка *бек*, *бек ака* деб мурожаат қилинади. Шу ўринда эркаклар томонидан *бек* сўзига *-им* эгалик шаклининг қўшиб ишлатилиши бугунги кун учун номеъерий. Ҳозирги ўзбек мулоқотида аёл киши турмуш ўртоғига нисбатан “бегим” деб мурожаат қилиши мумкин.

Нонуштадан кейин Жамшид келди.

– **Бек ака**, ҳаммаси пишди. Уйига обориб кўйдим, – деди Жамшид.

– **Бек ака**, кўчада имом турибди.

– Нима иши бор экан, ё тавба қилиб келибдими?

– Билмадим... эшитишимча, “Волга”сини шумо қилиб кетишибди.

Эшик очилиб, яна Бўтқанинг башараси кўринди.

– **Бек ака**, амакингиз мозорда юрганмишлар.


– Қайси мозорда, ким чиқариб юборибди?⁵⁶

⁵⁵ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 45.

⁵⁶ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 46.

Матнларда қўлланилаган “бек ака” мурожаат шакли турмуш ўртоққа нисбатан мурожаатдан анча фарқ қилади. Бу ҳолатда раҳбар, йўлбошчи, химоячи, маслакдош каби семантик маъноларни ифодалайди.

1-жадвал



Мурожаатни лисоний шахс маркери дейиш мумкин. Институционал дискурда мурожаат баъзан тил эгасининг ўзига хос шахсий хусусиятларини намоён қилишда қўл келувчи ягона усул ҳамдир.

“Лисоний шахсга бўлган биринчи эътибор олмон олими Й.Вейсгербер номи билан боғлиқ. Ушбу соҳада рус тилшунослигида биринчи қадамни В.В.Виноградов амалга оширган бўлиб, лисоний шахсни ўрганишнинг икки – муаллиф ва персонаж шахси йўлларини ишлаб чиқди. А.А.Леонтьев эса гапирувчи шахс ҳақида фикрларини баён қилган. Инсоннинг нутқий ҳаракатларни амалга ошириш, нутқ асарларини яратиш ва қабул қилишга тайёрлиги нуктаи назаридан лисоний шахс моделини яратган Г.И.Богин ушбу тушунчани ишлаб чиқади”⁵⁷. Тушунча маъносига Ю.Н.Караулов янада аниқлик киритиб, қуйидагича тавсифлайди: “Лисоний шахс – бу:

- а) лисоний мураккаб даража;
- б) борликни чуқур ва аниқ акс эттириш;

⁵⁷ Прохоров Ю.Е. Коммуникативное пространство языковой личности в национально-культурном аспекте // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. – М.: Диалог-МГУ, 1999. – Вып. 8. – С. 52.

в) маълум бир мақсадга йўналтирилган матнларни яратиш ва қабул қилиш қобилиятига эга шахсдир.

Лисоний шахс мазмун-моҳияти доирасига, одатда:

1) *дунёқараш компонентини*: у кадриятлар ёки ҳаётий мазмунлар системасини; тил оламига бўлган илк қарашни таъминлайди, оламнинг лисоний образи ва миллий табиатини шакллантириш негизда ётган ва лисоний диалог мулоқотида амалга ошувчи маънавий тасаввурлар иерархиясини яратади;

2) *маданий компонентини*: маданият – тилга бўлган қизиқишни оширувчи самарали восита. У ўрганилаётган нутқий ва нонутқий этикет қоидалари билан боғлиқ (улар мулоқот бўйича шерик, ҳамкорга самарали таъсир этиш ва адекват қўллаш кўникмаларининг шаклланишига замин тайёрлайди) тил маданияти фактларини ўзлаштириш даражаси ҳамдир;

3) *шахсий компонентини*, яъни ҳар бир шахсда мавжуд бўлган ўша индивидуал ҳолат⁵⁸ни киритиш мумкин.

Ҳар қандай лисоний шахс тил ва унинг қўлланиши ҳақида маълум билимларга эга. Унда умумхалқ лисоний образи ҳамда индивиднинг у ёки бу лисоний-маданий ҳамжамиятларга оидлигини белгиловчи миллий инвариант қисм мавжуддир. Умумий лисоний шахс мавжуд эмас, у ҳар доим *миллийдир*.

“Лисоний шахснинг уч даражали тузилмаси концепцияси коммуникатив эҳтиёжларнинг уч типи – алоқа тикловчи, ахборотли ва таъсир этувчи ҳамда мулоқотнинг уч -

- коммуникатив;
- интерфаол;
- перцептив томонларига маълум бир тарзда мувофиқ келади.

Ю.Н.Карауловнинг таъкидлашича, лисоний шахсда уч хил даража ажратилади:

- 1) вербал;

⁵⁸ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Аспект Пресс, 2011. – С. 77.

- 2) когнитив;
- 3) прагматик”⁵⁹.

Ушбу даражалар дискурсинг ҳар бир типда турлича намоён бўлади. Л.П.Клобукова “лисоний шахсни катта миқдордаги нутқий шахслар парадигмаси сифатида ўрганеди. Мазкур лисоний шахснинг ушбу вазиятда аниқ намоён бўлишини уч мезон:

- 1) лисоний билим даражаси;
- 2) нутқий фаолият турларини ўзлаштириш;
- 3) аниқ мулоқот, мулоқот вазияти бўйича дифференциациялаш мумкин”⁶⁰.

Ю.Е.Прохоров ушбу икки мезонни бирлаштиришни таклиф этган: “агар лисоний шахс – нутқий шахслар парадигмаси бўлса, нутқий шахс – бу реал мулоқот, фаолият парадигмасидаги лисоний шахсдир. Ушбу ҳолатда нутқий шахс – лисоний шахс элементларининг йиғиндиси бўлиб, уларни амалга ошириш ушбу мулоқот вазиятининг коммуникатив мақсади ва вазибалари, меъёри ва узуси, этник-маданий, ижтимоий ва психологик параметрларининг барча экстралингвистик ва лингвистик характеристикаларига боғлиқдир.

Шунга мувофиқ тарзда лисоний шахсни ташкил қилувчиларнинг ҳамма тури нутқий шахсда ҳам намоён бўлади”⁶¹.

Лисоний-семантик даража 100% бир хил бўлмайди. Меъёр ёрдамида гапларни регламентлаш; меъёрнинг функционал-услубий сатҳи; бадиий матнлар қурилишининг умумий тамойили тилни эгаллаш меъёри ҳисобланади.

Меъёрий даража у ёки бу фикрни ифодалаш учун етарли. У нутқий воситаларига эгалик меъёри сифатида намоён бўлади. У уч ўлчамли модель –

⁵⁹ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Аспект Пресс, 2011. – С. 77; Прохоров Ю.Е. Коммуникативное пространство языковой личности в национально-культурном аспекте // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. – М.: Диалог-МДУ, 1999. – Вып. 8. – С. 55.

⁶⁰ Клобукова Л.П. Феномен языковой личности в свете лингводидактики // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. – М.: Филология, 1997. Вып. 1. – С. 28.

⁶¹ Прохоров Ю.Е. Действительность. Текст. Дискурс. – М.: Флинта, 2016. – С. 22.

лисоний структура, тилни эгаллаш ва нутқий фаолият сифатида намоён бўлади. Демак, лисоний шахс “нутқдаги тил”дир. Агар, таклиф этилган лисоний шахс/нутқий шахсни ташкил этиш схемаси тўғри деб тан олинса, унинг уч ўлчамлилиги эса ушбу шахс лисоний/нутқий маконда амалга ошади, деб айтишга имкон беради, бунинг остида мазкур лисоний-маданий жамиятда шахс томонидан унинг нутқий фаолияти жараёнида лисоний билимлар ва кўникмаларни амалга оширишнинг маълум бир тарзда структурлашган йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин”⁶².

Лисоний шахснинг таркибий қисмига айланган мурожаат, унинг тузилиши ва вазифалари, ўзига хос шакллари вазиятга қараб қўллаш ҳақидаги билимлар уч ўлчамли тузилишга эга.

Айнан шу коммуникантга нисбатан мулоқот жараёнида “ўртоқ”, “жаноб” каби мурожаатлар билан бир қаторда, кўпинча, “узр”/“кечирасиз” сўзларини ҳам қўллаш мумкин. Бу тил ташувчисида атроф-оламни ўта аниқ тасаввур қилиш қобилиятининг ўзига хос ривожланганлигига боғлиқдир.

“Тил эгаси “ижтимоий-маданий муҳитда шахс томонидан ўзлаштирилган ва нутқий мулоқотда кенг оммалашган тушунча, ғоя, концептларнинг маълум миллий ўзига хос йиғиндиси бўлган когнитив даража орқали намоён бўлади. Тил ташувчисининг шундай когнитив даражасини ўрганишда тушунча, ғоя, концептлардан иборат “когнитив макон” тушунчаси қўлланади.

Когнитив тузилмалар лисоний ва феноменли бўлиши мумкин, бошқача айтганда – бу тил ва олам ҳақидаги билимлар – тилда акс этган, ментал когнитив тузилмалардир. Когнитив структураларнинг биринчи типини лисоний шахснинг илк ўрганилган – вербал томонига киритиш мумкин”⁶³.

Ақлий лисоний тузилмалар дунё манзараси ҳақидаги тасаввурлар негизидир. Ю.Е.Прохоровнинг таъкидлашича, дунё манзараси у ёки бу

⁶² Золотова Г.А., Онипенко Н.К., Сидорова М.Ю. Коммуникативная грамматика. – М.: Аспект пресс, 2010. – С. 110.

⁶³ Золотова Г.А., Онипенко Н.К., Сидорова М.Ю. Коммуникативная грамматика. – М.: Аспект пресс, 2010. – С. 110.

одамларнинг дунё ҳақидаги аниқ умумий тасаввурларига асосланади⁶⁴. “Время – деньги” (Time is money) ибораси машҳур америкалик сиёсатчи Бенжамин Франклинга мансуб бўлиб, 1748 йили “Ёш савдогарга маслаҳатлар” асарида “Унутма, вақт пулдир” ибораси қўлланилган. Ушбу ибора америкача дунёқарашнинг бир қиррасига айланиб улгурган. У ўзбекча дунёқарашдан кескин фарқланиб, ўзбекларга камроқ сингишиб бормоқда, айрим ҳолатларда у эътиборга олинади. Ўзбеклардаги “Вақтинг кетди – нақдинг кетди”, “Вақт олтиндан қиммат” ва “Умр оқар дарё” каби мақоллар бу борадаги тушунчаларнинг асоси ҳисобланади.

“Тил ташувчисининг прагматик даражасига, биринчидан, миллий-аниқ (маданиятлараро долзарблиги бўйича) тамойил, конвенция, стратегия ва мулоқот қоидалари киради. Иккинчидан, ушбу қоидалар миллий-аниқ, шу билан бирга, контекст ҳақидаги билимлар йиғиндисини ўз ичига олган прагматик пресуппозициялар базасида амалга ошади. Прагматик даражанинг учинчи вектори сифатида прагматик контекстнинг миллий-детерминацияланган тавсифини олиш мумкин”⁶⁵.

Мурожаат энди матннинг коммуникантлар ўртасидаги ўзаро муносабатдор лисоний ва нолисоний вазиятлардаги прагматик параметрларни акс эттирувчи векторга айланади.

1.2.2. Масофали мурожаат ва унинг прагматик параметрлари

Кишилар жамиятда иқтисодий, касбий, этник ва бошқа ўзига хос белгиларга қараб турли ижтимоий ўринларни эгаллайди. Шунинг учун кишилар бир-бирларининг мавқеларини гиперонимлар ёрдамида ёки исми орқали бир неча вариантда мурожаат билан ифодалайдилар. Улар орасида “Абдуллаева қани?”, “Нима деб ўйлайсиз, Абдуллаева?” каби исм-фамилиялари билан мурожаат қилиш одат тусига кирган. Бироқ исмини айтмасдан ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун улар исмга

⁶⁴ Прохоров Ю.Е. Действительность. Текст. Дискурс. – М.: Флинта, 2016. – С. 24.

⁶⁵ Прохоров Ю.Е. Действительность. Текст. Дискурс. – М.: Флинта, 2016. – С. 124.

ўхшаш, прецедент исми қўллаб, мурожаатга номлаш оттенкасини берадилар.

Одил Ёқубовнинг “Муқаддас” номли қиссасида қаҳрамон Абдуллаевани излаб бошқаларга мурожаат қилган ўринлар ҳам учрайди: *“Муқаддаснинг ёнига келиб ҳол-аҳвол сўраган силлиқ сочли таниш ёш домла эди. Мен ўтиришим билан у қўлида бир варақ қозғоз ушлагани ҳолда эшикка борди ва у ерда навбатчилик қилиб турган студент йигитчадан:*

– Абдуллаева қани? Нимага кирмади? – деб сўради секин. Муқаддаснинг ўрнига мен киришимга навбатчи йигитнинг ўзи рухсат бергани (эҳтимол у ҳам Муқаддаснинг ялиниб қараган кўзларига тоб беролмай “хўп” деб юборгандир!) шунинг учунми, ё шошиб қолиб бошқа сўз тополмай қолдим, билмадим⁶⁶.

Баъзан оддий мулоқотларда ҳам ўзи қидираётган кишини танийдиган кимсаларга ундалмаларсиз мана шундай тўғридан-тўғри мурожаат қилинаверади.

Айрим қиссаларда спонтан мурожаатларнинг асосини шахс отлари ташкил қилади:

“– Ўтиринг, **окахон**, – деди жингалак сочли йигит, меҳрибонлик билан.

– Раҳмат, **ука**, овора бўлманг, – деди Шариф. У “йигит бирор танишимнинг ё укаси, ёки ўғли бўлса керак, тасодифан кўриб қолди”, деб ўйлади. Қамокдан чиқа солиб танишга учраганидан, ҳатто хижолат бўлди. Одамлар айби борми ё йўқми деб мулоҳаза қилиб ўтиришмайди. “Қамокда ўтириб чикқан”, деб ола қарашади.

– Ўтиринг, – деди Жамшид. Бу сафар унинг овозида меҳрибонлик эмас, катъийлик, амр оҳанги зоҳир эди. Гарангсиб турган Шариф буни сезмади. Жамшиднинг атайин кутиб тургани ҳам унинг хаёлига келмас эди”⁶⁷.

Ўзбек спонтан нутқида хотин киши эри ва унинг яқинларига кўпинча исмини айтиб мурожаат қилмайди ва қариндош, дўстлар ҳам худди шундай

⁶⁶ Ёқубов Одил. Муқаддас. Қисса//<https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/odil-yoqubov/odil-yo-ubov-mu-addas-issa/> – Б. 21.

⁶⁷ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 2-қисм // https://kitobxon.com/ru/yo-zuvchi/malik_tohir

дўсти укаси ё акасининг хотинига, жуда зарур бўлмаса, исми билан мурожаат қилмайди:

“Ўртоғи уйига келмабди. Манзура одатига хиёнат қилмаган равишда ердан кўзини узмай сўради.

– Тинчликми ўзи, келин?

– Тинчлик, – деди у паст овозда. Бу оилага самимий муносабатда бўлувчи энг яқин одамнинг Жалил эканини, ҳатто унга ҳам оила сирларини ишониб айтиш мумкинмаслигини Манзура билади...”⁶⁸.

Мурожаат шакллари сифатида, асосан, от сўз туркумига доир бирликлар ишлатилади, аммо баъзан отлашган сифатлар ҳам бундай вазифани бажариши мумкин:

“Жиддий оҳангда айтилган бу гапни у эрмакдай қабул қилди:

– *Воҳма қилманг-е, азизим. Ўлдириб кетади, деб қамоқда ушлаб туришимиз ҳам тўғри келмайди-да. Эрмак одам лалаймай ўзини ҳимоя қилсин. Итдай ичиб, чўнтагига биров наша солиб қўйса ҳам, билмай ётаверадими?*

– *Мен ваҳима қилаётганим йўқ. Ундан пул талаб қилишган.*

– *Қим? Қачон?*

– *Кимлигини билолмай қолдим”*⁶⁹.

Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарида спонтан нутқ билан баравар институционал нутқ шакллари ҳам кўп учрайди. Бундай мулоқотларнинг асосий қисми тергов жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, мурожаат терговчидан гумондорга томон қаратилади:

– **Жонқораев!** *Сигналлар тушяпти, қамоқхонада бевошлик кучайибди. Текшириб уч кундан кейин ҳисоб берасан. Ҳа, Шариф Намозовдан ким пул сўраганини ҳам аниқла. Онасини Учқўрғондан кўрсатиш керак бунақаларни, тушундингми! Прокурор ёрдамчиси “маъқулми, кўнглинг жойига тушдимми”, дегандай Зоҳидга қаради-да, ўрнидан турди.*

⁶⁸ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 45.

⁶⁹ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 46.

– *Ҳозир республикага чиқишим керак. Сиз билан хотиржам би-ир гаплашамиз. Ўзим чақиртираман. У Зоҳиднинг елкасига қўлини қўйиб, зоят улуғ бир меҳр кўргазиб остонагача кузатиб қўйди*⁷⁰.

Ўзбек нутқ маданиятида инглиз ва рус тилларидан фарқли равишда исмлардан кўра шахс отлари кўп қўлланилади. Бундай мурожаатлар таниш ва нотанишларга нисбатан кўпинча бир хил ишлатилади:

“ – *Мошинангиз топилдимми, қори болам?* – деди.

– *Топилди, холажон, Худога шукр, топилди*”⁷¹.

Она ва бола ўртасидаги мулоқотларда ўзаро мулоқотнинг ўзига хос когнитив-прагматик имкониятлари намоён бўлади. Она кўча-кўйда бошқа болаларга ҳам болам, болажоним, деб мурожаат қилиши мумкин, аммо бу ўз фарзандига нисбатан қилинган мурожаат семасидан анча фарқ қилади:

“ – *Жоним болам, жон болам, мени қўрқитмагин, Анваржон.*

Анвар онасининг овози қаердан келганини дафъатан англамади. Ҳуши ўзига келгач, юзларини силаётган онасини кўрди-ю, аввалига ажабланди. Ёнида турган Хонзодани кўриб, нима воқеа юз берганини тушунди.

– *Ойижон, қўрқманг, хаёлга берилибман, – деди вазиятни юмшатиш учун.*

– *Вой, болам-ей, хаёлинг ҳам бор бўлсин-а, кимлар билан гаплашдинг?* – деди Рисолат кампир, ўглини қучоғидан бўшатмай.

– *Нима дедим?*

– *Гапларингга тушуниб бўлмайди, бир нарсалар деб гўлдирадинг-а, болам. Сени бир ўқиб юбориш керак. Инсу жинслар тинчлик бермаётганга ўхшайди.*

– *Ойи, ўтириб олинглар, – деди Хонзода, синиқ овоз билан.*

Она-бола диванга ёнма-ён ўтиришиди. Рисолат кампир, ўглининг юзини силаб, елкаларини уқалаган бўлди.

⁷⁰ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 46.

⁷¹ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 59.

– Ойи, Шоакбар Зуннуний деган одамни эшитганмисиз? – деб сўради Анвар, онасининг қўлларини ушлаб”⁷².

Ўзбек нутқ маданиятида, мулоқот вазиятларида ҳам бошқа тилларда бўлгани каби яратганга мурожаат шакллари мавжуд, аммо бу айнан тангрига мурожаатдан фарқ қилади:

“ – **Вой, худойим,** сан буни қаёқданам била қолдинг? Санга айтувдимми? Анвар кўрган-эшитганларини айтса, онасининг эси оғиб қолиши мумкинлигини билиб, “болалигимда айтувдингиз, шу эсимга тушиб қолди”, деди. Рисолат кампир ўғлининг косасидан чикқудай бўлиб катта-катта очилиб турган кўзларини кўрмайди. Аммо Анварнинг баданида сўниб улгурмаган енгил титроқдан аҳволини яхши билиб ўтирарди”⁷³. Қуйидаги жадвалда спонтан нутқда мурожаатни ифодаловчи бирликлар берилган:

2-жадвал



Турли хил прецедент феноменларни ўз ичига олган бир қанча соҳаларни ажратиш билан бир қаторда уларни ўхшаш матнлар, ўхшаш

⁷² Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 49.

⁷³ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 27.

вазиятлар (аниқ пропозиция, сюжетлар) ҳамда ўхшаш гапларга (мақол, матал, машҳур ҳаволалар) ҳам ажратиш ҳам мумкин.

Ўхшаш вазият – аниқ “қолип”ли бўлиб, маълум бир коннотациялар йиғиндиси билан алоқадор, уларнинг дифференциал белгилари эса когнитив базага киради; ўхшаш жумла ёки ўхшаш исм, ўхшаш вазиятлар маъноси бўлиши мумкин. Ўхшаш матн бу “нутқ фаолиятининг тугалланган маҳсулидир; (поли) предикатив бирлик; мураккаб белги, маънолари компонентининг қиймати унинг мазмунига тенг бўлолмайди.

Ўхшаш исм, одатда, анча машҳур матн ёки ўхшаш матн ёки ўхшаш вазият билан боғланган индивидуал исм сифатида аниқланади; бу, ўз навбатида, мураккаб белги, мулоқотда ундан фойдаланиш пайтида апелляция фақат денотат (референт) учун эмас, балки мазкур ўхшаш исмнинг дифференциал белгилари йиғиндисига нисбатан амалга ошади.

Ўхшаш жумла – бу “нутқ фаолиятининг қайта ишланаётган тугалланган ва ўзига етарли бирлиги бўлиб, предикатив бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин; мураккаб белги, маънолари компонентининг қиймати унинг мазмунига тенг эмас; мазмуни оддий маънолар йиғиндисидан кенг; ўхшаш жумланинг ўзи когнитив базага киради”⁷⁴.

Ўхшаш феноменлар ёрдамида адресатнинг маълум бир образини куриш мумкин. Масалан, одам адабиёт, мумтоз адабиёт ҳақидаги билимлари унинг когнитив базасини ташкил қилади, у пьеса ва бошқа адабиётлар номларини яхши билади.

Сўзнинг мотивацияланган маъноси бутун бир негизнинг илк маъносини акс эттиради. У лексик бирликни мотиватор сифатида ҳосил қилади. “Мотивацияловчи бирликларни таснифлаш – мураккаб иш. Уларга ўзаро қарама-қарши формал ва семантик мотивациялар таъсирининг мотивацияли маънони ифодалаш учун имкониятлари чекланган шакл ўртасидаги бевосита алоқа билан шартланганлигидадир. Энг катта – мотивацияли маънонинг (вольник – “эркин кураш бўйича мутахассис”,

⁷⁴ Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. – М.: Аспект Пресс, 2002. – С. 47.

советский – “Совет Иттифоқига алоқадорлик”) ашёвий компонентларини имплицитлаштирувчи универблардир.

Шаклан мотивланган бирликни соддалаштириш тенденцияси табиий кўринади: *листья падают – лист, падать – листопад, без рыбы – рыба – безрыбье. Специалист по естественным наукам – естественный – естественник*; (мотивловчи синтагма шаклан мотивловчи сўз ёки қатламни танлаш имконини яратади). Семантика учун бошқа йўналиш долзарбдир. Мотивланган маънони шакллантириш ва ифодалаш – бу мотивланган сўзнинг пайдо бўлиши учун тайёрлов акти эмас, балки ушбу жараённинг ажралмас қисми, мотивловчилар сифатида мотивловчи маъно ва биринчи навбатда, унинг релятив семасини ифодалаш учун муҳим ва етарли бўлган бирликлардир; бундай ўрганишда алоҳида сўзлар мотивловчи синтагмаларни ҳосил қилувчи воситалар орқалигина ифодаланади: *лист, падать – листья падают – листопад; вольный, борьба – вольная борьба – вольник* ва б.”⁷⁵.

Адресатни номлаш учун қўлланилувчи сўз ғояни сингдириш, яширин бошқариш имкониятига эга бўлиб, айнан шу маънода у кўп марта қўлланилади. Сўз бошқарувчанлигига эътиборсизлик унинг муваффақиятларининг асосий тамойилидир. Агар ғоя сингдирилаётган шахс содир бўлаётган ҳодисанинг табиийлигига ишонч ҳосил қилган тақдирдагина яширин бошқарув рўй беради.

“Манипуляция” атамаси “мулоқот иштирокчисига муҳим ҳаракат ёки хулқ-атворни амалга оширишига эришиш мақсадида қилинган руҳий таъсир турини билдиради. Манипуляция жараёни кўчма маънода одамларга таъсир этиш акти ёки уларни яширин бошқариш демакдир. Е.Доценко манипуляцияга қуйидагича таъриф берган: “руҳий таъсир тури бўлиб, ундан моҳирлик билан фойдаланиш иккинчи бир одамни ўзида мавжуд бўлган

⁷⁵Голев Н.Д. О некоторых типах мотивирующих единиц в русском языке // <http://lingvo.asu.ru/golev/articles/z13.html>

муҳим истакларига мос бўлмаган ниятларининг яширин уйғонишига олиб келади”⁷⁶.

МАНИПУЛЯЦИЯ [фр. *manipulatio* < лот. *manipulus* – ҳовуч < *manus* – кўл]. Ноқонуний операция; фаол савдо фикрини уйғотиш ёки олди-сотдида қимматли қоғоз баҳосини тушириш ёки ошириш учун олди-сотди қилинган қимматли қоғоз⁷⁷.

Г.Шиллернинг фикрича, “манипуляция яширин мажбурлаш, ғоя, ният, ҳис-туйғу, муносабат, установка, хулқ-атворларнинг яширин дастурланишидир”⁷⁸.

Ҳозирга қадар манипуляциялаш оммага таъсир этиш мақсадида бўлган ОАВларнинг нашр ва телевизион воситалари, сайловолди кампаниялари, сиёсий тадбирлар, рекламаларда фаол қўлланилмоқда. Халқ устидан назорат, уни бўйсундириш ва итоаткорлигини назорат қилишни амалга ошириш ушбу дастурлашнинг мақсади дир.

Манипуляция – ўзаро таъсир жараёни бўлиб, мазкур жараёндаги манипулятор ва унинг қурбони – ўзаро бир-бирларини итарувчи ва мулоқотдан манфаат кўзловчи худди шу одамларнинг ўзидир. Яширин бошқарувнинг муваффақият даражаси рухий таъсирнинг тараккий этган ва қўлланилиш жараёнида қанчалик ўзини намоён қилаётган воситаларига боғлиқдир. Г.Шиллернинг таъкидлашича, “катта муваффақиятларни қўлга киритиш учун манипуляция сезилмаслиги шарт. Қачонки яширин бошқарилаётган одам содир бўлаётган ҳодисаларнинг муқаррарлигига ишонч ҳосил қилган тақдирдагина манипуляция муваффақияти кафолатланади. Қисқа қилиб айтганда, манипуляция учун сохта ҳақиқат талаб этилади, бунда унинг иштироки сезилмайди”⁷⁹.

⁷⁶ Доценко Е.Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. – М.: ЧеРо, Издательство МГУ, 1997. – С. 143.

⁷⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 538.

⁷⁸ Шиллер Г. Манипуляторы сознанием /Пер.с англ.; Науч.ред.Я.Н.Засурской/ – М.: Мысль, 1980; Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагматический и когнитивный аспекты. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007. – С. 109.

⁷⁹ Шиллер Г. Манипуляторы сознанием /Пер.с англ.; Науч.ред.Я.Н.Засурской/ – М.: Мысль, 1980; Формановская Н.И. Речевое взаимодействие: коммуникация и прагматика. – М.: Икар, 2007. – С. 463.

Манипуляциянинг ўзига хос хусусияти “унинг ишонч, илҳомлаштириш, сингдиришга йўналганлиги ва адресатнинг рухий-ҳиссий муҳитга аниқ апелляцияси унинг асосий воситаси ҳисобланади”⁸⁰.

Лисоний манипуляция асосларини ўрганишда икки: “суггестивлик” ва “персуазивлик” илмий тавсифларини қайд қилиш жоиздир. “Суггестивлик (лот. *Suggestio* – сингдириш, шаъма, пичинг) – бир шахснинг иккинчи бир шахсга рухий таъсир этиш жараёнидир. Суггестивлик муҳим хабар, ахборотни ниқоблаган ҳолда сездирмай сингдириш билан характерланади.

Персуазивлик (лот. *Persuade* – кўндирмоқ, ундамоқ) – дискурс жараёнида аргументларни кучайтиришга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси. Сиёсий муҳитда персуазивлик мулоқот, мулоқотдан кейин ҳаракатларни содир этиш пайтида реципиентни эркин танлаш ёки уни рад этиш учун қўлланилади. Персуазивлик методи адресатни тарғиб қилиш назарда тутилган (масалан, тижорат рекламаси, сиёсий сайловлар) барча мулоқот вазиятларида қўлланиши мумкин».⁸¹

Персуазив мулоқот “шахсларнинг “авраш, алдаш” воситаси орқали адресант фойдасига ижобий қарорни олиш мақсадида бўлган ижтимоий ва мулоқот амалиётида тарихан муҳрланган ўзаро муносабатларининг нутқий-ментал ўзига хос шакли сифатида ёритилади”⁸². Заифлашган назорат (ёки унинг умуман йўқлиги) – суггестивликнинг персуазивликдан фарқловчи сифатидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, персуазивлик – бу асосан таъсир этиш, суггестивлик эса – “манипуляция” тушунчасига синоним, маънодош бўлган тур тушунчасидир.

Суҳбатдош томонидан мурожаат учун қўлланилаётган воситалар ёрдамида манипуляция қилиш, суҳбатдошни аниқ хатти-ҳаракатларни амалга

⁸⁰ Сковородников А.П. Information and Psychological War Linguistics as a Research Project at the Siberian Federal University: Problems and Achievements // Журнал Сибирского федерального университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2019. – № 2. – С. 109.

⁸¹ Сковородников А.П. Information and Psychological War Linguistics as a Research Project at the Siberian Federal University: Problems and Achievements // Журнал Сибирского федерального университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2019. – № 2. – С. 109.

⁸² Чернявская В.Е. Дискурс власти и власть дискурса. – М.: Флинта, 2006. – С. 73.

оширишга ундовчи ҳамда унинг онгида турли иллюзия ва адаш фикр-ғояларнинг пайдо бўлишига мутаносиб бўлган ахборотни танқидсиз қабул қилишга ундаш, мажбурлашнинг руҳий механизмларини ўз ичига олади.

Шундай манипуляциялар қаторига: формулировкалардаги қатъийлик, иккиланиш, гапларнинг асосланмаганлиги, ахборотнинг паст даражасида ҳам фактларга асосланиш ва мантиқийликка амал қилиш ўрнига нотўғри маълумот, ахборотларга ҳаволалар қилишни киритиш мумкин.

Шу билан бирга, манипуляциядан ҳимояланиш қилинаётган зарарни камайтириш учун қарши ташаббусга йўналтирилади. Манипуляцияга қарши реакциянинг икки: специфик ва носпецифик турлари мавжуд. Специфик реакцияларга олдиндан айтиб бўлмайдиган реакциялар эҳтимоллигининг ортиши, ўз манфаатлари йўлида ахборотни парчалаш, манипулятив таъсирни ўзгартиришга бўлган интилиш киради. Носпецифик реакцияларга назар-писанд қилмаслик, бошқарув, чекиниш кабилар мансуб бўлади.

Манипуляциянинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- 1) руҳий таъсир;
- 2) таъсирнинг яширин табиати;
- 3) манипуляторнинг суҳбатдошига ўз мақсадларига эришиш воситаси сифатида муносабатда бўлиш;
- 4) мулоқот жараёнида ғолибликка интилиш;
- 5) заифлик, кучсизлик, бўшлиқ, қатъиятсизликлар устида ўйнаш ва руҳий босимни қўллаш;
- 6) устунлик табиати.

Шундай қилиб, манипуляцияга қуйидагича тўлиқ таъриф бериш мумкин: “Манипуляция – бу руҳий таъсир бўлиб, ундан моҳирона фойдаланиш иккинчи бир одамни ўзида мавжуд бўлган муҳим истакларига мос бўлмаган ниятларининг яширин уйғонишига олиб келади”⁸³.

⁸³ Сковородников А.П. Information and Psychological War Linguistics as a Research Project at the Siberian Federal University: Problems and Achievements // Журнал Сибирского федерального университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2019. – № 2. – С. 112.

В.Е.Чернявскаянинг таъкидлашича, манипуляция бу “адресатнинг маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга яширин тарзда ундовчи, унинг онгига ахборот ташувчининг манфаатларини амалга оширишга хизмат қилувчи установка, муносабат ва истакларни сингдириш, мақсади адресатни бўйсундириш, уни мавжуд барча аргументларни ҳисобга олмаган ҳолда маълум бир гап, қарорларни айна ҳақиқат сифатида қабул қилишида адресат манфаатлари, қизиқишларига ҳар доим ҳам мос келмайдиган нутқий таъсирдир”⁸⁴.

Нутқий манипуляция жараёни уч: мантикий (мантиқ қонунларига беписандлик ва ёлғон аргументдан фойдаланиш), фактик (ҳодисалар ҳақидаги маълумотни тўғри тасаввур қилиш учун муҳим ахборотни фасильфикациялаш) ва лисоний (усулларнинг кенгайтирилган кўлами – турли ифода воситаларидан моҳирона фойдаланишдан то янги коннотацияларни мустаҳкамлашгача) сатҳларда амалга ошади.

Бу ҳолат турли коннотатив маркерланган сўз ва гаплар, хусусан, эвфемизмлардан мурожаатнинг воситалари сифатида фойдаланишни тақозо қилиб қўяди.

Эвфемизмлар бу шундай сўз ва гапларки, улардан жамиятда ноқулай, нобоп фикр ёки антипатияларни келтириб чиқарувчи маълум бир воқеа-ҳодисалар ва фактларни ниқоблаш, яшириш учун фойдаланилади. Эвфемизмлар нутқий манипуляциянинг лисоний сатҳига киради. Ҳозирда манипулятив таъсир роли ортиб бормоқда, бироқ эвфемизмларнинг таъсир сатҳи лингвистик планда тўлиқ, узил-кесил ўрганилмаган.

Рус нутқий этикети тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, ўзгаришлар, аввало, мурожаат воситалари, аниқроғи, регулятивларда бўлган. Бу ҳодиса, дастлаб, *Товарищ* регулятиви томонидан мурожаатнинг *Милостивый государь; Ваше благородие; Барин/Барышня; Ваше высокоблагородие* каби шакллариининг сиқиб чиқарилишида, этикет шаклини (революцияга қадар “юқоридан қуйига” ва “қуйидан юқорига” нутқий

⁸⁴ Чернявская В.Е. Дискурс власти и власть дискурса. – М.: Флинта, 2006. – С. 19.

этикетининг “хусусий/бегона” совет нутқий этикетига ўзгариши) танлашга таъсир қилувчи бош ижтимоий белгининг алмашинувида намоён бўлди.

Кейин эса, *товарищ* регулятивига бўлган муносабатнинг кескин ўзгариши ва СССРнинг парчаланиши ҳозирги замон рус тилида муурожаатнинг нотаниш, бегона одамларга нисбатан умум қабул қилган, услубий нейтрал шаклининг мавжуд эмаслиги маълум бир даражада мулоқотни қийинлаштиради. Нотаниш одамларга муурожаат ва расмий муурожаат шакллари системаси инглиз нутқий этикетига рус тилига қараганда анча кам ўзгаришларга дуч келган.

Бизнингча, *Ms* + фамилия шаклидаги муурожаат шаклининг пайдо бўлиши анча муҳим, уни турмушга чиққан аёл ва турмушга чиқмаган қизларга нисбатан қўллаш мумкин. Ушбу шакл XIX аср охири ва XX аср бошларида анъанавий тарзда мавжуд бўлган *Mr/Mrs/Miss* + фамилия вариантларига қўшимча бўлди”⁸⁵.

Муурожаат имкониятларини янгилаб турувчи этикет анъаналари фақат тил прагматикасидаги тарихий ўзгаришлар билан эмас, балки маданиятларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бирикиши, сингиши билан ҳам боғлиқдир. Турли халқ ва маданиятлар этикет анъаналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар нутқий этикетда ўзгаришларни келтириб чиқарган яна бир ижтимоий омилдир. Ҳозирда рус нутқий этикетига инглиз ва америка этикет маданияти ўзининг сезиларли таъсирини ўтказмоқда.

Худди шундай турдаги таъсирнинг намоён бўлишига, масалан, фамилия ва исм-шариф бирикмасини қўллаш доирасининг кенгайганлигини олиш мумкин. Аммо мулоқот доираларидан бизнес-алоқа мулоқоти доираси хорижий таъсирга кўпроқ учраган бўлиб, уларда отасининг исмини сиқиб чиқариш анча сезиларли даражада. Рус ва инглиз этикет системаларининг қизиқарли аралашмасини бир қатор телевидение кўрсатувларида кузатиш мумкин.

⁸⁵ Городецкая Л.А. Стратегии вежливости в английском языке в сопоставлении с русским // Россия и Запад: диалог культур. – М., 1996. – С. 293-304.

Студияга таклиф этилган юқори ижтимоий мавқега эга бўлган меҳмонга кўрсатувни олиб бораётган диктор исми-шарифи орқали мурожаат қилади, бироқ публикага қаратилган ўз нутқида уни номлаш ва таништириши жараёнида исми отасининг исми билан эмас, балки фамилияси билан қўллайди:

Сегодня гость нашей передачи – мэр Москвы Юрий Лужков. Юрий Михайлович, ответьте, пожалуйста, на такой вопрос...

Ушбу вазиятда эски этикет анъаналарига асосан отасининг исмини қўллаган ҳолда суҳбатдошни таништириш муҳимдир. ОАВлар нутқий этикет тараққиётига муҳим таъсир кўрсатувчи ижтимоий омил ҳисобланади. Улар ичида телевидение, шубҳасиз, энг таъсирчан воситадир.

Бир томондан, бошловчи ва шарҳловчи (корреспондент) нутқида янги этикет шакллари пайдо бўлаётган бир пайтда, иккинчи томондан, телевизор экранлари орқали кўплаб такрор намойишлар у ёки бу этикет ифодаларининг муҳрланишига олиб келяпти.

Интернет, e-mail, автоответчик сингари ижтимоий мулоқот доираларининг пайдо бўлиши ҳам нутқий этикет тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ушбу воситалар ёрдамида мулоқотга киришиш янги этикет шаклларининг пайдо бўлиши ёки анъанавий этикет бирликларининг алоқани ўрнатиш ва тўхтатиш ҳамда коммуникантлар муносабатларини бошқариш учун мослашувчан бўлиши талаб этилмоқда.

Худди шундай бугунги ўзбек оммавий ахборот воситаларида юқори ижтимоий мавқега эга кишиларга исми ва отасининг исми билан мурожаат қилинади. Расмий бўлмаган бундай суҳбатларда жамиятнинг бошқа соҳа вакилларига, жумладан, санъаткорлар, шоирлар, ёзувчилар, тадбиркорларга расмий бўлмаган мурожаат шакллари қўлланилади. Жинсга кўра исмларга *ака* ва *она* сўзлари қўшиб мурожаат қилинаверади: ***Юлдуз она! Абдулла ака!***

Бундай пайтда суҳбатдош бошловчининг соҳасига яқин кишилардан бири бўлса, унга устоз дея мурожаат қилиш урфга айланган ва бу ҳар қандай нутқ вазияти учун қулай: “Устоз, санъат соҳасида етишиб келаётган

шогирдларингизга қандай тилақларингиз бор?” (телевидениедаги суҳбатдан)
 Баъзан таълим соҳаси вакиллари билан уюштирилган суҳбатларда ҳам суҳбатдошга устоз деб мурожаат қилиш анъанага айланган: “Устоз, бугунги ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳақида нима дея оласиз?” (телевидениедаги суҳбатдан)

Мурожаат тарихан ўзгарувчан ва лисоний амалиётни прагматик жиҳатдан акс эттирувчи ҳодисадир. Мурожаат моделларини ўзгартириш амалиёти дискурс моделларининг тарихан янгилаанишини намоиш этади.

Қуйидаги жадвалда мурожаат шакллари ифодаловчи лисоний бирликлар берилган:

3-жадвал

№	Мурожаатни ифодаловчи бирликлар	Спонтан дискурда қўлланилувчи бирликлар	Институционал дискурда фойдаланилувчи бирликлар	Иккала дискурда ҳам баравар қўлланилувчи бирликлар
1	Ўртоқ		+	
2	Азизим	+		
3	Бек	+	+	+
4	Бек ака	+	+	
5	Хўжайин		+	
6	Устоз		+	
7	Ака, ука, хола,	+		
8	Опа	+	+	+
9	Худойим	+		
10	Хажжайип		+	
11	Баббаев		+	

Боб бўйича хулосалар

1. Мурожаат дискурсининг суҳбатдошлар томонидан яратилган кўшма диалогик ва полилогик матн когерентлиги ва когезиясини таъминловчи ажралмас қисмидир.

2. Бундай матннинг жамоавий муаллифлиги унда мунтазам равишда адресацияли “маркерлар”ни жойлаштиришга ундайди. Матн мазмуни уларсиз тушунарсиз бўлар эди. Аксар кўпчилик вазиятларда мурожаатнинг элементлари сифатида сўзлар (сифат, сифатдош, олмошлар билан бириккан ҳолда) чиқади, ушбу ҳолат мурожаат бирликларида номлаш вазифасини фаоллаштиради: маълум бир одамга мурожаат этиш орқали суҳбатдош ўша пайтнинг ўзидаёқ уни “семиз”, “чўлоқ”, “ўртоқ бошлиқ”, “ўртоқ директор” в.х. деб атайди. Бундай вазиятда коммуникантнинг исми, отасининг исми, фамилияси орқали бевосита амалга ошган мурожаатлар маркерланмаган ҳолда қолади.

3. Шундай бўлган тақдирда ҳам улар институционал дискурсга нисбатан маълум бир боғлиқликка эга бўлиб қолади: масалан, мактаблар, даволаш муассасалари, бошқа вазиятларда фамилияси орқали мурожаат қилиш кенг тарқалган. Кўп ҳолларда гапирувчи суҳбатдошининг фамилиясидан хабардор бўлгани билан унинг исмини айтишни билмайди// ёки айтиш лозим деб ҳисобламайди.

4. Исми ва отасининг исми бўйича мурожаат қилиш (яқин дўстлар, тенгдошларга исми бўйича, суҳбатдошлар ўртасида отасининг исми бўйича мурожаат қилиш ижтимоий, ёш жиҳатидан, вазиятга қараб катта масофани назарда тутди) ижтимоий маркерланган бўлади.

5. Мурожаат тарихан ўзгарувчандир: рус амалиёти таъсири остида кўплаб суҳбатдошлар ОАВларда расмий суҳбатлар пайтида бир-бирларига тўлиқ исми билан (“Баҳодиржон”, “Дилдора Расуловна”), мурожаат қиладилар. Исмларнинг қисқарган шаклидан (“Боха”, “Дили”) фойдаланиш

ўта яқин ижтимоий масофанинг мавжудлигидан дарак беради. Ўзбек спонтан амалиётида отасининг исми билан мурожаат қилинмайди.

6. Мурожаатнинг шакл ва усуллари жамият тараққиёти, унинг коммуникатив амалиёти ва тил ўзгаришлари босқичларининг тарихий динамикасини акс эттиради. Шу билан бирга, мурожаат формуллари лисоний шахснинг индивидуал параметрлари, унинг компетенциялари ҳамда формула, лексикон ва унинг прагматик вазифаларига нисбатан ривожланганлиги билан шартлангандир.

II БОБ. МУРОЖААТНИНГ КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ПАРАДИГМАСИ

2.1.§. Мурोजаатнинг коммуникатив тузилиши

2.1.1. Мурोजаатнинг лисоний воситалари

Кишилар ўртасидаги ўзаро суҳбат, аввало, мурोजаатдан бошланади. Улар бир-бирларига ижтимоий маъқеи, савияси, маданияти ва бошқаларидан келиб чиқиб бир-бирларига турли шакллар орқали мурोजаат қиладилар. Суҳбатдошлар бир-бирига исмлари (Кумуш! Зайнаб! Раъно! Анвар!), ижтимоий мақоми билан (Мирзо Анвар! Бек!), жамиятда эгаллаган ижтимоий мартабасига ишора тариқасида қабул қилинган алоҳида мурोजаат шакллари (Ўртоқ! Фуқаро! Хўжайин!), ташқи кўринишидаги кўзга яққол ташланадиган аломатига (Эй, Бақалоқ! Чўлоқ!) қараб мурोजаат қиладилар.

Шу ўринда ўзбек тилига ҳам совет тузуми даврида ўзлашган айрим сўзлар давр нуқтаи назаридан эскирган бўлса-да, уларнинг ҳозир ҳам истеъмолда фаол қўлланаётганини кузатиш мумкин. Айниқса, мурोजаат шаклларига тааллуқли бирликлар. Масалан, “ўртоқ” сўзи эски тузум идеологиясига кўра ҳамма ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тенгдир, ижтимоий табақаланишнинг олдини олиш мақсадида жамиятдаги барча кишилар бир-бирига ўртоқ деб мурोजаат қилинган (Ўртоқлар! Ўртоқ, Ленин!).

Абдулла Қаҳҳор асарларида ўз даврининг айрим иллатлари устида кулади ва айнан “Нутқ” номли фелъетонида буни батафсил ифода қилади: “Кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган” нотиклардан бири ишдан қайтиб келганида хотини бўйнига осилиб, кўзига ёш олди. – Сиз мени яхши кўрмайсиз... Турмушимиздан хурсанд эмассиз... Шу соатгача, шу минутгача кутдим, бир оғиз айтмадингизки, бир ёстикқа бош қўйганимизга бир йил бўлди... Нотик ҳақиқатан буни унутган эди, лекин гап топди: – Ие,– деди,– ҳали тўйимизга бир йил бўлдими! Бир йил? Шундай роҳат турмушимиздан,

шундай ширин умримиздан дарров бир йили кетдими! Оҳ, дод дейман.. Хотин илжайиб, турли ноз-неъмат, гуллар билан безатилган столни кўрсатди. Эр-хотин ўтиришди. Хотин рюмкаларга вино қуйиб: – Қани,– деди,– бир нима демайсизми? – Бир нима деяйми? – Вой, хали индамасдан ичмоқчимисиз? Нотиқ рюмкани олиб ўрнидан турди. Қошлари чимирилди, ранги бир оз ўзгарди, аввал рюмкага, кейин уйининг бурчагига қараб сўз бошлади:

– Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намуналик бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!⁸⁶

Бугунги кунда мазкур мурожаат шакли ички ишлар ва мудофаа соҳасида ўзидан катта лавозимдаги кишига нисбатан қўлланиладиган бўлиб қолди. Масалан, Ўртоқ бошлиқ! Ўртоқ командир!

Ҳар қандай вазиятларда ахборотни ҳақиқий эгаси – суҳбатдошига йўллаш мурожаатнинг асосий вазифасидир. Мурожаат суҳбатдошлар ўртасидаги мулоқот мувозанати масофасини, уларнинг бир-бирлари ҳақидаги шахсий маълумотлар захирасини, аниқ вазият чегаралари меъёрларини маънан ва моддий, руҳан ва ахлоқан сақлайди.

Суҳбатдошлар ўртасидаги ўзаро мулоқот мувозанати масофасини сақлаш – бу у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансуб суҳбатдошларнинг бир-бирларига ҳар қандай вазиятларда ҳам фамилиялари, исми шарифлари ва оталарининг исмларини тўлиқ ёки қисқартирилган шаклларида фойдаланиб ўзаро мулоқот мувозанати масофасини сақлаган ҳолда мурожаат қилишларидир. Маълум бир ижтимоий гуруҳга мансублик, ўзаро мулоқот мувозанати масофасини сақлаш, қариндош-уруғчилик, касбдошлик, дўстона алоқалар, қўни-қўшничилик ва бошқа турдаги яқин алоқалар ижтимоий рамзлар ҳисобланиб, маркерлик вазифасини ўтайди.

⁸⁶ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. 3 томлик. 1-том. Ҳикоялар, фельетонлар, пьесалар.–Тошкент: ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957. – Б. 276.

Сухбатдошларнинг бир-бирлари ҳақидаги шахсий маълумотлари захираси. Сухбатдошлар маълум бир ахборот, маълумотни ўз даражасида, турлича – ижтимоий мавқеи, турмуш тарзи, тажрибаси, билим савияси, дунёқарашига қараб ўзининг даражасида турлича идрок этадилар.

Сухбатдошлардан бири иккинчисининг шоирона табиати, шеър ёзиш ёки қўшиқ айта олиш қобилияти борлиги ҳақида била туриб уни “шоир”, “хофиз” деб аташи мумкин.

Сухбатдошлар мулоқот пайтида аниқ вазият чегараларини биладилар. Алоҳида ўзлари иштирок этаётган норасмий сухбат-диалогда бир-бирларини исмлари ёки лақаблари билан аташлари, ўзгалар иштирокида кечаётган расмий мулоқотларда эса расмий мурожаат шаклларида фойдаланишлари мумкин.

Кундалик, норасмий мулоқотнинг акси бўлган институционал дискурда сухбатдошлар мулоқотнинг ўрнатилган меъёрларига амал қилган ҳолда сухбат қурадилар. Қуйида юридик институционал дискурда қўлланилган лисоний мурожаат воситаларини кўриб чиқамиз.

Суд мажлиси қатнашчилари ҳам юридик нутқ одоби меъёрларига қатъий амал қиладилар. Суд мажлисини очиш, суд муҳокамасини бошлаш ва уни якунлаш жараёнлари мавжуд бўлиб, ушбу жараён қатнашчилари, албатта, касбий-нутқий ҳолатларни тайёрлаш кўникмаларига эга бўлишлари керак. Ҳар бир мамлакат ҳуқуқшуносларининг асосий мақсадларидан бири ҳуқуқ маданиятини тарғиб қилиш ва ёшлар онгига сингдириш ҳамда уларни профессионал юридик нутқда тил воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга ўргатишдир. Шу мақсадда ҳуқуқшунослар нутқида ўзига хос мурожаат қолиплари, нутқий штамплари (қолиплашган бирикмалар) мавжуд. Масалан, “Ladies and gentlemen”, “sir”, “madam” каби мурожаат шакллари инглиззабон юридик амалиётида, “подсудимый”, “потерпевший”, “свидетель” каби мурожаат сўзлари эса рус юридик амалиётида кенг қўлланилади.

Ўзбек юридик амалиётида эса “Жабрланувчи”, “Айбланувчи”, “Гумондор”, “Жавобгар” каби мурожаат шакллари қўлланиб келади. Масалан, Эркин Аъзамовнинг “Анойининг жайдари олмаси” асарида ҳам суд жараёни акс этган лавҳалар мавжуд:

– *Айбланувчи* Ҳайдаров Рамазон, олдин ҳам шу иш билан шуғулланганмисиз? – деб сўрайди судья.

– *Мен, Ҳайдаров Рамазон, 1950 йили Бойсун районида тугилиб эдим. Кейин... – дея тугилиб қолади.*

– *Айбланувчи Ҳайдаров, ҳеч ким сиздан тугилган йилингни сўраётгани йўқ. Олдин ҳам чайқовчилик қилганмисиз, деяман?*

– *Кейин мактабни битириб, Совет Армияси сафида хизмат қилиб эдим. Кейин бўлсам...*

– *Кейин, кейин... – Судьянинг энсаси қотди. – Ҳайдаров! Бу гаплар ҳаммаси мана – ишингизда ёзилган. Сиз бизга айтинг: аввал ҳам қилганмисиз шу ишни?*⁸⁷

Суд жараёнида суд раиси гумондорга кўп ҳолларда ўз фамилияси билан ҳам мурожаат қилади:

– *Менга қаранг, Ҳайдаров, уч чамадон ва икки қути билан қўлга тушгансиз-ку? Қолганлари кимники эди бўлмаса?*

– ...

– *Демак, улар бошқа шахсга тегишли бўлган. Орган одамлари кузатаётганини сезиб, у сизга ташлаб қочган, шундайми? А, Ҳайдаров?*

– *Шундай... Э, йўқ-йўқ, меники эди, меники!*⁸⁸

Нутқий вазият мулоқот шакллари беихтиёр танлашга мажбур қилади. Айниқса, суд ва тергов жараёнларида шахсларга нисбатан қўлланилувчи мурожаат бирликлари сўзловчига қулай ва муайян кўникма ҳосил қилгани сабабли мунтазам фойдаланилади:

⁸⁷ Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Тошкент, 2001. – Б. 36.

⁸⁸ Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Тошкент, 2001. – Б. 36.

– Айбланувчи Ҳайдаров! Эсингизни йиғиб олинг. Ё тоб-побингиз йўқми? Қаерингиз оғрияпти, айтинг, суд мажлисини тўхтатайлик.

– Эби, нимага? Соппа-согман.

– Бўлмаса айтинг: бунча узуму анорни кўтариб қаёққа кетаётган эдингиз? Нима мақсадда?

– Шундай, айланиб келгани. Барнаул – хизмат қилган жойим. Зўр жой, оғайниларим кўп у ерда.

– Шунча нарсани оғайниларингизга олиб бораётган экансизлар-да?

– Йўз-э, мен уларга тўрттагина олма олган эдим, бўлди. Қуруқ бормайин деб⁸⁹.

Судя ҳам кайфиятига қараб, мулоқотнинг вазиятига кўра айбланувчига ён босгандек қилиб баъзан унга “Ҳайдаров” баъзан яна ўта расмий оҳангда “Айбланувчи Ҳайдаров” деб мурожаат қилиб қолади:

“ – Майли, майли, Ҳайдаров, кейин еймиз олмани...”

– Зўр олма-да лекин. Бу, ҳозирги олмаларингизнинг бари бузилиб кетган. Ҳар балони пайванд қилавериб айнитиб юборишган-да. Фақат бизларда қолган унақаси. Мен ўзим олмани унча яхши кўрмайман. Есам – кўнглим айнийди.

– Ҳа-а, демак, олма ўзларингизники, уйдан олиб келгансиз?

– Ие, ишонмасангиз, ана – отам ўтирибди, акам ўтирибди, жўраларим – сўранг! Ка-атта олмазоримиз бор! Ё тўрт кило олмага ҳам справка олиб келайми?

– Бўпти, бўпти, ишондик. Демак, сиз уйингиздан тўрт-беш кило олма олиб, ўша ўзингиз айтгандек, ҳеч жойда битмайдиган антиқа олмадан олиб, бирга хизмат қилган оғайниларингизни кўриб келгани Барнаулга жўнагансиз. Биттагина чамадон билан, биттагина! А, қолган нарсалар кимники эди – узум, анор?!”⁹⁰

⁸⁹ Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Тошкент, 2001. – Б. 69.

⁹⁰ Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Тошкент, 2001. – Б. 69.

Айбланувчи судьянинг аёл киши бўлганини инобатга олиб “ука” дегани учун кўнглини юмшатиш мақсадида унга “опа” деб ҳам мурожаат қилиб кўрди:

“ – Ука, тушунсангиз-чи, биз сизга ёрдам қилмоқчимиз. Яхшилаб ўйлаб, тўғриси айтинг. Тақдирингиз ҳал бўляпти, ахир!

– Опажон, бир марта кечиринг!

– **Мен сизга “опажон” эмасман!**

– Ўзингиз “ука” деяпсиз-ку, мен нима дейин сизни? Отингизни билмасам, фамилиянгизни билмасам...

– **Отимни билишингиз шарт эмас. Мен сиз учун – гражданин судьяман!**

– Мен ҳам гражданман.

– Йўқ, сиз энди – айбланувчисиз, айбдорсиз!

– Мен... айбдорман?! Айбдорман, кечиринг...

Судья кўзларини қаттиқ юмиб, бошини чангаллаганча сарак-сарак қилди.

Бу гаплар ҳаммаси тушимда кечаётгандек эди. (Тушида бўлмай, ҳаётда ҳам шунақаси бўладими, ахир!)

Ҳукм ўқилди. Чайқовчиликда айбланган Ҳайдаров Рамазон бир йилга озодликдан маҳрум этилди⁹¹.

Хорижий мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Англия, Германия каби давлатларда суд жараёни, ёки бошқа ижтимоий мулоқот жараёнларида мансабдор шахсларга “жаноб”, “мистер” деб мурожаат қилинади. Юқоридаги асарда эса “Жаноб судья” эмас, “гражданин судья” каби мурожаат шакллари қўлланганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Институционал суд жараёнида тил эгаси ўзини турли омиллар таъсирида намоён қилишга ҳаракат қилади. Биринчи асосий омил – бу суд ишларини юритиш анъаналари. Америка ва Россияда суд ишини юритиш анъаналари юқори даражада ривожланган. Мазкур мамлакатларда суд жараёни

⁹¹ Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Тошкент, 2001. – Б. 69.

катнашчилари таниш, ёд бўлиб онларига сингиб кетган барқарор нутқий қолиплар (қолиплашган бирикмалар)ни юридик диалогларида ўринли қўллайдилар. Улар учун бу ҳуқуқий-ахлоқий меъёрга айланиб бўлган. Бирок Ўзбекистонда суд ишини юритиш анъаналари, суд амалиёти қоидалари бир канча ўзгаришларни бошидан кечирган.

Институционал суд дискурси ўта ўзгарувчанлик хусусиятига эга: у инсонга ўзининг лисоний шахсини ўзгартиришга ва у ёки бу суд жараёнида маънавий тозаланишни бошидан кечириб ҳаракатланишга имкон беради:

“Суд раиси, ниҳоят, тилмочга юзланди: – Айтингиз, айбдор юзини очсин. Тилмоч бу буйруқни Зебига тушунтириб берди. – Вой, ўла қолай! Шунча номаҳрамнинг олдида юзимни очаманми? Ундан кўра ўлганим яхши эмасми? Бу сўз таржима қилиб берилгач, пастдагиларнинг ҳаммаси деярлик, суд ҳайъатидан бир неча киши енгилгина кулиб олдилар”⁹².

Мазкур парчада Зебига нисбатан судя томонидан юридик атама қўлланилади, яъни айбдор. Романдаги суд жараёни, Зебига нисбатан суд ҳайъатининг муносабати, тилмочнинг иштироки – барчаси бир ўзбек қизининг шум тақдири, замоннинг кирдикорлари Зеби ва унга ўхшаганларнинг, миллатдошларининг вазият қурбонига айланаётгани, амалдорларнинг дин ва шариятни ниқоб қилиб айбсиз кимсаларни айбдорга айлантириши муаллифнинг мақсадини ошкор қилади.

Мана шу жирканч воқеа сабабли Зебига айбдор деб мурожаат қилинадиган бўлди: *“Бу ҳукм устидан тегишли жойларга шикоят қилиш мумкин, дейилади. Тилмоч ҳукмномани тўрт оғизгина қилиб эшиттирди: – Айбдор Зебиниса Раззоқ сўфи қизи Ҳарбий суднинг ҳукми билан етти йил Сибирь қилиндингиз. Норози бўлиб ариза берсангиз мумкин. Ҳукмнома ўқилиб битар-битмас, залдагилар чиқа бошлаган эдилар. Ўқилиб тамом бўлгач, суд*

⁹² Чўлпон. Кеча ва Кундуз: Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 331.

раисининг ишорати билан, қилич яланғочлаган конвойлар яна бояги тахлитда Зебини олиб чиқиб кетишди”⁹³.

Мазкур суд жараёни бошқа суд мажлисларидан, бошқа нутқий актлардан фарқ қилади. Аксарият судларда судловчи ва судланувчи ўртасида мулоқот бўлади. Судя айбланувчи ёки жиноятчи ё бўлмаса, гумондор билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришади. Зебининг суд жараёнида тилмоч воситачилик қилади. Мурожаат шаклларнинг мазкур асарда қўлланилиши ҳам шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга.

Институционал дискурсниинг бошқа турларида мурожаатнинг лисоний воситалари, одатда, конситуация моҳиятиниинг ўзи орқали қаттиқ муҳрланган ва тавсифлангандир. Бир қатор институционал дискурслар маданият, жамият ва мулоқот контекстига шартланган мурожаат шакллариини назарда тутди.

Сиёсий дискурсда мурожаатлар икки ёқламали формулани акс эттиради: “Сиёсий суҳбат иштирокчилари ўз нутқларида маълум бир чекланган ахлоқ (этикет) мурожаат шакллариинан фойдаланадилар. Улар орасидан ўзига хос фаол қўлланувчилариини ажратиб олиш мумкин (Хурматли исм+отасининг исми! Хурматли ҳамкасблар! Хурматли депутатлар/сенаторлар!). Суҳбатдошлар бундай маданий мурожаат шакллариинан суҳбат вазиятини ўзига хос юмшатиш мақсадида қўллайдилар. Албатта, ҳар қандай мурожаат аниқ шахсга ва унинг орқали бутун аудиторияга қаратилган бўлади. Сиёсий суҳбат жараёнида шахсга ва унинг орқали барча иштирокчиларга қаратилган мурожаат орқали танқидий фикрнинг ошкорлашиши, албатта, тил орқали амалга ошади. Суҳбатдошларнинг диалог жараёнида билдираётган танқидий ниятлари мурожаат билан бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқади. Суҳбат иштирокчиси ўз мурожаат тактикасини қўллайди. Мурожаат тактикаси уни дефокализациялашдан иборатдир. Бир шахс орқали кўпчиликка ва кўпчилик орқали бир шахсга қаратилган мурожаат остидаги танқидий ниятнинг лисонийлашуви унинг аудитория бўйлаб қамровини кенгайтиради. Умум қабул қилган таомиллашган мурожаат шакллари ҳар қандай суҳбат

⁹³ Чўлпон. Кеча ва Кундуз: Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 332.

жараёнида суҳбатдошлардан вазминликни талаб қилувчи воситаларга айланади”⁹⁴.

Т.А.Черепко суҳбат(дискурс)ларни тадқиқ қилиш жараёнида уларни бир-бирига қиёслашга ҳам уринган. Масалан, тиббиёт соҳасига доир суҳбатлар, уларда қўлланган лисоний мурожаатларни суд соҳасига доир суҳбатлар ва мурожаатлар билан қиёслайди. Унинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, суҳбатларда қўлланган мурожаатлар ушбу соҳаларда маълум бир ваколатни зиммасига олган шахсларга тегишли, яъни лисоний мурожаат маълум бир ваколатли шахс мавқеини ифодалайди⁹⁵.

Азалдан тилшуносларни суҳбат жараёнлари, уларда қўлланилаётган мурожаатлар, уларнинг тузилиши, ифодаланиши, мурожаатларнинг дефокализацияланиши ва маркерланиши каби ҳодисалар қизиқтириб келган. Ҳар бир касб ва соҳа вакиллари ўзларига мос ва хос бўлган нутқ, мурожаат шакллари ва нотиклик санъатини ишлаб чиқадилар. Ҳуқуқшунос, юрист нутқи бошқа касб эгалари нутқига нисбатан ўта мураккабдир. У ўз иш фаолиятида нафақат қонунларни тарғиб ва ташвиқ қилади, инсонларнинг содир этган хатти-ҳаракатларини қонунлар доирасида ҳам ҳимоя қилади. У ўз нутқида ҳамма услублардан фойдаланади. Худди шундай тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларда муомала маданияти, ахлоқан поклик, инсоф ва диёнат, виждон, ҳалоллик кабилар устун бўлади. Булар, албатта, уларнинг нутқида акс этади. Масалан, тиббиёт соҳаси ходимларининг суҳбати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўртасидаги суҳбатни қиёслаш орқали кўплаб масалаларга оидинлик киритади. Ҳар иккала суҳбат иштирокчиларнинг жиддийлик, хушёрлик, масъулиятлилики ва энг асосийси, диққатларини бир ерга жамлаганликлари негизида қурилади. Шу билан бирга, эътиборни ҳар иккала соҳа вакиллари, уларнинг касб-корига қаратишининг ўзи кифоя. Ушбу касблар олижаноб ва

⁹⁴ Труханова Д.С. Митигативный потенциал обращения в институциональном политическом дискурсе // <https://cyberleninka.ru/article/n/mitigativnyy-potentsial-obrascheniya-v-institutsionalnom-politicheskom-diskurse>

⁹⁵ Черепко Т.А. Проявление коммуникативного контакта в институциональном дискурсе // <https://medconfer.com/node/2351>

муқаддас бўлибгина қолмай, кўхна ҳамдир. Айнан шу жиҳатлар уларнинг умумий белгилари эканлигини кўрсатади.

Талаба шифокорлик касбини шунчаки диплом олиш билан эмас, чин юракдан қасамёд қилиб иш бошласа, юридик олий таълим муассасалари ва университетлари ҳуқуқшунослик факультетлари битирувчилари эса бурч кодекси асосида ишни ташкил этадилар. Бу уларни бир-биридан ажратиб турадиган жиҳатлардир.

Ҳуқуқшунос, юрист халқ олдидаги бурчидан келиб чиқиб, давлат қонунларига умрининг охиригача хизмат қилишга, Конституция, халқаро ҳуқуқий ва ахлоқнинг умуминсоний меъёрларига мувофиқ тарзда фуқаронинг инсоний кадр-қимматини, унинг ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, миллати, диний эътиқоди, дунёқараши, сиёсий нуқтаи назаридан қатъи назар ҳимоя қилишга қасамёд қилади.

Шифокор ўз қасамёдига биноан ҳар қандай вазиятда тиббий ёрдамга муҳтож беморга унинг ижтимоий келиб чиқиши, миллати, диний эътиқоди ва дунёқараши, қандай вазият, ҳолатда бўлишидан қатъи назар вазминлик ва сабр-тоқат билан тиббий ёрдамни амалга оширади.

Таҳлил қилинаётган институционал дискурсларнинг умумий белгиларига шифокорнинг махфий сирни ёки ўта махфий ахборот ва хизмат сирларини сездирмаслик ёки ошкор қилмаслик қилмаслик билан боғлиқ ўзига хос касбий этика, ахлоқий меъёрларнинг мавжуд институтларини киритиш мумкин.

Ушбу дискурслар учун ишлаб чиқилган кенг соҳа терминологиясининг мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг ўзига хослиги шундаки, тилда атамаларнинг илмий системаси билан бир қаторда маиший атамалар, маросим, таомил белгилари ва атрибутлари (тиббиётда оқ халатлар, тиббий анжомлар, шифокорларнинг шахсий муҳрлари; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда – судья мантияси, турли бўлимларга тегишли уст-бош кийимлар, гувоҳномалар) системаси ҳам мавжуддир.

Ушбу институционал дискурслар доирасида махсус ўзига хос мурожаат турлари: шифокорларда – консилиумлар, тиббий комиссиялар, кўриклар, пациент соғлигининг ҳолати юзасидан тиббий хулоса; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларида – тергов тадбирлари, экспертиза процедураларини олиб бориш, суд ишини кўриш кабилар мавжуд. Тиббий ходимлар муҳитида “доктор”, “сестра”, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари муҳитида эса – “гражданин начальник”, “ваша честь”, “уважаемый суд” ва бошқаларнинг қўлланилиши табиий ҳолдир⁹⁶.

Очиқ ахборот воситалари дискурсида, одатда, маълум бир кўрсатув (ёки телеканал) контекстида томошабинлар/тингловчилар учун маълум мурожаат типи муҳрланган. Ушбу вазиятда иккиламчи институционализация мавжудлигини таъкидлаш жоиздир: расмий иш услубига (“хонимлар ва жаноблар” ва б.) хосланган мурожаат билан бир қаторда норасмий услубга хос (теледастурлар, блогер канали ва б.) – “қизлар”, “болажонлар” ва б. каби мурожаатлар ҳам институционаллашади.

Исталган дискурс турида мурожаатнинг лисонийлашуви у йўлланган шахс номи билан чегарадошликда туради. Тенгсизлик асосидаги номутаносиб ўзаро муносабатлар ҳукм сурган контекстлардаги (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари ва оддий фуқаро ёки тиббий бирлашма вакили билан пациент ўртасидаги суҳбат-диалог) мурожаатнинг лисонийлашуви ўзаро муносабат чегараларини ҳамда унинг имкон даражасидаги мавзулар доирасини чегаралайди: бемор шифокорга ўз соғлиги муаммолари устидан шикоят қилиши, касаллик билан оғриганда қандайдир тавсиялар сўраши мумкин, бироқ ҳеч қачон кинематографиянинг янгиликлари ёки таом тайёрлаш йўриқномаси ҳақида савол бермайди.

Баъзан бир матнда ундалма воситасида ифодаланган мурожаат шаклларида ташқари ундалмаларсиз ҳам суҳбатдошга мурожаат қилинган ўринлар учрайди. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида Раззоқ

⁹⁶ Черепко Т.А. Проявление коммуникативного контакта в институциональном дискурсе // <https://medconfer.com/node/2351>

сўфига доянинг мурожаати қуйидагича: *Болани йўргаклаганидан кейин ҳали у қадар одам кепатасига кирмаган юзларига тикилган ва мана бу сўзлар билан эркалатганмиш:*

– Айланай, меҳмон, кимдан хафа бўлиб тушдингиз?

Ким озор берди сизга? Айтинг! Қовоғингизни очсангиз-чи! Ёруғ дунёга келдингиз! Шукр килинг! Севининг! Мундоқ бир кулинг! Кулимсиранг! Илжайинг!..⁹⁷

Мазкур контекстда бир марта ундалма иштирокида мурожаат қилинади, кейинги ўринларда даъват шаклидаги буйруқ гаплар, албатта, мурожаатга хизмат қилмоқда.

2.1.2. Мурожаатнинг нолисоний воситалари

Нолисоний мулоқотнинг тадқиқ қилинишида қуйидаги асосий муаммолар: юз, қиёфа имо-ишоралари (мимика), тана ҳаракатлари, ишоралари (жестикуляция) ва тана тили тарихини ўрганиш, юз ифодалари, турли тана аъзолари, кўзларнинг ҳаракати ёрдамида инсоннинг турли рухий ҳолатларини ифодалаш ҳамда уни назорат қилиш имкониятлари ўта қизиқарлидир.

“Барча антропоцентрик йўналишдаги илмий тадқиқот ишларининг фарқли томони шундаки, лисоний система ва лисоний тузилмани инсоннинг экстралингвистик субъектив билимларини қабул қилиш воситалари, усуллари сифатида таҳлил қилинишидадир. М.Саидхонов “Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар” номли китобида коммуникатив жараён учун хизмат қилувчи маълум ахборотни узатиш воситаларидан бўлган рамзлар, шартли белгилар, морзе тили, ишоралар ва бошқа бир қанча воситалар борки, улар ичида тил табиий, шу тил соҳиблари учун тушунарли, тайёр ҳолдаги алоқа воситаси саналишини айтиб, ишоралар, мимика, овоздаги турли ҳолатлар ва

⁹⁷ Чўлпон. Кеча ва Кундуз: Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 56.

гавда ҳаракатлари алоқа-аралашув вазифасини бажаришдан қатъи назар коммуникацияда иккиламчи восита вазифасини ўташини таъкидлаган эди⁹⁸.

Ташқи моддий объектларни тавсифловчи объектив билимлардан фарқли ўлароқ, субъектив билимлар аниқ бир инсоннинг ички образлар оламини тавсифлайди.

Одамлар билимнинг ушбу икки турини бевосита табиий тил ёрдамида, ўта паст даражада нолисоний мулоқот ёрдамида эгаллайди. Инсоннинг экстралингвистик субъектив билимлари унинг турли ахборотларни қабул қилишига асосланади ва ушбу ахборотнинг инсон томонидан шахсан таҳлил қилиниши орқали шаклланиб бораверади⁹⁹.

Замонавий фан соҳасида нолисоний мулоқотни ўрганиш, асосан, суҳбат ва мулоқотнинг бошқа жараёнларида имо-ишоралар, тана тили, инсон танасининг таснифини батафсил тавсифлашни тақозо этади. Ҳамда нолисоний мулоқот воситаларига турли суперсегмент воситалар – тингловчига тақдим этилган ахборот, маълумот ва бошқа эмоционал реакцияларни ҳайратланиш, ғазабланиш, безовталаниш призмаси орқали қабул қилишга имкон берувчи гап, жумланинг оҳанг контурларини киритадилар.

Э.Аъзамнинг “Хонадон эгаси” киноқиссасида қаҳрамонлар фикр ифодалашда лисоний воситалардан ташқари нолисоний – новербал воситалардан ҳам самарали фойдаланган: *“Л а т о ф а т. Бундай кунларга қолишимизни ким билибди, дада?! (У баланд иморат зинасидан тушиб келаётган Нигора келинга сирдошларча қўл силкиб қўяди-да, тагин отасига юзланиб.) Куёвингиз уйнинг тараддудиди. Наримон акам балки озроқ ёрдам қилар, нима дедингиз?”*¹⁰⁰. Кузатилганидек, ўз-ўзидан иккинчи жумлада ундалма иштирок этмасдан “отасига юзланиш” мурожаат қилинишини ифодалаб турибди.

⁹⁸ Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 3.

⁹⁹ Соболев Е.Ю. Невербальные компоненты текстовой информации: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009. – С. 12.

¹⁰⁰ Эркин Аъзам. Хонадон эгаси. Киноқиссалар. – Тошкент, 2012. – Б. 63.

Қуйидаги ўринларда ҳам қаҳрамонлар нутқи таркибида турли новербал мурожаат шакллари қўлланилган:

“Р а х б а р о й (*Азизанинг бўйнидан енгилгина қучиб*). Тагин ҳам кудамининг ҳимматлари... “Элита” қилиб тикилар, синглим?

Ч е в а р (*елка қимтиб*). Қудангиз нима десалар – шу.

М а н з у р а (*ўртага чиқиб*). Демак, бу хона тамом. Гилами олтига тўққиз эди-я? (*Лазизага қарата.*) Эсингиздан чиқмас, ўртоқ? Юринглар энди наригисига.

Л а т о ф а т (*унинг чаккасига енгилгина шапатилаб*). Шу кунларига мағрур бу кишим!

А к р о м (*у ҳам хотинини шундай шапатилаб*). Майли, кетдим. Эрта-перта хабарлашарман. Низомга айтиш эсингдан чиқмасин, хўп?”¹⁰¹.

Юқорида келтирилган жумлаларда “елка қимтиб”, “ўртага чиқиб”, “Лазизага қарата”, “чаккасига шапатилаб” каби бирикмалар фикр ёки муносабатни сўзларсиз, тил бирликларисиз ифодаловчи новербаллар орқали мурожаат маъноси юзага чиқарилмоқда.

Психолог олимлар А.Г.Асмолов ва Е.И.Фейгенберглар нолисоний мулоқотнинг комплекс табиатини қуйидагича изоҳлайди: “нолисоний мулоқот товуший нутқ билан бир қаторда одамлар ўртасидаги мулоқот ва бир-бирларини ўзаро тушунишларининг ўта муҳим воситаси саналади.

Товуший нутқ мулоқот воситаси сифатида сўз семантикасидан қатъи назар тингловчига нолисоний тарзда гапирувчи, суҳбатдош, суҳбат мавзуси, предмети, унинг ўзи ва бошқаларга бўлган шахсий муносабат ҳақидаги ўта зарур, аҳамиятли ва муҳим ахборот ташувчиси ҳамдир.

Нолисоний хабар сўзнинг семантик маъносини сезиларли даражада кучайтириши ва сезиларли даражада сусайтириши, ҳатто қабул қилувчи субъект томонидан тўлиқ рад қилиниши оқибатида ҳам сўз маъносини заифлаштириши мумкинлиги (масалан, “мен сизни кўриб турганимдан мамнунман” гапи асабийлашган ҳолат ёки истехзоли оҳангда айтилиши)

¹⁰¹ Эркин Аъзам. Хонадон эгаси. Кинокиссалар. – Тошкент, 2012 – Б.63.

нутқий мулоқот жараёнида нолисоний мулоқотнинг муҳим рухий аҳамиятини асослайди.

Нолисоний ахборотни қабул қилишнинг сезиларли даражада ноэркинлиги ва ғайриихтиёрийлигидан (ғайришуурий) унинг реципиенти (бу ҳам сезиларли онгсиз даражада) мурожаатнинг лисоний мазмунидан кўра кўпроқ нолисоний мазмунига ишонишга мойилдир”¹⁰².

Нолисоний мулоқот ўзида сўз маъносини ўзгартирадиган ва ойдинлаштирадиган лисоний системага ҳамоҳанг, мос тушадиган параллел канал сингари ўзига хос иккиламчи семиотик системани намоён қилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида мурожаатнинг нолисоний системаси ўзида инсон билан ўзаро муносабатнинг алоҳида даражасини ҳам намоён этади: мурожаат норасмий ўзаро муносабатда инсонга тегиниш, ҳаракатланиш, нигоҳ ва б. ҳисобига ҳам амалга ошиши мумкин.

“XX асрнинг иккинчи ярмида нутқий бузилишлар – миянинг локал шикастланиши – афазияларга доир бир қанча тадқиқотлар олиб борилди. Рухшунос олимлар Келман, Росси ва Валенстайнлар томонидан олинган натижаларга кўра нутқий бузилиши анча бўлган одамлар пантомимони англаш қобилиятини сақлаб қолади. Тадқиқотчилардан бири Россининг хулосаларига кўра, нутқий бузилиш ва пантомимони англаш бир-бирларини баъзан тўлдириб, тўғрилаб келган ҳолатларда ҳам улар келиб чиқиши турлича бўлган ҳодисалардир.

Демак, ахборотнинг физиологик нолисоний узатиш канали нутқий каналдан автоном ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Мазкур тадқиқотлар паралингвистик ва лингвоцентрик ёндашув тарафдорлари дунёқарашларига ўз таъсирини ўтказди”¹⁰³.

Нолисонийликка бўлган лингвоцентрик ёндашув мавжуд бўлиб, у нолисоний воситаларни лисоний воситалар ва уларнинг ўзгаришлари учун

¹⁰²Асмолов А.Г., Фейгенберг Е.И. Некоторые аспекты невербальной коммуникации: за порогом рациональности // Психологический журнал. – 1989. – Т. 10. – № 6. – С. 54.

¹⁰³Асмолов А.Г., Фейгенберг Е.И. Некоторые аспекты невербальной коммуникации: за порогом рациональности // Психологический журнал. – 1989. – Т. 10. – № 6. – С. 55.

тўлдирувчи воситалар сифатида ўрганишни назарда тутди. Ушбу нуқтаи назарни йирик тилшунос олимлар Эмиль Бенвенист ва Рэй Бердвистеллар ривожлантирди. Рэй Бердвистелнинг фикрича, тана ҳаракатлари системасини ажратилган оддий тана ҳаракатлари алифбосига ўхшатиш мумкин. Бердвистел уларни семиотик системанинг таркибий қисмлари – кинемалар ва лисоний гап, жумлалар қурилиши тамойили бўйича тана ҳаракатларини бирлаштириб турувчи “жумлалар” деб номлайди. Ушбу фаразни камунум дейиш мумкин: кўп босқичли система фақат тилнинг семиотик системасига хосдир ва ҳаракатларнинг кетма-кетлиги, эквивалент лисоний жумла, шу билан бирга, эркин семиотик белгининг моҳияти ҳақида гапириш мантиқсиздир. Ахборотни имо-ишора ва оҳанг воситалари орқали узатиш дискурсли контекстда амалга ошади ва ушбу воситалар алоҳида мустақил маънони кам ташиш хусусиятига эга.

“Америкалик тадқиқотчи Р.Харрисон тилнинг невербаллик мавқеига узоқ қутилган тавсифни киритди. Унинг тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, вербал тил қуйидаги – дискретлик, эркинлик, аниқлик хусусиятларига эга бўлган бир пайтда невербал тил қарама-қарши хусусиятлар – доимийлик, ноэркинлик, эҳтимолий келиб чиқиш кабиларга эга бўлади. Харрисоннинг хулосасига кўра, нолисоний матнларнинг кўп қисмини ҳар қандай тил кодига суҳбатдошлар (шериклар) учун улар маъноларини сезиларли йўқотишсиз умуман ўтказиб бўлмайди”¹⁰⁴.

Нолисонийликнинг замонавий тушунчаси имо-ишоралар (жест), тана ҳаракатлари ва мулоқотнинг бошқа воситаларига бўлган фаолиятли ёндашувдан келиб чиқади. Ҳозирда нолисоний мулоқот шахснинг экстенсив тараққиёти сифатида тушуниляпти. Шахс бошқа шахслар билан бўлган ўзаро алоқаларда ўзини танитиш мулоқотда устунликка эришиш учун позициясини, нуқтаи назарини аниқ белгиламоқда ва семиотик система бўлган дискурсда костюм, ранг ва бошқалар билан бир қаторда ўзини

¹⁰⁴Асмолов А.Г., Фейгенберг Е.И. Некоторые аспекты невербальной коммуникации: за порогом рациональности // Психологический журнал. – 1989. – Т. 10. – № 6. – С. 56.

фаоллаштириш (самореализация) ва ўзини англатиш, ўзни рақобатбардош қилиш (самопозиционирование)нинг нолисоний усулларини қўллайди.

Нолисоний мулоқотни ўрганиш жараёнида мимика, имо-ишора (жестикуляция) ва тана ҳаракатларини ўрганиш тарихи, инсоннинг имо-ишоралар, тана ҳаракатлари, юзи ифодалари, кўзларининг ҳаракати ёрдамида турли рухий ҳолатларини намоён қила олиши, уларни назорат қила олиши ва бошқаришини асосий муаммо сифатида тадқиқ қилиш ўта қизиқлиги билан диққатни жалб этади.

Ҳозирда лисоний ва нолисоний мулоқот, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва зиддиятлар ҳамда маълум бир имиджни яратиш мақсадида қайсидир одатий имо-ишоралар ва ҳаракатларни ўзгартиришга қаратилган имкониятларга доир масалаларни тадқиқ қилиш ўта долзабрдир.

Замонавий илм-фанда тана тилини ўрганиш тарихи, имо-ишораларнинг батафсил таснифи ва ички рухий ҳолатнинг бошқа нолисоний кўринишларига оид тафсилотлар келтирилган. Нолисоний мулоқот нутқни идрок қилиш жараёнининг асосини ташкил этади. Чунки нотикнинг нутқини нафақат тинглашади, балки уни муҳокама ҳам қилишади. А.К.Михальская ўзининг “Рус Сукроти” (“Русский Сократ”)¹⁰⁵ асарида рус нотикига хос, бироқ бошқа тилда гапирувчиларга хос бўлмаган бир қанча имо-ишораларни мисол тариқасида келтиради:

1. Очик қўл жести ахборотни бериш рамзи.
2. Ёпик қўл жести нохушлик, кўнгилсизлик рамзи.
3. Бир муштга тугилган бармоқлар йиғиндиси дўқ-пўписа ёки бир қанча ғояларнинг йиғиндисини ифодалайди.
4. Бирлашган қўл панжалари “ғоя, фикрларни қамраб олиш” маъносини ифодалайди.
5. Ёпик қўллар ёрдамида бир хил ҳодисаларни санаш.
6. Бирлашган қўллар ёрдамида ўзни аудиториядан тўсиш.

¹⁰⁵Михальская А.К. Русский Сократ: Лекции по сравнительно-исторической риторике. – М.: Изд.центр Academia, 1996. – С. 18.

Рус маданияти томонидан қабул қилинмаган кўплаб ғарб маданиятида хос имо-ишоралар ҳам мавжуд, хусусан:

1. Гапирувчининг фикрларини тасвирловчи экспрессив италянча имо-ишоралар, масалан, “товуқ” (бунда нотик йиғилган бармоқларини бир ҳовуч қилиб, тебратади) имо-ишораси.

2. Бош бармоқни мунтазам кўз-кўз қилиб, намоёиш қилувчи америкача бетакаллуф, одобсиз, бепарво имо-ишоралар.

3. Гапирувчилар ўртасидаги катта масофа ва имо-ишораларни мухтасар ифодаловчи Скандинавияликларнинг вазмин, босиқ, сипо имо-ишоралари.

Ўзбеклар институционал нутқда новербал воситалардан тийилишни маъқул кўради. Бироқ бир қатор воситалар борки, улар суҳбатга чорлашнинг анъанавий шаклларига айланган. Мулоқотда нафақат гапирувчининг нолисоний воситалари, балки тингловчининг нолисоний воситалари ҳам муҳим ўрин тутди. Жонли суҳбатда (диалог) бир-бирларини кўриб турган суҳбатдошлар учун нолисоний воситалар ёрдамида фаол тинглаш усулларининг бир қанча вариантлари мавжуд, масалан:

1. Тингловчи ва манфаатдор киши. Манфаатдор киши стул суянчиғига суянмай, олдинга суҳбатдошига сал эгилиб ўтирибди;

2. Суҳбат мавзусига қизиқиб қолган тингловчи оёқлари учини кириш эшиги томонга эмас, суҳбатдошига йўналтириб ўтирибди;

3. Суҳбат пайтида бошқа ишларга чалғиш ёки одатда, киши зерикканда шуғулланадиган ишлар: скрепка, кнопкаларни саралаётгандай, телефондаги хабарларни ўқиш, яна мулоқот жараёнидан, қандай қилиб бўлса ҳам, чалғишга йўл қўймаслик керак.

4. Ушбу мулоҳазаларни умумлаштириш орқали “мукамал тингловчи” қиёфасини чизиш мумкин. Мукамал тингловчи бевосита диалог-суҳбатда мулоқот учун қулай масофани сақлаган ҳолда суҳбатдошига томон хиёл енгил эгилганча ўтиради (агар икки суҳбатдошнинг қулай масофа (субординация) ҳақидаги билимлари кам ёки бир-бирига мос келмаган тақдирда, кулгили ҳолатнинг гувоҳи бўламиз, айниқса, суҳбат пайтида

уларнинг оёқда тик туриб суҳбатлашишлари, масалан, тик овқатланиш (фуршет) пайтидаги каби: суҳбатдошлардан бири суҳбатлашаётиб, ўзига қулай ҳолатда суҳбатдошига яқинлашади, иккинчиси эса аксинча, ундан бирмунча узоқлашади, биринчиси унга томон яна яқинлашади ва ҳоказо).

Э.Аъзамнинг “Тангрининг тоши” асарида ўзаро мурожаатнинг анъанавий новербал воситаларидан кенг фойдаланилган:

“Зайнабой (*бўйинини аранг буриб, инқиллаб*). Борингизга шукр, Маржон опа. Эрта-бир кун сиз кетиб қолсангиз, ҳолим не кечар экан-а?

Зайнабой (*қўли кўксиди, хижолатдан туриб кетай дейди*). Иби, кечирасиз, опажон! Мен сизни айтмадим, сиз ўзимизники...

Сотувчи (*кулимсираб жавондаги оқ шишаларга ишора қилади*). Эркакка маъқули – мана булар-да. Водка! Шундан олавермайсизми ахир?

Маржон янга (*унинг кифтидан туртиб*). Бор, бор, аянгга берасан.

Маржон янга (*деразадан бош чиқариб*). Ҳу-ув! Нима дейсан, Санам?”¹⁰⁶

Мукаммал тингловчи ёт ва бегона ишларга чалғимайди, улар билан машғул бўлмайди ҳам, соатига тинимсиз қарашдан ўзини сақлайди, суҳбатдоши кўзларига безор қиладиган, асабларига тегадиган даражада қарамайди, аксинча, суҳбат жараёнида нигоҳлари учун “расмий мулоқот худуди”ни – суҳбатдошининг пешона ва кўзларидан ҳосил бўлган учбурчакни танлайди, уни диққат билан тинглашга ҳаракат қилади.

Бундай одамлар ўзини суҳбатга қизиқаётган, ундан манфаатдор кишилардек қилиб кўрсатади, суҳбат жараёнида суҳбатдошига жуда қисқа, мухтасар саволлар беради, ўринли ҳиссий (эмоционал) ҳаяжонлар, ундашлар билан жавоб беради, ўз ҳаяжонларини билдиради, ҳазиллар бўлганда кулади. Масалан, телефон орқали бўлаётган мулоқот жараёнида бутун бир новербал мулоқотнинг маъно юки ундов сўзлар, саволлар, товушлар ва бошқалар ёрдамида фаол тинглаш, эшитишга юкланади. Бундай ҳолатларда суҳбатдош имкон даражасида ўзини телефон олдида тургандай, тинглаётгандай ва

¹⁰⁶ Эркин Аъзам. Тангрининг тоши. Киноқиссалар. – Тошкент, 2012. – Б. 34.

ахборотлар мазмун-моҳиятини англаб, уқиб қабул қилаётгандай қилиб кўрсатади. Шу билан бирга, у фаол тинглаш жараёнида суҳбатдошининг гапларини бўлмасдан саволлари, ундов сўзларини суҳбат жараёнида гаплар орасида ҳосил бўлган тўхтамлар пайтида бериш билан бир вақтда ҳис-ҳаяжонларини ҳам билдиришга одатланган.

“Мукаммал тингловчи”нинг асл қиёфасига қараб унинг акси бўлган “номукаммал тингловчи” қиёфасини ҳам чизиш мумкин. “Номукаммал тингловчи” қиёфасини тахмин қилиш осон. Бундай одам суҳбатдошини мутлақ сукут сақлаб ёки бошқа нарсаларга чалғиган, ўз ишлари билан банд ҳолда тинглаши мумкин. Агар биринчи ҳолатда – у бутун бир суҳбат-мулоқот даврида мутлақ сукут остида “шишадек қотиб” тинглаши, суҳбатдошни кўнгилсиз, нохуш, ёқимсиз, совуқ, ёмон, хунук вазият – мулоқотдаги ноқулайликка олиб киради. Бундай нохуш вазиятда “номукаммал тингловчи” билан суҳбатдош яхши, чиройли суҳбат кура олмайди, у билан тил топиша олмайди, суҳбатга торта олмайди, уни суҳбат учун “уйғота олмайди”.

Иккинчи вариантда, яъни “номукаммал тингловчи”нинг ёқимсиз хулқ-атворли бўлишининг сабаби унинг ушбу мулоқотдан тўлиқ манфаатдор эмаслиги, ўз ишига тўлиқ берилиб кетишидир. Масалан, суҳбат пайтида у ўз компютерида ўйнаши, электрон почтасини титкилаши ёки кўнгилочар сайтларни бирма-бир кўздан кечириши ҳамда шу вақтнинг ўзида телефон орқали мулоқотда бўлиши мумкин. Телефон орқали суҳбатда бундай тингловчи мулоқотнинг бошидан охиригача жим туриши (ўзининг бошқа бирор бир ишлари билан машғул бўлиши), тўғридан-тўғри савол берилганда ноўрин жавоб қайтариши унинг суҳбатдан, унга берилаётган саволдан ҳеч қандай манфаат кўрмаётганлигини кўрсатади.

“Мукаммал тингловчи” стратегияси бир қатор сабабларга кўра манфаатли, фойдалироқ. Биринчидан, бундай тингловчи ўз суҳбатдошида ёқимли ҳисларни қолдиради ва, шу билан бирга, у билан мулоқотга киришиш

кулай ва ёқимли бўлади, демак, мулоқотни бемалол суҳбатлашиб давом эттириш истаги пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Расмий иш мулоқоти доирасида олиб борилган суҳбатнинг фойдали натижаси, сўзлашувчи фазилатлари, шахсий жозибаси, хусусан, тинглай билиш маданиятига боғлиқдир. Мукаммал тингловчи муваффақиятга эришишнинг кўплаб имкониятларига эга. Ушбулар касбий мулоқот – хизмат доирасидан келиб чиқиб, кўплаб одамларни қабул қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва улар билан бевосита ишлаш ваколатига эга бўлган маълум бир касб эгалари: тиббиёт, таълим, ишонч хизмати ходимлари ва бошқаларга ҳам тааллуқлидир.

Фаол тинглаш шахслараро мулоқотда ҳам фойдалидир. Чунки одам ўз диққат-эътибори ва суҳбатдан манфаатдор эканлигини намойиш қилиши орқали кўплаб дўстлар орттиради, номукаммал, яъни диққат-эътиборсиз, кизиқишлари йўқ тингловчидан кўра мулоқот орқали ёқимли танишувларни муваффақиятли амалга оширади.

Телефон орқали суҳбатларда мурожаатни ифодаловчи ўзига хос имо-ишоралар бўлмайди. Нейролингвистик дастурлашга бағишланган айрим тадқиқот ишларида “мулоқот жараёнида имо-ишораларнинг нималарга қодирлиги, уларнинг мавжудлигини белгиловчи кўрсатмаларни учратиш мумкин.

Биринчиси: улар мулоқотнинг ҳиссий бўёқдорлигини янада оширади, бўрттириб кўрсатади, сўзларнинг қадр ва қимматини оширади. Бироқ бу юмор, негаки телефон ортидаги тингловчида нима муҳим-у ёки нима номуҳимлиги ҳақида тушунча йўқ.

Иккинчиси: имо-ишоралар мазмунни яхшилаб тушунишга имкон беради. “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал” нақли ҳаммамизга маълум.

Учинчиси: имо-ишоралар ёрдамида хабар ва маълумотларни тегишли бўлган аниқ “эгасига” етказиш мумкин. Бу хабар пазандалар учун, буниси эса дурадгорларга тегишли қабилида.

Тўртинчиси: имо-ишоралар хабарлар, жумлаларни тузиш, таснифлаш, саралашга (структуралаш) имкон беради”¹⁰⁷.

Имо-ишоралардан ташқари, нолисоний мулоқотда суперсегмент бирликлардан бири – оҳангнинг қўлланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Коммуникативлик оҳангнинг биринчи ва асосий вазифасидир. Оҳанг ёрдамида жумлаларнинг мақсадлари аниқлашади. Демак, оҳанг жумлаларни мақсадига кўра – саволни жавобдан, тасдиқдан ва бошқалардан фарқлашга имкон беради. Бунда жумладаги у ёки бу синтагмани оҳанг ёрдамида мантиқан ажратган лаҳза, пайт ўта муҳимдир. “Жумладаги ахборотнинг марказийлик-перифериклик, яъни аҳамиятлилик-аҳамиятсизлик белгисига кўра тузилиши (организация) қўшимча, меъёрий маънолардан бири ҳисобланади. Сўзловчи просодик воситалар ёрдамида тингловчига ахборотларнинг қай бирини қабул қилиш ва ёдда сақлаш зарурлигини, қай бири фақат шунчаки қўшимча, эътиборга молик бўлмаган ахборот эканлигини кўрсатади.

Турк олими И.Йилдирим ҳам тана тили (новербал восита) сигналлари касбий гуруҳларни инобатга олган ҳолда тингловчига нутқий таъсир ўтказиши мумкинлигини таъкидлайди. Олим тана тилидан энг кўп банкирлар, ҳарбийлар, суд идоралари ва савдо саноати ходимлари фойдаланишини алоҳида кўрсатиб ўтади.¹⁰⁸ Мурожаатни ифодалашда ўзбек тилида, асосан, “имлади”, “ишора қилди”, “қараб”, “бошини қимирлатиб” каби бирликлар қўлланилади:

“ДАДИЛ (Шамшоднинг қўлидаги тўрхалтага ишора қилиб). Қалай, фойдаси бўляптими?

ШАМШОД. Ўзларига-чи?

ДАДИЛ. Жа-а, опқочасан-а? (Шамшоднинг туфлисига ишора қилиб)
Пошна ҳисобига бўлса керак-да?

¹⁰⁷ Горин А.С. Котлячков Н.С. Оружие – слово. Оборона и нападение с помощью... – М.: КСП, 2001. – С. 32.

¹⁰⁸ Yıldırım İ. İletişim. Üçüncü kısım. – Ankara: Hacettepe Üniversitesi, 2017. – S. 19.

Мана машхур хонандамиз, ўзимизнинг хеш, жонажон укамиз – Бакиржон Тиркашев! Қани, бир қарсақ бўлсин! (Бакир лўли Атаманнинг кулоғига шивирлаб, Шамшодга **ишора қилади**.) Бакиржон бугун тўйга ўзининг жанговар командири, ўзимизнинг хеш, кадрдон Шамшодбекни олиб келган. Қани, бир қарсақ!

ЛЕВОН АМАКИ (**хотинига қараб**). Кўрдингми, Марина, бу киши рассом-да, унча-мунчасини кўнгиллари хушламайди. (Шамшодбекка қараб) Мана, ука, уйни ҳам олволдинг.

ДОРИШУНОС. Ие, қизиқмисан, ҳам пакана, ҳам тепакал бўлмоққа нима етсин – ақиллироқ кўринадан-да, ахир! (Ўзининг тепакалини шапатилаб) Мана, менга қара!..”¹⁰⁹

Бундай вазиятларда суҳбатдошнинг исми, шарифи ва фамилиясини айтишга ҳожат қолмайди. Мулоқот жараёнида хатти-ҳаракатлар муносабат ёки фикрни, хис-туйғуни ифодалаб бераверади.

Афруза “бирон нимага тушундингизми, энди сўзлаш навбати сизга”, дегандай Манзурага қараб қолди¹¹⁰.

– Шунақами? Ақлингга қойилман! – Асадбек шундай дегач, ўгирилиб, пичинг ўқини энди Жамшидга қаратди: – Эла-эла қилиб роса ақллиларни тўплагансан-а?¹¹¹.

Мазкур матнда ҳам ўзбек тилига хос мурожаат шакллари ўз ифодасини топган. Ундалмаларсиз суҳбатдошга мурожаат қилишга ёрқин мисол бўла олади.

Фикрнинг ушбу сатҳини ифодалаш учун қўлланган атама “оҳангли (акцентли) ажратма” деб номланади”¹¹². Т.М.Николаеванинг “Оҳангли ажратма семантикаси” (“Семантика акцентного выделения”) китобида куйидаги таърифни учратиш мумкин: “Оҳангли ажратма – бу жумладаги идроки, англашилиши фаол бўлган маълум бир сўзнинг просодик воситалар

¹⁰⁹ Эркин Аъзам. Кечикаётган одам. Пакана. Қиссалар. Киноқиссалар. – Тошкент, 2002. – Б. 414, 435, 443.

¹¹⁰ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 43.

¹¹¹ Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – Б. 56.

¹¹² Рябиничева Д.В. Социальная реклама в произведениях В.В.Маяковского 1929. // <http://publishing-vak.ru/file/archive-culture-2017-1/26-ryabinicheva.pdf>

ёрдамида ажратилиши – белгиланишидир. Белгиланиш ноўрин бўлиши ҳам мумкин”¹¹³.

Оҳангли ажратмани аниқлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисалардан чегаралаш, ажратиш мураккаб жараёндир. Маълумки, оҳанг билан сўзни ажратиш ҳолати жумла ичида фикрни баён қилиш доирасида рўй беради. Фикр баёнида урғунинг вазифалари лисоний бирликларсиз амалга ошмайди, яъни тилнинг барча сатҳларига тегишли бирликлар оҳанг функцияларининг амалга ошишини таъминлайди. “Кўпинча оҳангли ажратма уч соҳа – нутқнинг товуший шаклланиши, эмфатик эффеқтни яратувчи луғавий элементлар ва гапнинг актуал бўлиниши билан боғланади. Жумла таркибидаги қайсидир хабарни ажратишга хосланган ушбу усулларнинг ҳар бири оҳангли ажратма ҳодисасига киради, бироқ уни тўлиқ қамраб олмайди. Одатда уларнинг ҳаммаси биргаликда – яхлит (комплекс) ҳолда ҳаракатланиб, нафақат сўзни ажратади, умуман субъектив-модал маъноларни узатиш жараёнини ҳам таъминлайди”¹¹⁴.

Жумлада ахборотнинг оҳангли ажратилиши уч хил тоифадаги ҳодисалар – оҳангли марказнинг мавжудлиги, синтагматик бўлиниш ва мантиқий урғу билан боғлиқ. Уларнинг ҳар бири оҳангли ажратма учун восита бўлиши мумкин, бироқ уни тўлиқ ажратмайди.

Гапда ахборот нафақат оҳанг ёрдамида, балки лексик жиҳатдан ҳам ажратилиши мумкин. Ушбу ҳолатда воситаларнинг қўлланиши асосий аҳамиятга эга. Ахборотни оҳанг ёрдамида ажратиш мумкин, у лексик жиҳатдан ажратилмайди. Бироқ ахборотнинг лексик жиҳатдан ажратилиши, албатта, оҳанг иштирокида ҳам оҳанг тарзда амалга ошади. Жараён юкламалар ёрдамида шаклланади.

Актуал бўлиниш бир гапнинг бошқа гапга боғланишини таъминлайди ва гапнинг асосий вазифасини – мазкур ахборот негизида янги ахборотни киритишни амалга оширади. Чех тилшуноси В.Матезиус томонидан

¹¹³ Николаева Т.М. Семантика акцентного выделения. – М.: Наука, 1982. – С. 87.

¹¹⁴ Рябиничева Д.В. Социальная реклама в произведениях В.В.Маяковского 1929. // <http://publishing-vak.ru/file/archive-culture-2017-1/26-ryabinicheva.pdf>

киритилган гапнинг мавзу (тема) ва янги ахборот (рема)га ажралиши ҳар доим ҳам оҳангли ажратмага мос келавермайди.

Гапнинг ремаси ҳар доим ҳам гапирувчининг назарида ўта муҳим бўлавермайди. Бироқ реманинг ўзи гапнинг оҳанг билан ажратилган таркибий қисми, мантикий урғу ташувчиси, айрим ҳолларда эса луғавий воситалар ёрдамида ажратилган элементдир. Ақтуал бўлиниш гапнинг маъновий шаклланганлиги ҳамда унинг кейинги гапларга бўлган муносабатини ҳам белгилаб беради.

Шундай қилиб, оҳангли ажратма товуший (интонацион) шаклланганлик, ақтуал ва луғавий бўлиниш билан чамбарчас боғланган. Аммо на ушбу ҳодисалардан бири ва на ҳаммаси биргаликда, жамланган ҳолда оҳангли ажратмага ўхшамайди, у билан бир хил эмас.

Уч диалогли матнлар таҳлили (аниқ оҳангли ажратма қўлланган оғзаки матн, иккита турли вариантдаги оҳангли ажратманинг таҳлил қилинган матни) қуйидагиларни хулоса тарзида баён қилишга имкон беради:

Оҳангли ажратма – вазият маҳсули, натижаси эмас, балки ўқиш учун код ҳисобланади. Ушбу ҳолатда унинг ўзига хослигини оламнинг лисоний манзарасига, оламнинг тил ёрдамида бўлинишига қиёслаш мумкин.

Эскимослар тилида моржнинг ёки ҳинд тилида филнинг кўплаб номларининг мавжудлиги ушбу халқлар ғайритабиий морж ва филларга эга деган маънони билдирмайди. Аксинча, морж ва филларнинг кўплаб номлар билан аталиши ушбу ҳайвонларнинг ўша халқларнинг моддий ва маънавий маданияти учун ўта муҳимлигини кўрсатади. Худди шундай, оҳангли ажратма ҳам мазкур вазиятда объектив жиҳатдан марказийлиги учун эмас, балки гапирувчи уни марказий деб тан олганлиги учун вужудга келади. Айнан шунинг учун “оҳанг билан ажратилган – оҳанг билан ажратилмаган” дихотомияси “мазкур – янги” ёки “марказ – чекка (периферия)” дихотомиясига тўғри, мос келиши мумкин, лекин ҳеч қачон уни заифлаштирмайди.

Ахборотнинг фарқловчи (дистинктив) функцияси оҳанг ёрдамида сўзларнинг бўлиниши, ажралиши ва сўзнинг чегаралари белгиланган пайтда намоён бўлади. Шунга ўхшаш гапнинг актуал бўлиниши ва унинг оҳангли (товуший) контури ўртасидаги алоқа маълум бир ўзига хос сатҳнинг алоҳида лисоний бирлиги сифатида англашилиши мумкин ёки агар Луи Ельмслев атамаларидан фойдаланиб айтадиган бўлсак, бу – икки функцияли вазифа, яъни оҳанг ва тема-рематик шаклланишдир.

“Маъновий муносабатларнинг ифодаланиши бир интонацион birlik доирасида тугамайди. Бу, масалан, контраст оҳанги ёки зидланишда, синтагмаларнинг биридаги бошқа сўзларга нисбатан алоҳида ажратилган сўз (ёки битта гап) ёндош синтагма ёки гапда корреляцияга эга.


Шу орқали умуман нутқий birlikлар ўртасида маълум бир алоқа ўрнатилади. Birlikларнинг ўзига хос вазифаларининг ҳосил бўлиши унинг бошқаларга нисбатан маълум даражада мустақил эканлиги ҳақида таъкидлашга имкон беради. Кейинги пайтларда оҳангли ажратма турлари номлари билан пайдо бўлаётган актуал бўлиниш назарияси, мантиқий урғу тушунчасига боғлиқ ушбу birlikлар тилнинг интонацион системасига баъзида киритилади. Бизнинг фикримизча, улар анъанавий тарзда диққат-эътиборда бўлган воситалардан кўра оҳанг мазмун-моҳиятини чуқур англаш учун ўта муҳимдир”¹¹⁵.

Е.А.Брызгунова 1980 йилда нашр этилган “Академик грамматика”да рус тилининг 7 хил ўзига хос оҳангли (интонацион) конструкциясини ажратган:

рус тилида ушбу экспрессив муносабат оҳанг ёрдамида ифодаланади.

Оҳанг конструкцияларининг жами 7 хил тури ажратилади:


ОК-1:



¹¹⁵ Ельмслев Л. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике. 1-изд. – А.В. Блинов перевод. – М., 1960. – С. 78.


“Говорит Москва. Поздняя осень. Грачи улетели”. Дарак гап, синтактик тугалланган оҳанг.

ОК-2:




“Или” иштирокидаги ёки сўроқ олмошли савол, маъноси алоҳида ажратилган, қарама-қарши қўйилган дарак гап.

ОК-3:



Тугалланмаганлик, умумий савол.

ОК-4:



Дарак гапдаги расмийлик, (А он?) қиёслаш, солиштириш саволи

ОК-5:




Белги ифодаланишининг юқори даражаси, саволда сабрсизлик, ачиниш, ранж, ўкинчнинг ифодаланиши.

ОК-6:



Тушунтирув саволи, тантанали-кўтаринки руҳдаги нутқ.



(“He to!”) инкор, рад қилиш, тасдиқлаш олмош сўзлари билан кўлланганда имконсизлик, имкониятсизликдан дарак беради.

Мурожаатнинг исталган ОКларидан бирига киритилиши оқибатида нутқнинг тўғридан-тўғри оғзаки шаклланиши мурожаатни ифодаловчи ОК-2 орқали сўзнинг ўзида ёки мурожаат бошқа синтагма ўртасига қўйилганда ОК-3 узилган синтагмада амалга ошади¹¹⁶.

Ҳар қандай мурожаат прагматик юкламага эга, чунки у аниқ матн маъносида ўзгаришлар, яъни мурожаатнинг маълум бир, аниқ белгиланган аудиторияси рўй беришини назарда тутади.

Ўзбек сўзловчиси оҳанг контури мурожаат учун алоҳида махсус ихтисослашган оҳангни эмас, балки кинетик новербаллик билан ўзаро чамбарчас алоқани талаб қилади.

Эмфатик шкалаларнинг ҳар бири турли оҳанг тугалликлари билан ҳамоҳангликда баъзан ҳар қандай ёпиқ тағмаънони баён қилиш орқали (ёқимли ва ёқимсиз) ҳиссиётлар спектрини узатиш хусусиятига эга. Мулоқот жараёнида гапнинг турли коммуникатив турларидаги оҳанг шкалаларининг асосий аҳамиятини эътиборга олиш ва эмфатик нутқнинг оҳанг моделларини билиш – бу суҳбатдош гапининг ҳиссий бўёқдорлигини тушуниш учун шарт-шароит эканлигини унутмаслик муҳимдир”¹¹⁷. Бу ҳолат проксемикага боғланишни назарда тутади.

¹¹⁶ <http://rkiff.philol.msu.ru/wp-content/uploads/2020/>

¹¹⁷ Фунтова И.Л. Случаи употребления и значения интонационных шкал эмфатической речи современного британского варианта английского языка в сопоставлении с русским языком) //

Француз тилида мелодик бойликнинг этишмовчилиги ифодали мимика билан қопланади. Француз тили ўқитувчиларининг таъкидлашларича, “Французча оҳанг рус оҳангичалик бой эмас. Буни театр мисолида кўриш мумкин. Актёрлар маълум бир матнни ўқимоқчи бўлганларида ва уни амалда ижро этганларида ҳар бир актёрнинг оҳанги ҳамда овозларига сингдирган ҳиссиётлари ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Бу ерда ушбу мураккаб масалани ҳал этиш учун ҳақиқий билимдон, моҳир уста бўлиш керак. Бирок ҳаммаси имо-ишора билан қопланади. Ҳар бир актёр кенг имо-ишоралар кўламига эга, кўп имо-ишоралар қилади, ҳиссиётларини кўзлари ёрдамида бир нигоҳ, қараш билан ифодалайди... Агар ёши ўтган француз эркаклар ва аёлларга эътибор билан назар солсак, улар қабартмали, кўплаб ажинлар тушган юз тузилишига эга, аммо бу хунук, кўрксизлик аломати эмас, аксинча жуда ёқимтой, илтифотли кўринадилар”¹¹⁸.

Мурожаатнинг нолисонийлиги суперсегментлар ёрдамида шаклланган лисоний нутқдан кўра кўпроқ имо-ишоралар (жестикуляция) билан боғлиқ.

2.2.§. Мурожаатнинг прагматик жиҳати

2.2.1. Мурожаатнинг семантик мазмуни

Дискурс турига қараб мурожаатнинг семантик маъноси ўзгариб туради. “Мурожаат – номинатив индексал белги бўлиб, мулоқот акти иштирокчисига фикрни, референцияни адресатга йўллаш жараёнини таъминлайди, коммуникантлар ўртасидаги шахслараро муносабатлар ҳамда маълум бир ижтимоий гуруҳга мансублигини намоён қилишни бошқарувчи восита ҳисобланади.

Мурожаатнинг семантик тузилиши ўз ичига вазиятнинг қуйидаги элементар (атомар) компонентларни қамраб олган: адресат, диққатни

<https://cyberleninka.ru/article/n/sluchai-upotrebleniya-i-znacheniya-intonatsionnyh-shkal-emfaticheskoy-rechi-sovremennogo-britanskogo-varianta-angliyskogo-yazyka-v>

¹¹⁸Постановка интонации во французском языке // <https://frenchblog.ru/phonetics/intonation.html>

тортувчи объект сифатида; адресант шундай ҳаракат субъекти сифатида; мотив диққатни жалб қилиш зарурати сифатида; мақсад – мулоқот учун қулай бўлган тоналликда алоқани ўрнатиш ҳамда мазмун-моҳияти синонимик қатор ёки мавзулар қаторида турган гипероним маъноси орқали ёритилувчи воқеа мавзуси.

Мурожаат – метамулоқот (метакоммуникатив) бирлиги бўлиб, мулоқот жараёнида ўзаро нутқий муносабатларни бошқариш воситаси, нутқий жараённинг таркибий ва маъновий ташкил қилувчиси сифатида намоён бўлади. У нафақат алоқани ўрнатиш, балки коммуникантларнинг ёш, гендер, ижтимоий мавқеини аниқлашга ҳам имкон яратади.

Мурожаат нутқий этикетнинг муҳим элементи сифатида тил ташувчисининг аниқ вазиятлар ва ҳолатлар учун мос код ва услубларни танлай билиш маҳоратидан келиб чиқиб, унинг мулоқотга лаёқатлилиги (компетенция) ҳақида далолат беради, аниқроғи, компетенциясини аниқлаб беради. Суҳбат учун тўғри ва ўринли танланган мулоқот шакли муносабатларда хайрихоҳликни уйғотади, руҳий кескинликни енгиб ўтишга қодир огоҳлантирувчи (превентив) ўлчов бўлиб хизмат қилади. Бирок постмодернизм персонажининг нутқий фаолияти сифатида намоён бўлаётган замонавий нутқий этикет расмиятчиликнинг сусайиши, меъёрларнинг йўқолиши, ижтимоий-руҳий масофанинг кичрайиши ва одамлар ўртасида эркин, осон алоқа ўрнатилишига сабаб бўлувчи жамиятни демократиялаштириш билан боғлиқ лисоний тенглаштириш (нивелирование), фарқсизлантириш тенденциялари ҳақида дарак беради”¹¹⁹.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида ўзбек дискурсини таҳлил қилиб кўриш мумкин: “ – Бизни кечирасиз, **бек ака**, – деб Раҳмат узр айтди, – вақтсиз келиб сизни тинчсизладик.

Отабек уларга юқоридан жой кўрсатар экан, ёқимлиқ бир вазиятда:

¹¹⁹ Копчак М.Н. Лексико-семантическое ранжирование обращения англоязычного постмодернистского персонажа // А priori. Серия «Гуманитарные науки». – 2015. – № 2. // <https://intrel.lnu.edu.ua/wp-content/uploads/2015/10/Kopchak.pdf>

– Тинчсизламадингизлар, билъакс қувонтирдингизлар, – деди, – шахрингизга биринчи мартаба келишим бўлгани учун танишсизлик, ёлғизлик мени жуда зериктирган эди”.

Романда Отабеклар оиласида бир вақтлар кул сифатида сотиб олинган Ҳасанали ўз хожасига “бек” дея мурожаат қилар эди. Аслида Отабекни хўжайин деб чақириши ҳам мумкин эди. Юсуфбек хожи хонадонида Ҳасанали кул ўрнида эмас, оиланинг бир аъзоси каби эди, шу сабабли у ҳам бошқалар қатори “бек” деб мурожаат қиларди. Қуйидаги мисолларда Отабекнинг хизматкорга муносабати ва хизматкорнинг ўз хўжайинига мурожаат қилиш жараёнини кўриш мумкин:

Отабек меҳмонларни танчага ўтқузиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради:

– Тузукмисиз, ота?

– Худога шукур, – деди Ҳасанали, – бояғидан бир оз енгилладим.

Мазмуни ис теккан экан.

– Баъзи юмушлар буюрсам...

– Буюрингиз, ўғлим.

– Раҳмат, ота, бўлмаса, бизга чой қайнатиб берсангиз-чи.

– **Хўб, бегим.**

Романда Отабекнинг ижтимоий мавқеясининг у ўтирган давра аҳлига маълум эканлиги сезилиб туради. Ҳатто, Раҳмат ҳам унга “бек ака” деб мурожаат қилади:

Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайтиб соғлиқ сўрашқандан кейин сўради:

– Бу киши кимингиз бўладир, **бек ака?**

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради. Ҳасаналини хужрадан узоқлатиб сўнгра жавоб берди:

– Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди.

– Қулингиз?

– Шундоғ¹²⁰.

Таҳлил учун, кўплаб тадқиқотларнинг объекти сифатида танланган бўлса-да, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида қўлланилган бирликлар олингани бежиз эмас. Зеро, мазкур миллий роман матнида ўзбекона нутқ, мулоқот одоби, хусусан, ўзбек халқига хос мурожаат шакллари ранг-баранг ва ўрни билан қўлланилган.

2.2.2. Мурожаатнинг хилма-хил вазифалари

Дискурсниң янги шакллари пайдо бўлиши мурожаат вазифаларининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. “Ижтимоий тармоқлар – “Телеграм”, “Facebook”, “Одноклассники” ва бошқалар – бу яқинда инсонлар ҳаётида пайдо бўлган, бироқ кўплаб шубҳа-гумонлар ва саволлар объектига айланиб улгурган феномен. Ижтимоий тармоқлар нафақат вақтни ўтказиш ва кўнгилочар, дилни хушлаш усуллари, балки одамларни бошқаришнинг осон, енгил (тармоқлардаги одамлар ўртасидаги мулоқотлар намойишлар тўплами эканлигини исботлайди), озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар рекламаси, у ёки бу ахборот, маълумот ёки хабарни “ташлаш” усули ҳамдир. Ушбу омилларнинг ижтимоий тармоқларни олимлар диққат маркази, диққат-эътибори предметига айлантирганлиги рост.

Интернет ҳозирда “глобал қишлоқ” деб ном олган: ҳар қандай воқеа-ҳодиса изоҳланади, муҳокама қилинади, муҳокамаларда эса бутун бир дискуссиялар амалга ошмоқда. Сайтларга янгиликлар, ахборотларни жойлаштираётган ёки блогларга ёзувлар киритаётган одамларнинг ўзлари изоҳларни қолдириш вариантларини очиш орқали ушбу интерактивлик таъсирини кучайтирмоқдалар, ахборотни фақат қабул қилиш, ундан фойдаланиш мумкин бўлган “телевидение асри”дан кейин биринчи марта уни яратиш имконияти туғилди”¹²¹.

¹²⁰ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: Шарқ нашриёт матбаа концерни, 2014. – Б. 3.

¹²¹ Вьюгов А.И. Средства конструирования образа политического лидера в России XX века. – Дисс. ... к.ф.н. – М., 2016. – С. 234.

“Компьютер матни мулоқотнинг махсус шакли ҳисобланиб, турли ресурслардан фойдаланишга: видео, аудио ва матн форматидан фойдаланишга имкон беради. Замонавий ахборот жамияти ахборотни тўплаш ва уларни қайта ишлашдек ниҳоятда кенг имкониятлар ҳамда мулоқотнинг янги шакллари билан характерланади. Интернет ахборотнинг айрим янги – фактографиклик, интерактивлик, глобаллашув, анонимлик каби хусусиятларини яратмоқда”¹²².

Ушбу ҳолат замонавий ахборот тилининг хусусиятлари ҳақидаги масаланинг кўтарилишига асос бўлади: “инглиззабон илмий адабиётларда янги электрон тили e-language, e-talk, geekspeak, netspeak, weblish ва ҳ.к.лар деб номланади. Рус ва ўзбек тилшунослигида интернет тили атамаси кўп қўлланмоқда. Компьютер воситачилиги асосидаги мулоқотни электрон мулоқот, виртуал, интернет-мулоқот, компьютерли ёки электрон дискурс сифатида белгиламоқдалар.

Виртуал дискурс тадқиқи, аниқроғи, интернетда мулоқот қилиш натижасида пайдо бўлган матн тадқиқи замонавий тилшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Электрон мулоқотнинг ўзига хос хусусиятларини морфологик, лексик, синтактик, матнли, коммуникатив лисоний сатҳларда ўрганиш учун вазифалар белгиланмоқда”¹²³.

Инсон интернет орқали мулоқотга киришар экан, ўзининг тармоқдан ташқарида орттирган мулоқот кўникмаларини янги, виртуал оламдан олган кўникмаларига юклайди.

Тадқиқотчилар виртуал дискурснинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлган “дискурс параметрлари”ни қуйидагича номлайдилар:

“Алоқа канали”: виртуал дискурс учун техник воситачилик хос. Инсон компьютерда ишлаш кўникма ва малакаларини эгаллаши жуда муҳимдир.

¹²² Шуйская Ю.В., Кузнецов Н.В. Лингвистические особенности дискурса интернет-чатов // Научное обозрение: гуманитарные исследования. – 2016. – № 8. – С. 102.

¹²³ Гриценко Л.М. Особенности виртуального дискурса // Молодой ученый, июнь, 2011// <https://moluch.ru/archive/29/3393/>

“Мулоқотнинг мақсади”: виртуал дискурс жуда кўплаб мақсадларни олдига қўяди: мулоқот ва муҳокама, ахборотни узатиш ва сақлаш, қидириш ва кўнгилни хушлаш.

“Коммуникантлар типлари”: виртуал мулоқот на маконда, на вақтда чегараларни билади, ушбу ҳолат интернет мулоқотни ёзма мулоқотга яқинлаштиради. Улар ўртасидаги фарқ мулоқот жараёнини амалга оширишда иштирок этувчи воситалар: қоғоз ташувчиси (телефон, пейжер орқали берилган хабар) ёки интернетга ҳамда ёзма мулоқотда жўнатувчи таниш, тармоқдаги мулоқотда эса номаълум анонимлигига боғлиқ. Анонимлик виртуал мулоқотнинг барча турларига мансуб ҳолат. Анонимлик айниқса чат, форумларда ёрқин намоён бўлади.

Анонимлик шароитида ижтимоий, жинсий, ёш белгилари умуман йўқолади.

“Хронотоп”: тармоқ орқали гаплашувчилар, мулоқотга кирувчилар ва ундан фойдаланувчилар ўртасидаги аниқ макон турлича бўлади: қўлнинг учидан то дунёнинг у бошигача бўлган масофа. Бироқ виртуал макон уларни бирлаштиради.

Интернет ичида ҳамма учун одатдаги “вақт” тушунчаси йўқлиги боис, унда узилиб қолган суҳбатни яна тугаган жойидан исталган ва қулай пайтда давом эттириш имкони мавжуд”¹²⁴.

“Замонавий тилшуносликда дискурснинг уч: оғзаки, ёзма, виртуал турлари ажратилади. Ёзма дискурда суҳбатдошлар бир-бирларини кўрмаган ҳолда, визуал алоқасиз ахборотни ёзма тарзда “мулоқотнинг ҳиссиётли, экспрессив, интонацион қирраларини тавсифий тарзда беришга ҳаракат қиладилар”¹²⁵.

Мурожаат адресация усули сифатида виртуал дискурда ҳозирги замон тилида мурожаатнинг ўзига хос томонларини янада бўрттириб ёритишга

¹²⁴ Асмус Н.Г. Лингвистические особенности виртуального коммуникативного пространства: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск: Челябинский гос. ун-т, 2005. – С. 23.

¹²⁵ Ахренова Н.А. Интернет-дискурс как глобальное межкультурное явление и его языковое оформление: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2009. – С. 3.

имкон беради. “Электрон почта ва эхо-конференциялардан фойдаланиш даврида реал мулоқотда мавжуд лисоний шахснинг муҳим таркибий қисмлари бўлмиш жинс, ирқ, акцент, урғу, ташқи қиёфа, миллати каби параметрлар тенглашади, ўртадаги фарқлар йўқолади, илмий тил билан айтганда, нивелирланади.

Виртуал мулоқотда жараёнида “фойдаланувчи номлари” сифатида қўлланилаётган тахаллуслар, шак-шубҳасиз, лисоний шахсни солиштириш, ўхшатиш, танишда ва унинг мавқеини белгилашда (идентификация ва самоидентификация) ёрдам беради. Оқибатда сохта шахснинг вужудга келиши ва ривожланиши амалга ошади: энди мулоқот жараёнида реал, мавжуд шахс эмас, ўзини сохта ном остида танитишни хоҳлаган иштирокчи пайдо бўлади. Масалан, компьютер бизнесида ишлаётган аёллар ҳақиқий исмларини яшириб, жинсини билдирмайдиган “фойдаланувчи номи” остида ўз иш фаолиятларини олиб бораётганликлари туфайли ҳаётларини енгиллаштираётганликларини ва, шу билан бирга, эркак ҳамкасабаларининг уларга нисбатан ишонч даражасининг ортиб бораётганлигини тан оладилар”¹²⁶.

“Мулоқотнинг расмий чат, конференция ва бошқа усулларида бири бўлган чат орқали одамлар иш юзасидан мулоқотга киришадилар ва расмий-иш услубидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Улар имло ва ишоравий хатоларга йўл қўймазликка, расмий услубга яқинлаштирилган тенг ва тобе муносабатли гаплардан таркиб топган қўшма гап ва жумлаларни куришга интиладилар. Уларнинг табрик, олқиш, саломлашиш ва хайрлашишлари ҳам оғзаки лисоний шаклланган, расмий-иш услубига яқинлаштирилган бўлади. Бироқ, кўпинча, бу компания, муассасада жорий қилинган мулоқот стандартига боғлиқдир”¹²⁷. Масалан, компаниялар чатларида расмий мулоқот услуги жорий қилинган бўлиб, чатга кираётган ходимлар “Ассалому

¹²⁶Леонтович О.А. Проблемы виртуального общения // «Полемика», выпуск 7 // <http://www.irex.ru/press/pub/polemika/07/leo>

¹²⁷ Шуйская Ю.В., Кузнецов Н.В. Лингвистические особенности дискурса интернет-чаттов // Научное обозрение: гуманитарные исследования. – 2016. – № 8. – С. 102.

алайкум! / Хайрли кун (кеч)!” каби иш фаолиятига мос бўлган расмий саломлашиш шаклини қўллайдилар. Бошқа корпоратив чатларда эса нобоп норасмий услуби қабул қилинган бўлиб, мулоқотнинг бевосита ва билвосита, электрон шаклларида саломлашишнинг “Салом/ яхшимисиз? / Тузукмисиз?” ҳамда хайрлашишнинг “кўришгунча / “Хайр / Бўпти / Эртагача” каби норасмий вариантлари мунтазам тарзда учрайди. Демак, чатларда норасмий вазиятлар норасмий услуб шакллари тақозо этади.

Чат тушунчасига турли таърифлар берилган. Жумладан, бир-биридан узоқ масофада бўлган суҳбатдошлар орасида бўлиб ўтадиган хилма-хил синхрон ёзма диалог – виртуал коммуникатив майдон (Б.Дане)¹²⁸; коммуникантларнинг сезиларли даражада тарқоқлиги билан ажралиб турадиган “меники эмас”, “жамоавий” алоқа воситаси (Г.Бехар-Израэли)¹²⁹; суҳбат учун кўп фойдаланувчи компьютер дастури (С.Путерман)¹³⁰; макон-вақт мустақиллигига эга (Р.Руденберг).¹³¹ Чат ёзма электрон алоқа воситаси сифатида ўзининг алоҳида хусусиятларига эга.

Одамлар интернет тармоғида гаплашиш учун ўзига хос **сунъий, сохта ғайрином, исм** – тахаллуслар танлайдилар. Ҳозирда инсоният тахаллусларнинг икки хил кўринишидан мавжуд (реал) ва виртуал ҳаётида фойдаланмоқда. Айнан шу ҳолат уларнинг ўзига хослигини таъкидлайди. Биринчи ҳолатда инсоният ўз тараққиёт тарихида кўплаб машхур тахаллуслар остида ижодий фаолиятларини олиб борган машхур кишиларни билади. Машхур инсонлар исмларига яқин, ўхшаш бўлган жиддий тахаллусларни танлашга муваффақ бўлганлар. Шунинг учун ҳақиқий исмлари ўрнида бемалол қўллашган. Ушбу тахаллуслар ҳеч қандай шахсий маълумотларни талаб қилмаган, аксинча, сохта бўлишига қарамасдан жиддийлик оттенкасини ўзида сақлаган.

¹²⁸ Danet B. Language, Play and Performance in Computer-Mediated Communication, 1997.

¹²⁹ Bechar-Israeli H. From Bonehead to cLoNehEAd: Nicknames, Play and Identity On Internet Relay Chat. Journal of Computer-Mediated Communication, (1) 2, 1995. <http://shum.huji.ac.il/jcmc/vol 1 /issue2/vol 1 no2.html>

¹³⁰ Puterman S. Language and Power on IRC, 1994. <http://www.rucus.ru.ac.za/~simone/lingirc.html>

¹³¹ Ruedenberg R., Danet B., Rosenbaum-Tamari Y. Play and Performance at the Computer Keyboard, <http://atar.mscc.huji.ac.il/~msdanet/virt.htm>

“Одатда, фойдаланувчиларнинг аксарияти академик ҳамжамиятга дахлдор эркаклар ёки компьютер ва юқори технологияларни биладиган талабалар эканлиги тан олинган. Шунга қарамасдан, Интернет тармоғининг ривожига ва унинг кўплаб қулайликлари туфайли, ҳатто, бу тасдиқлар ҳам баҳсларга сабаб бўлмоқда. Ҳақиқат шуки, чат – жуда машҳур ва қулай алоқа воситаси”¹³².

Ҳозирда оммавий урфга кирган блог, форум ва чатларда шунчаки лақиллаш истагида бўлган шахсларни тармоқда белгилаш, изини қолдириш учун ғайрином-тахаллуслар, яъни никнеймлар мавжудки, уларда жиддийлик эмас, ножиддийлик оттенкалари муҳрлангандир. Энди тахаллусларни танлашда оқиллик ва мантиқийлик шарт эмас. Чунки одамлар эски алоқаларни эмас, балки янги алоқаларни ўрнатиш истагида бўладилар. Бирок улар ўзлари ҳақидаги маълумотни яширишни маъқул кўрадилар, бунинг сабаблари фақат уларнинг ўзларига аён дир. Аммо алоқалар ўрнатилиши керак. Қандай қилиб? Улар ўзлари ҳақидаги шахсий маълумотларни киритмайдилар, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Энди улар фойдаланувчилар сифатида ўзлари танлаган тахаллуслари ёрдамида тармоқ рўйхатидан ўтадилар.

Биринчи кўринишдаги тахаллусдан фарқли ўлароқ, тармоқдаги тахаллус никнейм (ник) дейилади ва чатлардаги мулоқот никнейм ва матн ёрдамида амалга ошади. Фойдаланувчи мулоқот қилаётган шеригини танимайди, унинг ҳақида шахсий маълумотларга ҳам эга эмас. У чат мижози, унинг ўз никнейми бор. Никнейм орқали мижоз ўзи ва лисоний шахсини таништириш имконига эга бўлади. Никнейм алоқани ўрнатишнинг қулай воситаси, чат мижози ташриф қоғози ҳам дир.

Фойдаланувчи чатда бошқалар учун чат ажратиши мумкин. Бунинг учун у никнейм бўйича мурожаат қилади. Унинг мурожаати асосида никнейм тезкорлик билан алмашади. Агар у суҳбатдошини билса ёки у билан виртуал

¹³²Халилова Р. Виртуал коммуникатив майдонда нутқий дискурсининг социомаданий ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2022. – Б. 87.

тарзда танишган бўлса, ўз мурожаатларига никнейм ўрнига ном қўйиши мумкин.

Бу камдан-кам учрайдиган вазият, ушбу вазият кўпроқ корпоратив чатларда учрайди. Корпоратив чатларнинг бошқа чатлардан фарқи уларда никнейм ўрнига исм ва фамилия қўйилади. Чат иштирокчилари ва унга кирувчилар бир-бирларини шахсий никнеймлари орқали танийдилар. Шунинг учун улар кимга қандай мурожаат қилишни яхши биладилар.

Никнеймларнинг яна бир хусусияти шундаки, Никнейм орқали мулоқотга киришаётган киши ўз мулоқотдошининг жинси ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмайди. Бунинг учун жинсга ишора қилувчи (3 шахс бирликдаги ўтган замон феъллари) сўзлар иштирок этган “Сен қаерга йўқолдинг” гапи ўрнига “Қаердасан?” каби нейтрал гап ва жумлаларни қўллайдилар, бу ҳолат мужской роддаги сўзлардан унумли фойдаланиш имконини яратади.

Демак, компьютер тармоғидан фойдаланаётган мижозлар тармоққа янги ва янги шерикларни топиш, улар билан турли мавзуларда мулоқотда бўлиш ва қўнғилларини хушлаш мақсадида кирадилар. Улар ўртасида ўрнатилган ушбу мулоқот шунчаки, нојиддий тусда амалга ошади. Мижозлар ўртасидаги ўзаро мулоқот ўзаро синтактик алоқадаги сўз, сўз бирикмаси, гаплар ёрдамида амалга ошади, чунки улар нафақат инсоннинг мавжуд ҳаёти, балки виртуал ҳаётида ҳам асосий алоқа ўрнатиш воситалари ҳамдир.

Боб бўйича хулосалар

1. Янги технологиялар институционал ва спонтан дискурсларнинг вужудга келаётган янги шакллари ҳамда уларнинг тараққиёти даврида мурожаат замонавий дискурсларда муҳим ўзгаришларга дуч келмоқда. Институционал дискурсда лисоний мурожаат зиммасига номлаш оттенкаси юкланиб, гапирувчи ва тингловчи мавқеи ўрнатилади.

2. Институционал дискурснинг одатдаги кўплаб контекстларида коммуникантларнинг вазият, шароит ва бошқалардан келиб чиқиб қўллайдиган 2-3 ўзгарувчан мурожаатларининг мавжудлиги кузатилади. Агар ушбу одатдаги мурожаатлар институционал вазиятлардан ташқарида қўлланганда улар суҳбатни бир зумда институционал контекстга йўналтиради (бундай ҳолатлар мулоқот амалиётида кўплаб учрайди).

3. Мурожаатнинг нолисоний усуллари кўпроқ спонтан дискурсга хосдир, чунки институционал дискурс контекстларида кўп ҳолатларда коммуникантлар ўртасидаги маълум масофа сезилади. Бундай ўзаро таъсир контекстларида қўлланилган мурожаатнинг кинетик усуллари беқарор, ўзгарувчан бўлиб, контекстларда нолисоний суперсегмент таъсир воситалари етакчилик қилади. Лисоний воситаларнинг нолисоний воситалар билан параллел тарзда қўлланилиши кузатилади. Нолисоний мулоқотнинг мурожаат контекстлари устида амалга оширилган таҳлили мустақил семиотик система сифатида камунумдир, фонетик ва кинетик системалар, асосан, институционал дискурс контекстларида лисоний системага ҳамроҳлик қилади.

4. Электрон мулоқот шакли пайдо бўлганидан буён мурожаатнинг одатий воситаларининг шакл-шамойиллари (тузилиши) ўзгариб бормоқда, институционал ва спонтан контекстлар бирикиши натижасида улар орасидаги чегара хиралашиб, йўқ бўлиб бормоқда.

5. Электрон мулоқот мурожаат шакллари ихчамлаштирилган (диверсификацияланган) ва матн янги форматларда атрибутлашган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу зиддият ривожланмоқда ва кенг оммалашмоқда.

III БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОҒЗАКИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА СПОНТАН ДИСКУРСДА МУРОЖААТНИНГ СТРУКТУР ВАЗИФАВИЙ ТАБИАТИ

3.1.§. Мавқега йўналтирилган мулоқотда муурожаатнинг структур типологияси

3.1.1. Институционал ва спонтан дискурса муурожаатнинг стандарт усуллари

Коммуникантлар мавқега йўналтирилган институционал дискурсниг мулоқотда ўзини танитиш, мулоқотда устунликка эришиш мақсадида нутқий мулоқот этикетига тобора сингишиб кетган муурожаат усулларида онгли ва оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Мулоқот этикети жамиятнинг кўҳна ўзига хос барқарор мулоқот қолипларини ташкил қилувчи лисоний бирликлар макросистемасидир. Мулоқот қолиплари сифатида намоён бўладиган лисоний бирликлар жамият кишилари ўртасида уларнинг ижтимоий мавқеи ва эгаллаган ўрнига қараб расмий ва норасмий вазиятларда ўзаро нутқий муносабатларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

Нутқий мулоқот этикет бирликлари (келгусида НМЭБ) бир вақтнинг ўзида ҳам тил, ҳам нутқ ҳодисалари сифатида намоён бўлиши уларнинг ўзига хос хусусият – икки томонлама табиатга эга эканлигини тасдиқлайди. Изоҳли луғатларга киритилган кўплаб шундай нутқий мулоқот этикет бирликлари бизга улар ҳақидаги маълум бир масалаларга ойдинлик киритишга имкон беради. Инглизча изоҳли луғатларда бирликлар ёнида қавс ичига олинган *collog* белгиси уларнинг сўзлашув нутқиға мансуб эканлиғига ишорадир. Мазкур тадқиқот ишида таҳлилға тортилган тил ташувчилари томонидан бевосита ва билвосита саломлашиш, қутлаш, олқишлаш, хайрлашиш, табриклаш, узр сўраш, тилак билдириш каби урф бўлиб бораётган одат ва расм-русумларни амалға ошириш учун хизмат қилаётган нутқий этикет бирликлари истеъмол доирасининг ўта кенлиғи уларнинг тилға мансуб эканлиғидан ҳам далолат беради.

Тилнинг асосий қисмларидан бири бўлган НМЭБ ва мурожаатнинг турли шакллари синтактик сатҳга тўғридан-тўғри алоқадордир. Нутқий мулоқот этикетининг исталган бирлиги гапдир.

Диалогик нутқ матнини ёзувда бериш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Монологик нутқ матни сингари диалогик нутқ матни ҳам синтактик қоидаларга қатъий амал қилинган ҳолда шакллантирилади. Диалогик нутқ бирликлари ёзма матнда содда гап – муайян тил қонуниятлари асосида ҳам грамматик, ҳам товуший шаклланган тўлақонли нутқ бирлиги сифатида намоён бўлади. НМЭБлари ичида гапларнинг мақсадни қандай ифодалашига қараб 3 тоифа: дарак гап, сўроқ гап ва буйруқ гапларни; эмоционалликка кўра: эмоционал, эмоционал бўлмаган гаплар; гапларнинг воқеликка муносабати жиҳатидан: тасдиқ гап, инкор гап; тузилишига кўра содда, кўшма; гапларнинг грамматик асосига кўра бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли; гап мучалари табиатига кўра бўлақларга ажратилдиган ва ажратилмайдиган; гапнинг коммуникатив вазиятига кўра тўлиқ ва тўлиқсиз гапларни учратиш мумкин.

Диалогик нутқни ёзувда тўғри муҳрлашда тиниш белгиларининг ўрни бениҳоя катта. “Саломлашиш” мавзусидаги гуруҳга доир ҳамма учун умумий бўлган диалогни мисол тариқасида ҳавола этамиз:

А. *Салом! Аҳволлар қалай?*

В. *Яхши. Раҳмат! Ўзингиз қандай?*

Ушбу гаплар грамматик асослар иштирокига кўра бир бош бўлакли ёки икки бош бўлакли, тўлиқ ёки тўлиқсиз бўлиши ҳам мумкин. Ушбу гапларда бош бўлақлар – эга ва кесимнинг тўлиқ иштироки, ҳар иккаласидан бирининг ёки иккаласининг иштироки умуман таъминланмаслиги ҳам мумкин. Бироқ матн мазмуни уларни осон аниқлашга имкон беради. Масалан, бир-бирларига таниш бўлган суҳбатдошларнинг “танишиш” вазиятидаги мулоқотига эътибор қаратадиган бўлсак, улар нутқида икки бош бўлакли тўлиқ ва тўлиқсиз ҳамда умуман бош бўлақлар иштирок этмаган гапларни

кузатишимиз мумкин. Бирок контекст мазмуни бизга бош бўлақларни осон аниқлашга кўмаклашади.

Реал ҳаётий нутқий мулоқот вазиятларида суҳбатдошларнинг тўлиқ ва тўлиқсиз гаплардан унумли фойдаланганликларининг гувоҳи бўламиз. Қиёсланг:

A. *Салом!, Менинг исмим Анора (ёки Мен Анораман.)*

B. *Танишганимдан мамнунман.*

A. *Салом, Мен Ёрқиной...*

B. *Мен ҳам танишганимдан хурсандман.*

НМЭБ мурожаат матнининг шаклланишида бир бош бўлақли гап шаклида бўлиши мумкин. Ушбу бош бўлақнинг эга ёки кесимлигини аниқлаш қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолатларда бошқа гап бўлақларининг иштироки таъминланмаганлигининг боиси уларга эҳтиёжнинг бўлмаганлигидадир. Гап таркибидаги мавжуд бўлақ бутун бир бошли контекст мазмунини бера олади.

Бир бош бўлақли гап таркибидаги “бош бўлақ” от билан ифодаланганда номинатив гапга айланади. Кўп ҳолларда отга аниқловчи вазифасини ўтаётган сифат мазмунан сингиб кетади. Кун вақтлари акс этган “саломлашиш” мавзусидаги вазиятга алоқадор НМЭБига мисол келтирамиз:

A. *Хайрли тонг.*

B. *Хайрли тонг.*

Кесимлик – гап учун энг муҳим белги. Ушбу белгининг миқдор жиҳатдан иштироки гапларнинг содда ва мураккаблигини белгилаб беради. Демак, гап содда бўлиши учун унга битта кесимнинг иштироки етарли. Гапнинг мазмунини ёйиш, кенгайтиришда иккинчи даражали бўлақларнинг иштироки ҳам муҳимдир. Шунга кўра, гап таркибида бош бўлақлар билан бир қаторда иккинчи даражали бўлақларнинг ҳам иштирок этиши уларнинг содда ёйиқ эканлигини асослайди. Айнан шундай содда йиғиқ ҳамда содда ёйиқ гаплар НМЭБларни ташкил этади. “Розилик – норозилик” мавзуси

остидаги гуруҳ таркибига киритилган бир неча бирликларни мисол тариқасида келтирамиз:

Дониёр. Розиман. Мен ҳам.

Нурбек: Унчалик рози эмасман.

Инглиз тилидаги мавжуд НМЭБ – содда йиғиқ ёки ёйиқ, икки бош бўлакли тўлиқ ёки тўлиқсиз, бир бош бўлакли, дарак, сўроқ ва буйруқ гаплардир. Улар ҳозирги замон инглиз амалий грамматикаси қонуниятларига катъий амал қилинган ҳолда шакллангандир.

Кўриниб тургани каби ўзбек тилида инглиз ва рус тилларидан фарқли равишда эга ҳар доим иштирок этавермайди. Кесим таркибидаги морфологик кўрсаткич – шахс-сон қўшимчаси гапнинг эгаси кимлигини кўрсатиб туради. Аксарият тилларда кесимлар эгасиз гап ҳосил қила олмайди.

Нутқий мулоқот этикети субъектнинг аниқ ахлоқий вазиятлари доирасида амалга ошади. Шундай вазиятлар сирасига “мурожаат ва диққатни жалб этиш”, “танишиш”, “саломлашиш”, “хайрлашиш”, “табриклаш”, “тилак”, “миннатдорлик”, “узр сўраш”, “илтимос”, “таклиф”, “розилик ва норозилик”, “маслаҳат”, “таклиф бериш”, “шикоят”, “ҳамдардлик ва таъзия”, “тасалли”, “илтифот”, “маъқуллаш”¹³³ кабилар киради. Вазиятга шартланганлик нутқий этикет табиатини олдиндан белгилаб беради.

Семантик майдонларга юқорида номлари келтирилган вазиятлар бўйича ажратилган нутқий мулоқот этикетининг аниқ бирликлари ягона система аъзоларига айланади. Ҳар бир тематик гуруҳ эса умумий тасниф элементига айланади. Ҳар бир тематик гуруҳ ўз ичида НМЭБ ўзига хос синонимик қаторни вужудга келтиради. Масалан, куйидаги бирликлар “саломлашиш” тематик гуруҳида ўзига хос синонимик қаторни ҳосил қилади:

Ўзбек тили учун бу хил мурожаатнинг куйидаги шакллари хос:

Салом!

Қандайсиз?

¹³³ Соколова Н.Л. О компонентах значения единиц речевого этикета // Филол. науки. – М., 2003. – № 5. – С. 95.

Ҳаёт қандай ?

Қандай янгиликлар бор?

Қандай яшаяпсиз?

Сизни кўриб қолганим яхши бўлди.

Хайрли тонг/кун/оқшом/тун!

Қанақасиз? (Тошкент шаҳар мулоқотидан қўлланилади)

Яхшимсиз?

Бу типдаги стимулларга қуйидагича реакция билдирилади:

Салом!

Зўр!

Яхши!

Тинчлик.

Нима гап?

Сизга ҳам.

НМЭБнинг тематик гуруҳларга мансублиги бўйича таснифи тизим сифатида тақдим этилмайди. НМЭБ диалогик бирликлар доирасида тематик жиҳатдан ўзаро боғланган ва ўзаро мутаносиб вазиятга шартланган категориялардир. Ўзбек тилида ҳам диалогик бирлик доирасида улар бир-биридан алоҳида учрамайди:

A. *Отабек, укам Муродга дарс тайёрлашда ёрдам бериб юборасанми?*

B. *Салом, Мурод.*

C. *Танишиганимдан хурсандман, Отабек ака.*

“Танишиш” тематик вазиятига мансуб ушбу кичкина, аммо тўлиқ тугалланган диалогик бирликда “мурожаат” ва “саломлашиш” вазиятларига алоқадор НМЭБни учратиш мумкин (*Отабек, Мурод* атоқли отлари ва *Салом*). Бир-бирини биладиган суҳбатдошлар “танишиш” вазиятида доим амалий жиҳатдан “мурожаат” ва “саломлашиш” вазиятларининг НМЭБни фаол қўллайдилар. Бир-бирини умуман билмайдиган суҳбатдошлар “танишиш” вазиятида мурожаатдан жуда кам ҳолларда фойдаланганлари

ҳолда, “саломлашиш” вазиятига тегишли бирликларидан ўринли фойдаланадилар:

A. *Хайрли тонг* (саломлашиш), *амаки* (муурожаат). *Мен Бобурман. Дониёр аканинг ўғли.* (танишув)

B. *Қандайсан? Мен Дилмуродман.* (танишув)

“Саломлашиш” тематик гуруҳига доир НМЭБлари диалогларда “миннатдорлик” тематик гуруҳига мансуб (*Раҳмат/Раҳмат сизга*) элементларнинг иштирокини тақозо этади:

A. *Салом! Яхшимисиз?* (саломлашиш)

B. *Яхшиман* (саломлашиш), *Раҳмат/Раҳмат сизга* (миннатдорлик)

Саломлашиш жараёнида суҳбат иштирокчилари НМЭБларидан муурожаатни қўллашлари ҳам мумкин:

A. *Хайрли тонг* (саломлашиш), *дада.* (муурожаат) *Яхшимисиз?* (саломлашиш)

B. *Ёмон эмас* (саломлашиш), *раҳмат.* (миннатдорлик)

Муурожаат вазияти “хайрлашиш” вазияти билан кетма-кетликда амалга ошади:

A. *Хайр* (хайрлашиш), *устоз* (муурожаат)

B. *Хайр* (хайрлашиш), *Абдулла!* (муурожаат) *Эртага кўришгунча.* (хайрлашиш)

Узоқ муддат кўришмаслик маъносини англатган хайрлашиш жараёни ўзига хос шароитларда – илтифот кўрсатиш, жанжалдан сўнг ярашиш кабиларда миннатдорлик ёки узр сўраш маънолари ифодаланган НМЭБ иштирокини талаб этади:

A. *Хайр!* (хайрлашув) *Бугунги кун учун раҳмат!* (миннатдорлик)

B. *Хуш келибсиз* (миннатдорликка акс таъсир луқмаси (реплика-реакция). *Ҳозирча хайр!* (хайрлашув)

A. *Хайрли тун!* (хайрлашув) *Илтимос, мени кечиринг!* (изн, узр сўраш)

B. *Ҳаммаси яхши!* (узрни қабул қилиш) *Яхши дам олинг!* (хайрлашув)

Шу билан бирга, узоқ муддат кўришмаслик маъносини англаган хайрлашиш вазиятида суҳбат эгалари бир-бирларига ўзаро тилаклар билдиришади. Бунда “тилак” мавзуси остида бирлашган нутқий этикет бирликлари мустақил микродиалогик бирлиги таркибига киради.:

А. *Хайр* (хайрлашув), *ўғлим!* (мурожаат) *Сафаринг беҳатар бўлсин!* (тилак билдириш)

В. *Хайр!* *Омад тилайман!* (хайрлашув, тилак билдириш)

“Қутлов” вазиятида ўзаро суҳбат эгалари, албатта, мурожаатга эҳтиёж сезадилар. Кўпинча, қутлов “тилак, ният” тематик гуруҳига доир НМЭБлар билан уйғунликда амалга оширилади. Қуйида машҳур инглизча кўшиқ матнидан олинган сўзларни мисол тариқасида келтирмақчимиз. Ушбу кўшиқ шундай урф бўлганки, ҳатто ёши, жинси, мавқеидан қатъи назар тадбир сабабчиси шаънига куйланади:

Тузилган кунинг билан! (қутлаш)

Тузилган кунинг билан! (қутлаш)

Тузилган кунинг билан, дўстим! (қутлаш, мурожаат)

Тузилган кунинг билан! (қутлаш)

Тузилган кунингиз тонгдан

тунгача шодликка тўлсин! (тилак)

Диалогик нутқда “қутлаш” тематик гуруҳига киритилган НМЭБларига мурожаат ва миннатдорчилик сўзлари ҳам йўлдош – ҳамроҳлик қилади:

А. *Кунингиз баракали ўтсин, Сардор!* (қутлаш, мурожаат)

В. *Катта раҳмат, Нодир!* (миннатдорлик, мурожаат)

А. *Келажакдаги барча ишларингизга ривож тилайман!* (тилак)

Янги йил муборак бўлсин ҳаммамизга!

Ушбу кўринишдаги матнлар луғатларда қутлаш жараёнининг бир тури сифатида қаралади.

Қутлаш нутқий вазияти кўпинча турли тематик гуруҳларга мансуб НМЭБининг диалогик ўзаро боғловчи занжирга айланади. Масалан:

А. *Салом, Дурдона!* (қутлаш, мурожаат)

В. Салом, Нодира! (қутлаш, мурожаат)

А. Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин! (қутлаш)

Аллоҳ сизга бахт ато қилсин! (тилак)

В. Раҳмат! Сизга ҳам! (миннатдорлик, илтифот) *Туғилган кунимга келасизми?* (таклиф)

Агар “қутлаш” гуруҳидаги НМЭБлар саломлашиш мақсадида қўлланилган бўлса-да, мазмун жиҳатдан улар тилак билдириш маъноси остида бирлашади. Қуйидаги мисол тариқасида берилган трансформация диққатга сазовордир:

Қуйидаги диалогда илтимос розилик ёки норозилик билан бирлашиб диалогик бирликни вужудга келтирган. Бу ерда илтимос розилик ёки норозилик билан уни бажо келтириш учун бирга қўлланилган. Илтимос бажо келтирилганда миннатдорлик билан, акси бўлганда, эса узр сўрашга ўхшаган реплика-луқма билан қўлланилган.

А. Ойи, менга тузни узата оласизми? (мурожаат, илтимос)

Б. Албатта. (розилик)

А. Катта раҳмат! (миннатдорлик)

А. Менга лифтни чақириб бера оласизми? (илтимос, мурожаат)

Б. Чақириб бера олмайман. (рад қилиш)

Розилик ва норозилик репликалари қўлланилган диалогда суҳбатдошлар бир-бирларининг фикрларини маъқуллаши ёки маъқулламаслиги ҳам мумкин. Буни улар томонидан қўлланган репликалар орқали осон англаш мумкин.

Илтимос оҳангида айтилган реплика иштирок этган диалогда илтимоснинг бажарилишидан қатъи назар суҳбатдош маслаҳат ёки таклиф репликаларини қўллайди. Суҳбат жараёнида маслаҳат ёки таклиф репликалари қўлланилганда, суҳбатдошлар маслаҳат ёки таклифни маъқуллашлари/маъқулламасликлари ҳам мумкин:

А. Менга ёрдам бера оласизми, профессор? (илтимос, мурожаат)

В. Мен бу ерда эртага учрашишни таклиф қиламан. (розилик; таклиф)

А. Қандай ажойиб! Катта раҳмат, профессор! (қўллаб-қувватлаш, миннатдорлик)

В. Арзимаиди. (миннатдорликка мос таъсир лукмаси)

Илтимоснинг яна бошқа кўринишларидан бири адресантга қаратилган илтимос акс этган вазият бўлиб, унда адресант маълум бир ҳаракатларни содир этиши учун “рухсат олиш ниятида” “изн сўрайди”. Ушбу вазиятга тааллуқли бўлган НМЭБ ўзига хос бўлган суҳбатдошларга рухсат ёки тақик, маъқул кўриш ёки маъқул кўрмаслик каби ҳаракатларни амалга оширишга ундовчи нутқий мулоқот этикети билан диалогик бирликни ҳосил қилади. Ушбу вазият суҳбатдош томонидан қўлланган мурожаат, миннатдорлик маънолари сингдирилган бирликлар билан ҳамоҳанг тарзда кечиши; суҳбатдошнинг розилиги ёки норозилиги, айрим ҳолларда рад этиш маъноларида қўллаган бирликлари билан тўлдирилиши ҳам мумкин; шу билан бирга, ушбу вазиятнинг ўзида суҳбатдошнинг маъқул кўриш ёки маъқул кўрмаслик ҳолатларини ифодаловчи маслаҳат ёки таклифлар ҳам мавжуд:

А. Сиз билан гаплашсам майлими, Дурдона опа? (илтимос, мурожаат)

Б. Ҳа, албатта. Марҳамат. Ўзингизни уйингиздагидек ҳис этинг (таклиф бериш)

Ёки:

А. Бобо, мен телевизорни ўчирсам бўладими? (мурожаат, илтимос)

Б. Шу кўрсатувни кўрсак яхши бўларди. (тақиклаш, таклиф бериш)

А. Мен қизиқмайман бу дастурга. (қўллаб-қувватламаслик)

Одатдаги диалогларга эътиборни қаратадиган бўлса, суҳбатдошлардан бирининг таклифини, албатта, иккинчиси ё қабул қилиши ёки рад этиши мумкин. Таклиф – уни қабул қилиш ёки рад этиш ҳолатлари диалогик вазиятни келтириб чиқаради. Ушбу вазият аниқ мурожаат ва миннатдорлик элементлари иштирокида рўёбга чиқади:

А. Кечки овқатни мен билан тайёрлашни истайсизми, Севара? (таклиф, мурожаат)

Б. Ҳа, катта мамнуният билан. Ташаккур! (қабул қилиш, миннатдорлик)

А. Ота-онамни кутиб оласизми? (таклиф)

Б. Соғлиғим унчалик яхши эмас. (рад қилиш) Аммо сиз истасангиз,... (гумон)

Қуйидаги диалогик вазият шикоятнинг маслаҳат, таклиф, ҳамдардлик, хайрихоҳлик, тасалли бериш кабилар билан ҳамроҳлигида кечмоқда. Бу ерда тиббий – соғлик юзасидан қилинган шикоят “соғлик, соғайиш” тематик гуруҳига мансуб “тилак” элементи билан қўлланилиши натижасида диалогик вазиятни вужудга келган.

А. Тишимда қаттиқ оғриқ бор. (шикоят)

Б. Вой, бечора! (ҳамдардлик) менимча, сиз шифокорга боришингиз керак. (маслаҳат) Сизга ҳамроҳ бўлишим мумкин. (таклиф)

А. Миннатдорман, қандай яхшисиз! (миннатдорлик)

А. Билол (мурожаат), мен паспортимни йўқотиб қўйдим. Нима қиламан энди (шикоят)! (асабийлашиш)

Б. Афсусдаман. (ҳамдардлик) лекин бу ҳаёт тугади дегани эмас-ку! (юпатиш) ҳали уни излаб кўрайлик. (таклиф)

Мисолда келтирилган диалогик вазиятда мурожаат ва миннатдорлик элементларининг иштироки шарт бўлгани каби, нутқ этикети бирликлари сирасига киритилган, мурожаат этикети доирасида қабул қилинган асабийлашиш ёки маъқуллаш маъноларини англатувчи элементлар иштироки ҳам шартлидир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида маиший шикоятнинг бир неча турлари мавжуд. Масалан: мижоз меҳмонхона, ресторан, сартарошхона, дўкон, банк кабиларда хизмат кўрсатиш сервисининг сифатсизлиги юзасидан ҳақли равишда шикоят қилиши мумкин. Ушбу вазиятларда “узр сўраш” тематик гуруҳига мансуб бирликлар шикоят билан мантиқий кетма-кетликда қабул қилинган нутқ этикети доирасида қўлланилади.

А. Совиган овқатни ея олмайман. (шикоят)

Б. Кечирасиз, мен бу ҳақда сўрашим керак эди. (узр сўраш)

А. Бу баҳона бўла олмайди! (узрни рад этиш)

Шу кунга қадар Н.И.Формановская ишларида ажратиб кўрсатилган тематик гуруҳлар мансуб нутқий этикет бирликлари таҳлилга тортилди. Н.И.Формановская томонидан нутқий этикет бирликлари “мурожаат”, “танишиш”, “саломлашиш”, “хайрлашиш”, “табриклаш”, “тилак”, “миннатдорлик”, “узр”, “илтимос”, “розилик – рад қилиш”, “рухсат – тақиқ”, “таклиф”; “маслаҳат”, “тасалли”, “хайрихоҳлик”, “ҳамдардлик”, “илтифот”, “маъқуллаш” каби тематик гуруҳларга бириктирилди. Тадқиқотчи томонидан улар мустақил ва бир-бирига тенг тематик гуруҳлар деб қаралди.

Биз томондан олиб борилган тадқиқот ишлари ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, бундай тематик гуруҳлар асло бир-бирига тенг бўлолмайди. Ушбу гуруҳларга мансуб нутқий этикет бирликларининг асосий фаолияти диалоглар доирасида амалга ошади.

3.1.2. Мурожаатнинг институционал ва спонтан дискурсадаги ностандарт усуллари

Гуруҳларнинг мустақил турига “Саломлашиш”, “Танишиш”, “Хайрлашиш” гуруҳлари киритилади. Уларнинг ҳар бири ўзига мос ва хос бўлган бирликлар йиғиндисиغا эга. Ушбу гуруҳлар бошқа гуруҳ бирликларисиз ўз бирликлари ёрдамида нутқий этикет қонуниятлари асосида тугалланган диалогни вужудга келтира олиш имкониятига эга:

“Танишиш”

Ўзбек тилида:

А. Бу – Жамшид.

В. Салом, Жамшид. Мен Собираман.

С. Салом, Собира. Танишганимдан хурсандман.

“Саломлашиш”

А. Салом! Ишлар қалай?

В. Раҳмат. Яхши. Ўзинг қандай?

А. Яхши.

“Хайрлашиш”

А. Хайр!

В. Кўришгунча!

Нутқий этикет бирликлари ёрдамида диалогик бирликни вужудга келтириш имкони бўлмаган гуруҳлар “комбинацияланган” – чатишган гуруҳлар дейилади. “Узр”, “илтимос”, “таклиф”, “шикоят” кабиларга мансуб НМЭБ фақат стимул-репликалар ёки реакция-репликалардан иборат. Диалогли вазиятнинг вужудга келишида муҳим жараён – бошқа тематик гуруҳлар ичидан улар ўзларига мос “шерик”ларни танлайдилар. “Узр” гуруҳига мансуб НМЭБ реакция-репликаларни ифодалайди ва мурожаат-луқмалар билан чатишган стимул-репликалардан иборат “айблаш” НМЭБ билан диалогли вазиятни пайдо қилади.

“Илтимос” гуруҳининг НМЭБлари ҳам ўзларида стимул-репликаларни ифодалайди. Улар “розилик-норозилик” тематик гуруҳларининг реакция-репликалари ёрдамида диалогли вазиятни вужудга келтиради. Масалан:

А. Эшикни ёпасизми? (илтимос)

Б. Албатта. (розилик)

А. Якшанба куни менга кўнғироқ қила оласизми? (илтимос)

В. Кечирасиз, мен кўнғироқ қила олмайман. (узр, рад этиш).

“Таклиф” гуруҳининг стимул-репликалар кўринишидаги НМЭБ “қабул қилиш – рад этиш” гуруҳининг таъсирчан луқмалари иштирокида вазиятли диалогни ҳосил қилади:

А. Бугун кечкурун чиқа оласизми? (таклиф)

Б. Менга маъқул. (қабул қилиш)

А. Кечки овқатга менга шерик бўлишни истайсизми? (таклиф)

В. Йўқ, узр. (рад этиш)

“Шикоят” гуруҳининг стимул-репликалар кўринишидаги НМЭБ “маслаҳат, таклиф, ҳамдардлик” гуруҳига мансуб бирликлари билан вазиятли диалогни ҳосил қилади:

А. Бошимда қаттиқ оғриқ бор! (шикоят)

Б. Нима учун сиз дори олмайсиз? (маслаҳат)

А. Машинам бузилган! (шикоят)

Б. Янги сотиб олинг. (маслаҳат)

“Қутлаш” тематик гуруҳи бошқа гуруҳлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушбу гуруҳнинг ўзига хослиги уни гуруҳларнинг чегарадош турига киритишга имкон беради. “Қутлаш” тематик гуруҳи мустақил ва комбинацияланган гуруҳлар ўртасидаги чегарада туради. Умумхалқ ва умумдавлат миқёсидаги байрам-тантаналарда қилинган қутловда саломлашиш белгиларини кузатиш мумкин. “Қутлаш” тематик гуруҳининг НМЭБлари ўзаро алоқадорликда диалогик вазиятни ҳосил қилади:

А. Янги йил муборак бўлсин!

В. Янги йил муборак бўлсин!

Оилавий ва шахсий-хусусий байрам тадбирларидаги қутловларда вазият бошқача кечади. Бундай вазиятларда энди “қутлаш” НМЭБ “миннатдорлик” НМЭБ билан диалогли вазиятни келтириб чиқаради:

А. Кунингиз қувончга тўлсин! (қутлаш)

В. Раҳмат! (миннатдорлик)

Яна шуни таъкидлаш лозимки, аниқ реал нутқ жараёнида мустақил гуруҳларнинг НМЭБи алоҳида учрамайди. “Танишиш” вазиятида “муружаат”, “саломлашиш” вазиятлари бирликлари қўлланилади. Чунки уларнинг ҳамроҳлигисиз ушбу вазиятлар мантиқан тўғри амалга ошмайди. Худди шундай ҳолат “саломлашиш” вазиятида ҳам рўй беради. Саломлашиш диалогик жараёнини ҳам муружаат, миннатдорлик сўзларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар ушбу вазиятда саломлашиш сўзларига ҳамроҳлик қилади. Шунинг учун улар “ҳамроҳ” гуруҳи бирликлари дейилади. Ушбу бирликлар универсал вазифани амалга оширади. Улар мустақил, чегарадош, комбинацияланган, мураккаб тематик гуруҳга мансуб НМЭБ иштирокида шаклланган диалог мазмунини вазият, шароит, вақт, маконга қараб тўлдиради, кенгайтиради.

Ушбу гуруҳ турларини яна икки катта: универсал ва ноуниверсал туркумларга ажратиш мумкин. Универсал туркум гуруҳлари ҳаммабоп. Мустақил ёки комбинацияланган типдаги исталган вазиятдаги диалогларни шакллантиришда фаол қатнашади. Шундай универсал туркумдаги тематик гуруҳлар сирасига “мурожаат” ва “миннатдорлик” гуруҳларини киритиш мумкин. Маълум бир ҳолат ёки вазиятларда “миннатдорлик” гуруҳига мансуб НМЭБ “қутлаш, табриклаш” НМЭБлари билан ўзаро комбинацияланган диалогик бирликларни ҳосил қилади, мурожаат бирликлари эса, албатта, уларга ҳамроҳлик қилади. Демак, универсал бирликлар бошқа бирликларга аниқ ҳамроҳлик қилади.

Ноуниверсал туркумга мансуб гуруҳ бирликларининг ўзига хослиги шундаки, нутқий этикетнинг у ёки бу вазиятларини танлаб ҳамроҳлик қилади. Мустақил “хайрлашиш” тематик гуруҳида мурожаат, миннатдорликни ифодалаган бирликлардан ташқари яна ноуниверсал “узр сўраш”, “тилак билдириш” гуруҳларининг бирликлари ҳам фаол қўлланилади. “Қутлаш” диалогик вазиятида “тилак билдириш”, “таклиф қилиш”, “розилик – рад қилиш”, “узр сўраш” каби ноуниверсал бирликлар иштирок этиши мумкин.

Ноуниверсал тематик майдонда соф ҳамроҳлар билан бир қаторда икки томонлама табиатга эга бирликлар ҳам мавжуд. Улар диалог мазмунини тўлдириб, кенгайтириш хусусиятларига ҳам эгадир.

“Тилак билдириш” тематик гуруҳининг бирликлари соф ноуниверсал бирликлар ҳисобланади. Тилаклар байрам ва тантанали тадбирларда табриклаш ва қутлаш сўзлари билан ҳамоҳанг қўлланилади. Чунки ҳар қандай байрам, шодиёна фақат табриклаш билан эмас, балки ният, тилак билдириш билан давом этади. Айрим ҳолларда хайрлашиш, видолашиш пайтида ҳам тилаклар айтилиши мумкин.

Танишиш вазиятида суҳбатдошлар, албатта, саломлашганларидан сўнг бир-бирларини танитадилар. “Саломлашиш” сўзлари мустақил тематик гуруҳ элементлари сифатида намоён бўлади.

Узр сўраш элементлари хайрлашиш, табриклаш-таклиф қилиш вазиятларида; таклиф элементлари табриклаш ва маслаҳат бериш вазиятларида; таклиф элементлари илтимос вазиятида фаол ҳамроҳ сўзлар сифатида қўлланилади. Шу билан бирга, улар “айблаш – узр сўраш”, “таклиф қилиш – розилик бериш – рад этиш” вазиятларида вужудга келган диалог компонентлари сифатида намоён бўлади.

Комплимент, илтифот сўзлари ҳам универсал ҳамроҳ сўзлар ҳисобланади. Улар исталган диалогик вазиятларда эҳтиёжга қараб қўлланилади. Эътибор қилинг:

“Танишиш”

А. Она, бу Самад – менинг энг яхши дўстим.

Б. Қандай яхши. Уни олиб келиб яхши қилибсан! (илтифот) Сизни кўрганимдан мамнунман, Самад.

С. Яхшимисиз?

А. Салом! Сиз ўша либосда фариштадек кўринасиз. (илтифот) Аҳволларингиз қандай?

Б. Илтифот учун раҳмат. Жуда яхши эмас.

“Хайрлашиш”

А. Хайр, азизим! Жуда ёқимли эдинг! (илтифот)

В. Севгидан! Тез орада кўришгунча!

“Қутлаш”

А. Доим баҳор гулларидек очилиб юринг. (илтифот)

Б. Раҳмат! Соғ бўлинг. (илтифот)

“Узр, кечирим сўраш”

А. Қизим суҳбатлашамизми?

Б. Оҳ, кечирасиз! Мен билан гаплашмайсиз деб ўйлардим. Сиз дунёдаги энг яхши онасиз! (илтифот)

“Таклиф қилиш”

А. Агар мен ва менинг ота-оналар билан бу ҳафта шаҳарга боришни истайсизми?

Б. Оҳ, менга жуда ёқади. Қандай яхши таклиф! (илтифот – миннатдорлик аломати)

Юқорида “шикоят”га ҳамроҳ бўлувчи “асабийлашиш” ва “умидсизлик” гуруҳларини эслатиб ўтдик. Илгари бизга маълум бўлган ишларда ушбу гуруҳлар таҳлилга тортилмаган. “Шикоят” комбинацияланган тематик гуруҳ сифатида “маслаҳат”, “таклиф”, “ҳамдардлик”, “хайрихоҳлик”, “тасалли”, “ишонч – ишончсизлик”, “умидсизлик” каби таъсирчан репликалар, “қайғуриш”, “хавотирланиш” каби стимул репликалар компонентлари билан диалогик бирликни вужудга келтиради:

А. Шаҳардаги уй ёниб кетди! (шикоят)

В. Ҳазиллашманг! (ишончсизлик)

“Ишонч” – “ишончсизлик”, “умидсизлик”, “қайғуриш”, “хавотирланиш” тематик гуруҳларига киритилган бирликлар гуруҳларнинг ўзига хос бўлиб, илгари маълум бўлган гуруҳларнинг бирортасига мансуб эмас.

“Мойиллик” тематик гуруҳи бошқа гуруҳларга қараганда соддароқ бўлиб, “афзал билиш, устунлик” каби элемент билан уйғунлашади. Бундай ҳолларда стимул-луқмалар сифатида бир маънога йўналтирилган, аниқ тасдиқ ёки инкор жавобни талаб қилувчи *хоҳлайсизми?* умумий саволида намоён бўлади:

Аниқ тасдиқ жавоблар

Ҳа.

Албатта.

Жуда.

Яхши кўраман.

Севаман.

Инкор жавоблар

Йўқ.

Ёқтирмайман.

Айтолмайман.

Ўзбек тилида ҳам “Мойиллик” мазусига доир диалоглар репликанинг уч туридан ташкил топади. Булар: стимул-реплика – умумий саволи *Сенимани хоҳлайсан?*, таъсирчан-реплика – тасдиқ ёки инкор жавоб талаб қилади; адресантдан чиқувчи ушбу учинчи лукма-репликада унинг адресат фикри билан бирдамлиги сезилмайди, ўз коммуникантига ўхшаб севишга мойил:

“Ният” мустақил гуруҳи компонентлари “эҳтимоллик”, “гумон” гуруҳларининг НМЭБлари ҳамроҳлигида диалогларда қўлланилади. “Ният” мустақил гуруҳи компонентлари комбинацияланган мураккаб бирликлар билан мантиқан бирлашиб, “эҳтимоллик” ва “гумон” гуруҳлари компонентлари билан диалогик матни юзага келтиради. Бу ерда умумий саволлар стимул берувчи репликалардир. Уларнинг иштирокидаги диалогларда муносабатларнинг “ният” – “эҳтимоллик” – “гумон” кўринишдаги мураккаб комбинацияланган типи вужудга келади. Қиёсланг:

“Ният” гуруҳидаги мустақил диалогик бирликлар

- А. Уни айтгани боряпсизми?
- Б. Ҳа. (Йўқ, мен эмасман.)

“Ният”, “эҳтимоллик”, “гумон” кўринишидаги мураккаб

комбинацияланган диалогик вазият

- А. Уни айтгани боряпсизми? (ният)
- Б. Эҳтимол. Билмайман. (шубҳа)

“Эҳтимоллик”, “гумон” эҳтимол; мен билмайман; мен шундай деб ўйламайман каби НМЭБлари киради.

“Таклиф” тематик гуруҳининг НМЭБлари ҳам худди шу модель бўйича диалогик вазиятни вужудга келтиради. Адресант савол беради, адресат жавоб қайтаради. “Таклиф” тематик гуруҳининг НМЭБлари грамматик нуқтаи назардан инглиз амалий грамматикасига асосан гапнинг ҳозирги-келаси ёки ўтган замонга тегишлилигидан келиб чиқиб, қўлланилган. Диалог қуйидаги модель асосида қурилади:

адресант – *Нима қилар эдингиз агар...? ёки Агарда/..., сиз нима қилар эдингиз?*

адресат – *Агар мен..., бўлганимда..., ёки Агар..., мен... ёки мен бўлганимда.*

Масалан:

Вазият келаси замонга тегишли

A. *Сен шоир бўлганимда нима қилар эдинг?*

B. *Инсоният қалбини ларзага соладиган асарлар ёзардим.*

Вазият ўтган замонга тегишли

A. *Агар унинг ўзи телефон гўшагини олганда, сиз гаплашар эдингизми?*

B. *Мен у билан гаплашар эдим.*

“Тахмин” вазиятидаги диалог кўп ҳолларда болалар билан бўлган суҳбатларда шаклланади. “Тахмин” вазияти болалар билан мулоқотда – уларни кундалик юмушларини бажариш, ўзидан катталар билан мулоқот ва муомалага нотўғри одатлантириш жараёнида, айниқса, катталар билан кутилмаган ҳолатларда кўпол тарзда амалга ошади: *Яна эшикни ёпмадинг-а, ўғри кирса-чи!; Печкани ўчирмадингизми, ўт кетиб қолсачи!* ва ҳоказо. Юқоридаги ҳолатларда “тахмин” вазияти компонентларига “асабийлашиш” ва “тасалли” тематик гуруҳларининг НМЭБлари ҳамроҳлик қилади.

Инсон ўз ҳаётида қандай кунларни бошдан кечиради аввалдан билолмайди. Бироқ интуицияси, ички ақли ёрдамида қалби, юраги билан ҳис қила олиш қобилиятига эга. Инсон ҳаёти давомида кўплаб яхши-ёмон, ёқимли-ёқимсиз, фойдали-фойдасиз, манфаатли-манфаатсиз, хавфли-хатарсиз, жўшқин-сокин ва ҳоказо вазиятларга тушиб қолади. Бундай вазиятларда ўзи мустақил ёки кимнингдир ёрдами, кўмагида вазиятдан чиқишга ҳаракатланади, уринади: нимадир қилади, кимгадир гапирди, уқтиради, ялинади, дўқ қилади, узр сўрайди ва б. Шундай қилиб, коммуникант ўзи хоҳлаган ёки хоҳламаган ҳолда “зарур, муҳим, кечиктириб бўлмайдиган” нутқий вазиятга кириб қолади.

Буйруқ майлини ҳосил қилувчи воситалар – феъллар ва -а(й)модаллик ифодалари ушбу “муҳим” гуруҳ НМЭБларининг асосий элементларига айланади. Улар стимул-реплика ва реакция-репликаларида ҳам етакчилик қилади. Стимул-реплика умумий саволдан иборат. Буйруқ майлидаги феъллар ёки ифодалари ўрнини илтимос мазмунидаги луғавий birlikлар тўлдириши мумкин:

– Нима қилай? – деди сўфи, овози жуда паст эди. – Қўлимдан нима келади?

Акаси бу сафар жиддийлашди:

– Шаҳарни ташланг! (Таклиф, илтимос)

Сўфи акасининг сўзини бўлиб, алланима демоқчи бўлган эди, у қўймади:

– Сиз шошманг! Гапни эшитинг! (илтимос, маслаҳат)¹³⁴

Раззоқ сўфининг унамаётганини сезиб суҳбатдош муносабатини бироз ўзгартиради, фикр қатъийлаша боради:

Сўфи жим бўлди. Сўнгра акаси давом этди:

– Шаҳарни ташланг! Бу ҳовлини сотинг! Шаҳарда ҳовли-жойни яхши пулга олади. Қишловдан кичкина бир ҳовли оламиз – мунинг ярим пулига ёки учдан бирига. Қолганига асбоб оламиз. Ўз еримизнинг ёни-беридан бир парча яна ер топамиз... Уни ҳам оламиз.

Ҳали бардамсиз, биргалашиб ишлаймиз. Дурустми? (маслаҳат)

Сўфи индамасди; оқ дўпписини бош идан олиб, буклаб ўйнарди...

– Қани, бир нарса денг! (даъват қилиш, қисташ)

Сўфи ҳеч нарса демай, ўрnidан турди. Яна дамини чиқармасдан, ичкарига томон бир-икки қадам босди.

Кейин яна орқасига қайрилиб, деди:

– Мен салла-тўнимни кийиб чиқай. Жумани хонақода ўқиймиз. Кеч қолдик...

Акаси хонақога кетаётиб, яна шу гапни қўзғатди:

¹³⁴ Чўлпон. Кеча ва Кундуз. Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 18.

– *Хўп, денг. Қишлоққа кетайлик! Ўлим – ҳақ! Ўлар вақтда бир-биримиздан йироқ тушиб, бир-биримизга ташина бўлиб ўлмайлик...(илтимос, таклиф, маслаҳат).*

Аслида бундай мулоқотларда “ака”, “ука”, “жигарим” ёки исм орқали қайта-қайта мурожаат қилинади. Аммо Чўлпон ўз асарида ота-боболаримиздан қолган мулоқот одобини қўллаган, яъни ака-укалар бир-бирларига исмларини айтмасдан, ҳатто, шахс отларини ҳам қўлламаздан мурожаат қилмоқдалар.

Раззоқ сўфи акасининг шунча гапига ёқмаётган бўлишига қарамасдан “Йўқ” деб жавоб бермайди. Худди ўзини эшитмаётганга солади:

Сўфи бир улоқчи тойни кўрсатди:

– *Жонивор-э, заб от бўлибдимми? Бай-бай-бай! (эътиборга олмаслик)*

Жимлик чўкди. Кейин яна гап бошланди:

– *Нима дедингиз? Гапиринг? Кампир ҳам жон деб турибди...*

– *Ана у, Умарали шиговилнинг ҳаммоми... Юз етмиш йил бўлган эмиш.*

Ҳали ҳам бир гишти кўчгани йўқ...(Ўзини эшитмаганга олиш)

*Ичига кирсанг, жаранглайди...*¹³⁵

“Ҳукм” бирликлари бу ерда ҳамроҳлик вазифасини ўтайди. “Ҳукм” тематик гуруҳининг ўзи тўлиқ “розилик-норозилик” гуруҳи билан диалогик матнни юзага келтиради. Бундай хусусиятлар уни “комбинацияланган” гуруҳга айлантиради. “Ҳукм” тематик гуруҳининг характерли томони – стимул-репликалар тарзида қўлланилишидадир.

Чол тиззасига тушган хазон баргини сопидан ушлаб пилдиратаркан, деди:

– *Мен сизни ўша қишлоққа олиб кетай, деб келдим(розилик сўраш,ният).*

Сиз, ахир, мен билан бир шапалоқ ерни талашиб, шу тўғрида нари-бери бўлишиб, шу туфайли шаҳарга келиб долган эдингиз...(шикоят)

Сўфи хўрсинганидан овози қалтираб, деди:

¹³⁵ Чўлпон. Кеча ва Кундуз. Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 17.

– Эски гапларни кўзиб нима қиласиз? Бўлар иш бўлиб ўтди... Ери ҳам курсин, мероси ҳам...(норозилик).

– Йўқ, сўфи! Ундай деманг! (рад этиш, эътироз)

Аканинг бу сўзи кескин овоз билан, қўмонда сингари айтилган эди. Сўфи бошини кўтариб, акасининг юзига тикилиб қолди, акаси давом этди:

– Ердан азиз ҳеч нарса йўқ! Отамиз раҳматлик, боболаримиз, ундан наридагилар – ҳаммаси бир шапалоқ ердан ризқини чиқариб келган... Ростми? (хулоса, ҳукм)¹³⁶.

Раззоқ сўфининг айтилаётган таклифга у қадар рози эмаслиги унинг акасига берган жавобидан, айтган гапларидан сезилиб турибди:

Сўфи эшитилар-эшитилмас қилиб:

– Рост... – деди.

– Сиз нега ердан қочасиз?

Сўфи б у тўғри саволга бошқа жавоб эплэй олмади.

– Ер қани менга? – деди. – Бир шапалоқ ерингиз бор, ўзингизга етмайди...

Акаси дадил жавоб берди; жавобга бошларкан, унинг юзлари кулган, тишсиз – кемтик оғзи севинч билан очилган эди:

– Сойнинг нариги юзидаги дўнгни секин-секин олиб ташлаб, ер қилдим. Яна бир шапалоқ сувлик ер бўлди¹³⁷.

Суҳбатдошлар ўртасида кўп ҳолатларда ўзаро тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар келиб чиқади. Бу жараён, албатта, улар ўртасидаги суҳбат-диалогда ўз аксини топади. Суҳбат-диалогнинг ўзида қандайдир ўзаро зиддият, қарама-қаршилик аломатлари юзага келиши, ривожланиши ва ижобий ёки салбий яқун топиши мумкин. Коммуникантлардан қайсидир бирининг узоқ ёки яқин ўтмишда тили орқали айтган ва ёки содир этган қандайдир ҳаракатлари улар ўртасида оғир, енгил, оддий, мураккаб зиддиятларни вужудга келтиради. Айтилган ҳар бир сўз, гап, ибора, лукма

¹³⁶ Чўлпон. Кеча ва Кундуз. Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 18.

¹³⁷ Чўлпон. Кеча ва Кундуз. Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 49.

одамлар томонидан уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, билим савияси, яшаётган ҳудуди, жинси ва яна бошқалар, яъни шахсий қабул қилиш даражаси шу қадар турли-туманки, масалан, бир сўзловчининг *Биз у билан бирга ўқиганмиз* тариқасида айтган гапи иккинчи суҳбатдош томонидан *Биз дўст эдик* тарзида қабул қилиниши ҳам мумкин:

А. Сиз менга унинг дўсти эканлигингизни айтдингиз.

Б. Мен ҳеч ундай демадим. Қўшнилари миз дедим.

Ёки яна бир мисол: бир пайтлар адресат ҳақиқатан нимадир деган, айтган, (ниманидир қилган) бўлиши мумкин. Вақтлар ўтиб, у буларни мутлақо эсидан чиқариши, бу ҳақда эслашни хоҳламаслиги ёки фикр-ўйлари тубдан ўзгариши ва энг ёмони атайлаб тан олмаслиги, яъни тониши ҳам мумкин. Айнан шундай ҳолатларда “зиддият” вазияти вужудга келади. Ушбу диалогнинг шаклланиши, ривожланишида “зиддият” гуруҳининг НМЭБлари асосий ролни бажаради. Адресат ўзи томонидан айтилган гап ёки содир этган ҳаракатини тан олмаслик жараёнини нутқий вазиятга кўчиришда “зиддият” тематик гуруҳининг бирликлари фаол иштирок этади. “Зиддият” гуруҳи стимул-репликада мустақил гуруҳ сифатида иштирок этади, унинг таркибидаги гаплар доим анъанавий диалог шаклланади. Диалог-суҳбатга йўналтирилган реакция-репликалар занжирининг қуйидаги кўринишини ҳавола этамиз:

Тушунмадим.

Мен бундай (қил) демадим.

Мен ҳеч қачон бундай/турдаги нарсаларни (қилдим) демаганман.

Бу мен айтган (қилган) нарса эмас.

Бу тўғри эмас.

Шуни айтиши (қилиши) эсимдан чиқмайди.

...деган гапини инкор қиламан.

Мен (ҳақиқатан) шундай дедимми (қилдимми)?

Мен айтган (қилган) шу нарса эди...

“Зиддият” вазияти “узр” ва “ҳурмат” гуруҳлари элементлари ҳамкорлигида шаклланади. Ушбу элементлар олдиндан реплика-луқмаларни талаб қилаётган бир пайтда, кейингилари ўта мулойимлик, вазминлик ёки расмий шаклни олади:

Сизни инкор қилганим учун мени кечирасиз, лекин у мен айнан айтган (қилган) нарса эмас.

Кечирасиз, лекин мен буни сизга айтганим (қилганим)ни эслолмайман.

Кечирасиз, албатта, лекин мен буни ҳеч қачон (қилган) айтган эмасман.

Маъзур тутинг, бу айнан мен айтган (қилган) нарса эмас.

Шу ўринда Э.Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси” асаридан кўйидаги жумлаларни келтириш мумкин:

Дастлабки терговнинг кўрсатишича, қочган чайқовчи – ишбоши. Ўша мен эмишман!

– Ким айтди, ким? Исботланг! – дея жойимдан туриб кетдим.

– Ким айтарди, шеригингиз – Ҳайдаров!

Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоҳга мени ҳам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи!

– Чақиринг! Юзлаштиринг! – Шоша-пиша ёнимни кавлаб, хизмат гувоҳномамни терговчининг олдига отдим: – Мана, кўринг!

Терговчи унга анчайин бир кўз ташлади-ю қайтиб қўлимга тутқазди, синовчан тикилиб сўради:

– Оғайнингиз аввал ҳам чайқовчилик билан шуғулланармиди? (терговчи ундалмаларсиз, норасмий шаклда мурожаат қилмоқда)

Шунда оғзимдан чиққан гап учун ўзимни ҳеч қачон кечирмасам керак:

– Шуғулланган бўлса бордир, мен қаёқдан билай? У оғайним эмас, шунчаки ҳамқишлоқ, ҳамшаҳармиз.

– Шунақами? У сизни оғайним, яқин оғайним, деди-ку?! Ҳозир олиб келсам, оғайним эмассан, деб юзига айта оласизми?

– ...

– Бўпти, сизга рухсат, – деди терговчи чақирув қозоғига имзо чекиб бераркан, совуққина бир оҳангда. – Иложи бўлса, уйдагиларга хабар қилиб қўйсангиз – келаси жумада суд. Ҳа, шошманг. У сиз ҳақингизда ҳеч нима дегани йўқ. “Оғайним бўлади, икки кеча уйда ётдим”, деди, холос.

*Мен терговчига анқайиб қарадим*¹³⁸.

Мазкур мулоқотдан асар қаҳрамонининг норозилиги, терговчига эътироз билдирган ҳолда мурожаат қилиши тасвирланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилида ундалмаларсиз ҳам мурожаат қилиш мумкин, кўплаб нутқий вазиятларда мурожаат шаклларисиз мулоқот қилинаверади. Гапнинг мазмуни ва оҳанги, тана ҳаракатлари мурожаатнинг кимга йўналганини кўрсатиб туради. Маълум бўладигани, бошқа тиллардаги мурожаат шакллари жавоб вариантларининг морфологик ва синтактик хусусиятлари ўзбек тилиниқидан фарқ қилади.

3.2.8. Мурожаатнинг институционал ва спонтан дискурда функционал типологияси

3.2.1. Мурожаатнинг институционал ва спонтан дискурда ўзига хос функционал юки

Адресатнинг фаолияти, хатти-ҳаракати, гаплари, ҳийла-найранглари ва бошқаларнинг сабаби доим адресантни қизиқтириб келган. Сабабларнинг моҳиятини билиш учун адресант ҳам ўзига яраша гап-сўзлар, ҳаракатларни амалга оширади, яъни нутқий мулоқотга киришади. Сабабларни аниқлаш учун пайдо бўладиган кундалик эҳтиёж “сабаб” нутқий этикет вазиятини юзага келтиради. Адресант нутқий этикет вазиятини ҳосил қилиш учун стимул-реплика кўринишидаги машҳур, махсус туртки *нега-нима* учун саволини беради. Саволнинг бош қисми *нега* сўроқ олмоши билан ифодаланган.

¹³⁸ Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Тошкент, 2001. – Б. 7.

Ўзбек тили ўқитувчилари хорижий талабаларга инглиз амалий грамматикасини ўргатиш жараёнида уларнинг диққат-эътиборини алоҳида *нега-нима* учун саволининг грамматик шаклида тўхтатишга ҳаракат қиладилар. *Нега* саволининг грамматик шакли одатдаги махсус саволлар грамматик шаклидан фарқ қилмайди. Бироқ бу бежиз эмас. Сабабият сабаб ва оқибатни ўзаро алоқадор қилади. Сабаб бирламчи, оқибат иккиламчи. Яъни сабаб оқибатни туғдиради. Шунинг учун реакция-репликада нарса ва ходисалар ўртасидаги умумий муҳим алоқани ифодаловчи сабаб-оқибат муносабатларини қувватлантирувчи учкунлар ётади ва унинг таркибида *чунки* сўзининг мавжудлиги ҳам бежизга эмас. Ўқувчилар *нима* учун...? саволига жавобни айнан шу *чунки* сўзи билан бошлашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи анъаналарга содиқ қолган ҳолда, аввало, ўқувчининг ўзини саволларга жавоб беришдан тўхтатиб, жавобни *чункидан* бошламаслик, бу одобсизлик эканлигини уқтирган ҳолда маслаҳат беради. Бироқ ҳозирда жуда кўплаб тенденциялар ўзаро алмашди. Ўқитувчи томонидан билдирилган фикр ва панд-насихатлар бир пайтлар тўғри ҳисобланган бўлса, ҳозирга келиб *нега* – *негаки* муносабатлари шитоблик билан оғзаки сўзлашув нутқида мустаҳкам ўрнашмоқдаки, ҳеч ким уларнинг андишасизлик аломати эканлиги ҳақида асло бош қотирмаяпти, аксинча, ушбу муносабатларнинг кенгайтирилган шакллари билан бирга параллел тарзда яшовчанлигини мустаҳкамлаб бормоқда:

“Бирпас олдида чақчақлашиб турдик. У ҳай-хуйлаб ўтган-кетганни чақирар, идиши бўлса, идишини, бўлмаса – қўйни-қўнжини олмага тўлатиб жўнатар эди.

– Пулини нега олмаяпсан?

– Э, отамга қавм бўлади, ноқулай. (чунки)

– Буниси-чи?

– Э, эна жамоатимиздан қариндош...(сабаби)

– Олманг кўп бўлса, давлатга топширвормайсанми, бундай қилиб ўтиргунча?

– Қарзим борми? Арзон олади! (Нега?)

– Ахир, ҳаммага текин улашяпсан-ку?

– Э, бири хеш, бири табор. (сабаб)

– Сенга бегонаси бормикан Бойсунда?

– Бор, – деди Рамазон тиржайиб. – Мана – сен! Мусофир, сотқин, шаҳарлик!

У кечқурун бир тўрхалта сара олма кўтариб уйимизга келди.

– Яхшими, ёмонми, шоир номинг бор, кўчада олма кўтариб юрсанг, обрўйинг бузилади, дедим...” (сабабини ўзига хос тарзда ифодалаган. Боғловчиларнинг ҳожати ҳам йўқ.)¹³⁹

Одатда, расмий адабий суҳбатларда нега, нима учун деган саволларга чунки боғловчиси ёрдамида жавоб берилади. Э.Аъзамнинг ўзига хослиги шундаги халқнинг жонли мулоқотни асарга тўғридан-тўғри олиб киради.

Юқорида келтирилган парчадан ҳам Рамазон дўстининг “Пулини нега олмаяпсан?” деган саволига ўзича, ўз ҳолича табиий жавоб беради: Э, отамга қавм бўлади, ноқулай. – Буниси-чи? – Э, эна жамоатимиздан қариндош... Жумлалар таркибида *чунки* сабаб боғловчисини қўллаш мумкин эди, аммо шарт ҳам эмас.

Яна бир мисол:

“ – Кечирасиз, мен боролмайман.

– Нега?

– Негаки... мен ўзим шунақаман, – деди Муқаддас, – беш олган куним ҳеч дарс тайёрлай олмайман. – Бўлмаса... кинога борайлик! – дедим мен, дедиму, шу сўзни айтишга журъат этганимдан ўзим ҳам ҳайрон қолиб, қизариб кетдим”¹⁴⁰.

Эркин Аъзам услубидан фарқли ўлароқ, Одил Ёқубовда грамматик қолиплардан кўпроқ фойдаланилгани маълум бўлди. “Нега?” деган саволга “Негаки...” деб жавоб берилмоқда.

¹³⁹ Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Тошкент, 2001. – Б. 7.

¹⁴⁰ Одил Ёқубов. Муқаддас. Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б. 23.

Биз мисол тариқасида келтирган гуруҳлар уларнинг тўрт – мустақил, чегарадош, комбинацияланган ва ҳамроҳ каби гуруҳларига мансубдир. Бизнингча, “устунлик”, “мойиллик”, “тахмин”, “зарурат”, “зиддият” каби вазиятлари мустақил; “таклиф”, “ният”, “сабаб” каби вазиятлар чегарадош ҳисобланади. Чегарадош вазиятларнинг мураккаб, комбинацияланган диалог-суҳбатларни вужудга келтириш хусусиятларининг мавжудлиги уларнинг яна такрор шаклланган “устунлик”, “эҳтимоллик”, “гумон”, “истаксизлик”, “пушаймонлик”, “ҳижолатчилик” гуруҳларига алоқадор қилиб қўяди.

“Омад, қониқиш, роҳатланиш”, “буйруқ, тақиқ”, “ҳукм”, “қайғуриш, хавотирланиш” вазиятларини гуруҳларнинг комбинацияланган турига киритилади. Яна қайта шаклланган тематик гуруҳлари ичидан “ишонч – ишончсизлик”, “умидсизлик”, “асабийлашиш”, “таажжуб – гумон”, “қониқиш – ҳамдардлик”, “бефарқлик”, “бўйсунмиш – бўйсунмаслик” гуруҳларининг компонентлари кўп қўлланилади.

“Умидсизлик”, “асабийлашиш”, “ҳукм”, “ҳурмат”, “эҳтимоллик”, “гумон”, “пушаймонлик” гуруҳлари ноуниверсал янги аниқланган гуруҳлар сирасига киради. Улар ичидан фақат “ҳурмат” гуруҳи компонентлари соф ҳолда қўлланилади. Шунинг учун соф гуруҳлар сирасига киритилади.

Нутқий вазият жараёнида “мурожаат”, “миннатдорлик”, “илтифот” тематик гуруҳлари ўз позицияларини ўзгартирмади. Улар универсал ҳамроҳлар сифатида ўз позициясида қандай мустаҳкам ўринни эгаллаган бўлса, янги аниқланган тематик гуруҳлар ичида ҳам ўз позициясини йўқотмайди. Қуйидаги диалоглар орқали ушбу ҳолатларни намоёниш қилиш мумкин:

“Омад, қониқиш, роҳатланиш”

Ўзбек тилида қуйидагича ифодаланади:

А. Устоз (мурожаат), мен танловда ғолиб бўлдим!

Б. Қандай ақлли бола! (илтифот) Табриклайман!

А. Мен қандай раҳмат айтишни билмайман. Сиз менга кўп ёрдам бердингиз. Мен буни жуда қадрлайман. (миннатдорлик)

“Таклиф”

А. Мободо картани ўйнашни истамайсизми? (мурожаат) Сиз бу ерда энг ақлли одамсиз. (илтифот) Мен сизлар билан карта ўйнашни яхши кўраман.

Б. Нега бўлмас экан?

А. Оҳ, раҳмат. (миннатдорлик)

“Зиддият”

– Мабодо... кейин, турмушда қийналиб қолсанг... аҳмоқлик қилиб юрма, олдимга бор. Тўғри боравер, тушундингми? (мурожаат, маслаҳат)

– Сулаймон ака! (мурожаат)

– Тушундингми? – юзимга қарамасдан деди у ва жавобимни ҳам кутмасдан вазмин, оғир қадамлар билан ҳовлидан чиқиб кетди. Тишимни тишимга босиб, муштимни тугдим.

“Йўқ бормайман, ҳеч қачон бормайман!” У менга бир оғиз илиқ сўз айтмади, нимага шундай қиялсан, деб бир оғиз сўрамади ҳам, менинг дилимда ҳам ўзимга яраша бир дардим борлигини билишни истамади!.. “Йўқ, раҳмат, бормайман!”¹⁴¹ (рад этиш)

Мулоқотда суҳбатдошлардан бири қанчалар ғамхўрлик билан мурожаат қилмасин, барибир тингловчи уни рад этмоқда. Бу ҳолат мулоқотда муайян зиддиятни келтириб чиқаради.

3.2.2. Адресация вазифаларининг институционал ва спонтан дискурслардаги иерархияси

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, инсон ўз нутқини онгли равишда бошқаради. Инсон эрта болалик даврида орттирган хатти-ҳаракатларини то умрининг охиригача онгли бошқаришда давом этади. Жамият кишиси ўз тажрибасига таянган ҳолда хатти-ҳаракатларни саралаш, устунлари ёки етакчиларини ривожлантириш ҳақида

¹⁴¹ Одил Ёқубов. Муқаддас. Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б. 27.

азалдан қайғуриб келган. Натижада уларнинг барқарорлари жамиятнинг одоб-ахлоқ қоидаларида хатти-ҳаракатлар меъёрлари сифатида муҳрланиб қолган. Ҳозирга келиб ушбу қоидаларга риоя қилиш жамият кишисининг бурч ва вазифаларига айланган. Шундай хатти-ҳаракатлар қаторига нутқ вазияти ҳам киради. Жамият кишиси маданий алоқа кўникмаларини муваффақиятли тараққий эттириш мақсадида нутқий этикет формулалари, шакллари мунтазам равишда эҳтиёж сезиб келади. Жамият кишилари томонидан ишлаб чиқилган ва мустаҳкамланган нутқий этикет қоидалари аниқ нутқ momentiда вазиятга шартланган, тематик жиҳатдан бирлашган, коммуникатив йўналтирилган ҳамда диалогик бирликлар доирасида ўзаро боғланган ва ўзаро мутаносиб бирликларнинг кўп қиррали лисоний системасидир.

Юқорида таъкидланганидек, НМЭБлари тематик гуруҳларнинг ичида ўзига хос синонимик қаторни ҳосил қилади. Масалан:

“Юпатиш”

Шошманг, қаяққа кетяпсиз? – Қўйинг, нима киласиз? – дедим тўсатдан менга ачинишига қарамасдан қоп-қора ажойиб кўзларида бахт ва шодлик порлаб турган бу қизга кўнглимда қандайдир бир душманлик сезиб.

– **Унақа деманг, балки ўн олти балл олганларни ҳам... (юпатиш, тасалли бериш)**

– Майли! Юпатмай қўя қолинг! Мен институтга киролмайдиган бўлганимдан хафа эмасман! Нима қиласиз мени... ¹⁴²

“Норозилик”

– Бугун кечикдингиз? – деди домла кулимсираб. Қиз индамади, фақат бошини силкитиб тасдиқлаб қўя қолди.

– Ҳамма саволларга тушундингизми?

– Ҳа, – деди Муқаддас.

– Агар тушунмаган саволларингиз бўлса...

¹⁴² Одил Ёқубов. Муқаддас. Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б. 29.

– Йўқ, ҳаммасига тушундим! – деди қиз ва бирдан дафтар-китобларини тез йиғиштириб, домланинг ёнидан ўтди-да, эшикка қараб юрди¹⁴³.

Тематик гуруҳлар ва нутқий мулоқот этикети бирликлари ўртасида нафақат синонимик қатор, балки антонимик қатор ҳам вужудга келиши мумкин. Шундай гуруҳлар қаторига: “розилик – норозилик”, “рухсат – тақиқ”, “қабул қилиш – рад қилиш”, “ишонч – ишончсизлик”, “бўйсунуш – бўйсунмаслик”.

Ушбу гуруҳларнинг НМЭБлари ўзлари билан реплика-луқмаларни ифодаласа, гуруҳлар эса комбинацияланган тематик шаклланишлар ёки ҳамроҳ элементларга мансубдир. Қуйида антонимик қаторларга мисоллар келтирамиз:

– Кечирасиз, – дедим, – бу...

– Икки! – деди чол. У ҳамон кўкрагини столга тираб, кўзларимга жилмайиб боқарди... Йўлакда мени Муқаддас кутиб турарди. Ҳозир у билан ажрашишимга, қайта кўришмайдиган бўлиб, бир умр ажрашишимга ақлим етиб турарди. Лекин кўзларимга тикилиб, нимагадир жилмайиб ўтирган бу чол... Шартга ўрнимдан турдим: – Истаган баҳонгизни қўйинг! **(розилик)** Чол яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Яша! Ўғил бола экансан! – деди у ва имтиҳон қоғозига тез қўл қўйиб, ёнидаги аёлга берди, аёл ҳам кулимсираганича қўл қўйди-да, менга узатди.

Мазкур мулоқотда абитуриент ва имтиҳон олувчи домла ўртасидаги мулоқот бир-бирининг фаолиятига баҳо бериш, натижалардан рози ёки норози эканлиги акс этган.

“Ишонч ёки ишончсизлик”

– Беш оламизми, йўқми? Сиз нима дейсиз? – деб сўради юзимга тикилиб...

– Қўрқсангиз бирга тайёрлай қолайлик! – дедим унинг кўзларига тикилиб.

– Сиз химияни яхши биласизми? – сўради у.

¹⁴³ Одил Ёкубов. Муқаддас. Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б. 30.

– Яхши биламан. **Ишонмасангиз бирга тайёрланайлик.** Ўзингиз...
– Йўқ, **ишонаман**, – деди Муқаддас ва бир секунд иккиланиб тургач:
– Қаерда тайёрланамиз? – деб сўради.
– Сиз қаерни хоҳласангиз ўша ерда... Агар хоҳласангиз...
– **Мен сизга ишонмаганим учун эмас**, шунчаки... ўзингиз бир ўйлаб кўринг¹⁴⁴.

Антонимик муносабатлар “саломлашиш” ва “хайрлашиш” мустақил тематик гуруҳларининг НМЭБ ўртасида ҳам вужудга келади:

“– Раҳмат. Олдин имтиҳонларни топшириб олайлик, – деди у туфлисининг учи билан ер чизиб, кейин кўшимча қилди:

– Энди... **Хайр...** Йўқ, Муқаддас буйруқ бермас, у фақат илтимос қилар, дугоналарининг кўриб қолишидан уялгани учунгина ажрашишни истар эди!

– Кўришгунча, – дедим мен.

– **Хайр**, – деди Муқаддас ва юзимга бир қараб олгач: – химияни ҳам шунақа қилиб топширамизми? – деб сўради”¹⁴⁵.

“Розилик” ва “рози эмаслик” каби комбинацияланган тематик гуруҳлар ва НМЭБ ўртасидаги антонимик муносабатлар акс этган мисолларни кўриб чиқамиз:

“Розилик”

Ўзбекойимнинг Ҳасаналидан рози бўлиб гапиргани унинг қуйидаги мурожаатларидан англашилади:

“Сиз нимани маъқул кўрсангиз шу-да, – деди. Ҳасаналининг тушунмаслик орқасида берган бу жавоби Ўзбекойимга ниҳоятда ётишиб келди:

– Баракалла, **Ҳасан**. Ана шунинг иложини ўзинг қиласан.

– Яхши...”

Ёки:

¹⁴⁴ Одил Ёқубов. Муқаддас. Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б. 28.

¹⁴⁵ Одил Ёқубов. Муқаддас. Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б. 33.

– Пайқамаған бўлсам ҳам, аммо мақсадингизга энди тушундим, – деди кулиб Ҳасанали.

– Ниятингиз Отабекни марғилонлик келиндан совитиш.

– Баракалла, – деди Ўзбекойим, – совитишгина эмас, унинг чангалидан Отабекни узил-кесил қутқариш”¹⁴⁶. Бу нутқий этикет системаси бирликлари “антонимик имкониятлар”ининг тўлиқ рўйхати бўлолмайди. Бу кўзга дархол ташланадиган зиддиятли муносабатларнинг бир қисми холос.

Қарама-қарши маъно элементлари “қониқиш” – “асабийлашиш”, “қониқиш” – “умидсизлик” гуруҳлари бирликларида учрайди. “Ният” гуруҳини ташкил қилувчи НМЭБлар ҳар доим ҳам ижобий эмоционал бўёқдор бўлавермайди. Масалан:

Одил Ёқубов қиссаларида киноя мазмунидаги мурожаат шакллари ҳам учрайди:

“ – Хўш, жаноблари, нима қилиб юрибдилар? – деб сўради. Унинг бу гапи менга гўё: “Хўш, бизга билдирмасдан ишдан қочиб қолибсан-да!” дегандай эшитилди. – Ҳа, нима қилибман? – дедим шошиб, гап очиб қолса, ишинг бўлмасин дейман.

Тўлаган кўкрагимга бир уриб кулди:

– Тағин нима қилибман, дейди-я, бу акам! Меҳнат таътилига чиққан одам шунақа қиладими, ўн кундан бери бир бормабсан-а?”¹⁴⁷

Аслида “жаноб” ва “ака” каби мурожаат шакллари ҳурмат маъносини ифодалаш учун хизмат қилади, бироқ истисно ҳолатда баъзан киноявий мурожаат учун ҳам ишлатилади.

НМЭБ ўртасидаги синонимия-антонимия масалалари диққатни ўзига хос тортиш хусусиятига ҳам эга. Бу ҳам бежиз эмас, айнан шу тартибга доир муносабатлар системанинг тартибли, аниқ бўлишини таъминлайди.

Биз томондан НМЭБнинг таклиф этилган таснифи универсал бўлиб, диалогик бирликлар доирасидаги уларнинг ўзига хос фаолиятига таянади.

¹⁴⁶ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: Шарқ нашриёт матбаа концерни, 2014. – Б. 40.

¹⁴⁷ Одил Ёқубов. Муқаддас. Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б. 26.

Мазкур тасниф дастлаб НМЭБнинг бизгача ўрганилган, ҳаммага таниш тематик гуруҳлари негизида тузилди. Кейинчалик унинг тамойилларини янги аниқланган тематик гуруҳлар бирликларига нисбатан қўлланилганда қийинчилик туғдирмади. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, ҳали яна янги тематик гуруҳлар аниқланиши, уларни гуруҳларга ажратишда ҳам мазкур таснифдан фойдаланиш ўз самарасини беради, тематик гуруҳларнинг ўзига хосликларини аниқлаш ва таҳлил қилишда тасниф тамойиллари имконият яратади.

Боб бўйича хулосалар

1. Ўзбек институционал ва спонтан дискурслардаги мурожаат қолиплари жамият томонидан қабул қилинган нутқий мулоқот этикети тур ва шакллари билан чамбарчас узвий боғлиқликда ривожланиб боради. Сухбатдошнинг у ёки бу шаклда – сухбатдошнинг исми; сухбатдошнинг исми + фамилияси; расмий мулоқотда эса – сухбатдошнинг исми + отасининг исми; сухбатдошнинг исми + отасининг исми + сухбатдошнинг фамилияси кўринишида номланиши жамият учун мурожаатнинг энг оммабоп усули бўлиб қолмоқда.

2. Ўзбек халқи мулоқот этикети бошқа миллатлар, хусусан, ғарб мурожаат шаклларида сезиларли фарқ қилади. Рус ва инглиз жамиятида ёшидан қатъи назар асосий нутқ вазиятларида исм билан мурожаат қилинади. Расмий давраларда исми ва отасининг исми доимий қўлланилади. Ўзбекларда аёл қишининг ўз эри ва унинг қариндошларига мурожаати бутунлай ўзига хос, яъни келин ўзининг эри томонидаги қариндошларининг исмини айтиб мурожаат қилмайди, муҳим жиҳати шуки, эрининг исмини айтиб чақирмайди, баъзи ҳудудларда бош фарзанднинг исми билан эр-хотин бир-бирларига мурожаат қилиши ўзбек нутқ маданияти, мулоқот актининг ўзига хос имконият ва воситаларини белгилашга хизмат қилади.

3. Ўзбек тилида ҳам жамоавий мурожаат вазиятларида ижтимоий мавқе асосий ўринни эгаллайди: “Қадрли талабалар!”, “Азиз ўқувчилар!”

“Муҳтарам устозлар!”, “Ҳурматли касбдошлар!”. Бундай мурожаат шакллари ўзбек мулоқот этикетининг бир қисми бўлиб, институционал мурожаат учун хизмат қилади, бу борада ўзбек тили бошқа тиллардан катта фарққа эга эмас.

4. Номинацияни идентификацияланаётган ташқи белгилар ҳамда шартли гендер белгилари: а) институционал дискурда аёл кишиларга “опа” деб ҳам мурожаат қилинади; б) спонтан нутқда она, ойи, айрим ҳудудларда келин ўз онасига нисбатан “ойи”, “ая”, қайнонасига нисбатан “ойижон”, “аяжон” деб мурожаат қилиш урфга айланиб бормоқда. Спонтан дискурс одамлар мулоқоти акс этган контекстнинг ўзига хос кичкина қисмини ташкил этади. Контекстнинг мазмун-моҳияти шуни кўрсатадики, жуда кўп вазият ва ҳолатларда одамлар ўрнига уларнинг ижтимоий мавқелари ўзаро муносабатга киришади. Спонтан дискурс мулоқотда иштирок этади. Бироқ у мурожаатни ҳодиса сифатида талаб қилмайди. Чунки бир-бирларига таниш бўлган кишилар мулоқотида исм/лақаб ва ёки идентификациянинг бошқа турлари орқали қилинган мурожаат мантиқан ажратиш ролида қўлланилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ёзма дискурс оғзаки дискурстан кескин фарқ қилади. Қабул қилиш тезлиги ва ҳалақит берувчиларнинг мавжуд эмаслиги ёзма дискурснинг устунлигини белгилайди. Ёзма дискурста суҳбатдошлар шошилмасдан ўз фикрларини бемалол ёзма баён қилишлари мумкин бўлган. Ёзма матнни сокинликда, бировнинг аралашувисиз, диққатни бир ерга жамлаб ўқиш, киши канча хоҳласа, шунча марта, қайта-қайта ўқиб чиқиши мумкин бўлган. Бирок бундай имкониятлар ортда қолди. Мурожаатни ифодалаш борасида ёзма дискурс оғзаки дискурсга нисбатан кенг имкониятларга эга эмас.

2. Ҳар қандай дискурс эмоционалдир, эмоционаллик эса мурожаат шакллариининг миқдорини белгилайди. Эмоционалликнинг ортиши ёки камайиши мурожаат шакллари миқдорининг ортиши ёки камайишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Нутққа тарихан сингдирилган эмоциялар ахборотлар миқдорининг ортиши сабаб тенгма-тенг ўзгариб бормоқда. Ўзбек тилида мурожаат вақтида, бошқа тилларга қараганда, ундалмаларга камроқ таянилади, хусусан, «Сўз мактабимиз директорига!» деган жумла орқали ундалмасиз ҳам мурожаат қилиш мумкинлиги асосланади. Ўзбек мулоқот этикасида бундай ўзига хосликларни кўплаб учратиш мумкин.

3. Реклама берувчилар, ОАВ ходимлари, ахборот порталлари ташкилотчи ва юритувчиларининг шахсий фаровон ҳаётини қуриш умидида олиб бораётган фаол ҳаракати, ижодкорлиги ҳамда ижтимоий тармоқ кўламининг ўта глобал даражада кенгайиб бораётганлиги ҳисобига вербал ахборотлар тўлқини кучайиб бормоқда. Ҳозирда катта миқдордаги ахборотлар тўлқини одамлар нутқидаги эмоционаллик даражасининг автомат тарзда пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолатнинг сабабини одамлар шартли равишда аввалгидек ахборот олиш учун алоҳида стимулга ҳожат қолмаганлиги ва шу ахборотга яраша эмоционал даражани қабул қилмаётганликларида кўрмоқдалар. Оқибатда дискурсга мурожаат шакллариининг кириб келиш миқдори пасайиб бормоқда.

4. Дискурсниг оғзаки-ёзма шакллари – мессенжерлар орқали ёзишмаларнинг тараққий этиши мурожаат шакллариға ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ушбу ёзишмалар ёзма фикрлар тарзида шаклланган бўлса-да, уларда синтактик конструкциялар ва лексемаларнинг қўлланилиши нуктаи назаридан оғзакидир.

5. Мессенжерларгача бўлган даврда ёзма нутқ оғзаки нутқдан фундаментал фарқ қилган. Оғзаки нутқ «шу ерда ва ҳозир» тарзидаги алоқа орқали, ёзма нутқ эса масофадан туриб идрок қилинган. Оғзаки нутқни ёзма нутқдан фарқловчи асосий белгилардан яна бири вақтдир. Оғзаки хабар ўша нутқ, мулоқот моментида идрок қилинган ва ўша оннинг ўзида ихтиёрий жавоб хабарни талаб қилган. Ёзма хабар эса масофадан туриб идрок қилинган ва маълум вақт, давр оралиғида қадам-бақадам жавобини кутган. Ушбу вақт ва давр оралиғи кунлар, ҳафталар, йиллар, юз йилларга тенг келган (агар ўқувчи юз ва ундан кўп йиллар аввал яшаган адиб асарини ўқиб идрок қилса).

6. Телефоннинг кашф қилиниши оғзаки мулоқотга оид муаммоларни ҳал этди. Жамият кишисининг ҳаёти, айниқса, кундалик мулоқот тарзи ва этикети қонуниятларини тубдан ўзгартириб юборди. Авваллари одамлар бир-бирларига яқин масофада туриб, мулоқот жараёнига суҳбат одобига қатъий амал қилган ҳолда киришган. Суҳбатдошлар орасидаги масофа ва овоз одоб доирасидан чиқиб кетишга имкон бермаган. Энди суҳбатдошлар бир-бирларини кўрмаган ҳолда оғзаки тарзда мулоқотга киришишлари мумкин бўлди. Мурожаат суҳбатдош иштирокини текшириш усулига айланди. Мобил телефон ва турли хил онлайн-мессенжерларнинг тараққиёти лаҳзалик ёзма мулоқот турининг пайдо бўлишига муҳим стимул бўлди. Ушбу мулоқот тури мулоқотда «кучларни тенглаштириш» масаласига ойдинлик киритди. Мурожаат шакллари ёзма нутқда оғзаки нутқдаги аналоглари сингари қўлланилди, гапларни тузиш масаласининг долзарблиги янада заифлашди.

7. Бадиий матнларда мурожаат шаклларининг ифодаланиши ўрганилаганда айрим матнлар (Э.Аъзам)да мурожаатни ифодаловчи махсус

воситалар қўлланмасдан, новербал бирликлар орқали ҳам фикр ифодаланган. Баъзи матнлар (О.Ёқубов)да мурожаатни ифодаловчи лисоний бирликлардан фаол фойдаланилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инглиз ва рус тилларида сабаб маъносини ифодалаш учун махсус лисоний воситалар иштироки деярли шарт бўлса, ўзбек тилида «нега?», «нима учун?» сўроқларига «негаки», «чунки» деб жавоб бериш шарт эмас.

8. Ўзбек сўзлашув нутқи ва одоби бошқа миллатлар, хусусан, ғарб мамлакатлари мурожаат шаклларида ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Ўзбек халқида аёллар турмуш ўртоғи ҳамда унинг яқинларига ўзига хос анъанавий тарзда мурожаат қилади, яъни келин ўзининг эри томонидаги қариндошларининг исмини айтиб мурожаат қилмайди, эрининг ҳам исмини айтиб чақирмайди, қариндошларига турмуш ўртоғи қандай мурожаат қилса, у ҳам шундай мурожаат қилади. Биринчи фарзанд дунёга келгандан сўнг «дадаси», «аяси», «бобоси», «бувиси», «тоғаси», «аммаси», «холаси» каби мурожаат шаклларига ўтилади. Бу жиҳатлар ўзбек тили мурожаат шакллари ранг-баранг эканлигини кўрсатади.

9. Мурожаат шакллари ҳам вақт, ижтимоий зарурат туфайли ўзгариб туради, ривожланиб боради. Ўзбек тилида қадимдан «куда», «кудача», «кудағай», «эгачи», «айланай», «гиргиттон» ва «қоқиндиқ» каби миллий мурожаат сўзлари истемолда бўлиб келади. Узоқ туман ва қишлоқларда яшовчи келинлар янги хонадон аъзоларини, жумладан, қайнонасини «хола», қайнонасини «тоға» деб чақириб ҳолатлари ҳам бор. Институционал дискурда аёл кишиларга «опа» деб ҳам мурожаат қилинади. Спонтан нутқда қўлланилувчи *она, ойи, ая* сўзлари айрим ҳудудларда келин томонидан ўз онасига нисбатан «ойи», «ая», қайнонасига нисбатан «ойижон», «аяжон» шаклида қўлланилиб, ўзига хос анъана тарзига айланмоқда.

10. Ўзбек этикет анъаналарида адресатга йўналтирилган этикет формулаларининг йўқолиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар мурожаат шаклларида ҳам ўз таъсирини ўтказди, бу томондан мурожаат шакллари ҳам ижтимоий ўзгаришларга тез мослашади.

Номлашнинг расмий қолиплари бўлган «ўртоқ», «фуқаро», «жаноб» кабилар жамият ижтимоий тузуми ўзгариши натижасида ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини бошқасига бўшатиб бермоқда. Турли ижтимоий ўзгаришлар мурожаат бўйича номларни идентификациялаш вариантларининг пайдо бўлишига замин яратди. Мурожаатнинг ўзгариш динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш ўта долзарб ва истиқболли масала сифатида тадқиқот объектининг бирламчи предмети саналиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик

нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // <http://lex.uz/docs/4561730>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/docs/2968200>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил, 8 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори // <https://lex.uz/docs/4664611>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. // <https://lex.uz/docs/4640226>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5085999>.

II. Илмий-назарий адабиётлар

1) Миллий нашрлар

9. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-том. – Тошкент: Фан, 1968. – 458 б.
10. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – 88 б.
11. Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. Монография – Тошкент: Академнашр, 2015. – 112 б.
12. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983. – 152 б.
13. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент: Фан, 1988. – 208 б.
14. Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1988. – 40 б.
15. Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997. – 112 б.
16. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 158 б.
17. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: Фан, 2008. – 85 б.
18. Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма. – Тошкент: Фан, 1968. – 76 б.
19. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 285 б.
20. Тоирова Г. Нутқий мулоқот ва ёшлар нутқидаги луғавий бирликлар. – Тошкент, 2015. – 59 б.
21. Тоирова Г. Ўзбек прагмалингвистикаси ўқув луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 66 б.
22. Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1979. – 36 б.

23. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 104 б.
24. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 168 б.
25. Гуломов А. Адабий тил нормалари. Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 23–31.
26. Гуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 316 б.

2) Хорижий нашрлар

27. Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Ташкент: Фан, 1979. – 150 с.
28. Алпатов В.М. Япония. Язык и общество.– М.: Наука, 1988. – 136 с.
29. Арутюнова Н.Д. Практическое рассуждение и язык. Сущность, развитие и функции языка. – М.: Наука, 1987. – 338 с.
30. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. – 608 с.
31. Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Ч.3. Синтаксис. Пунктуация. – М.: Просвещение, 1987. – 256 с.
32. Бахчоян А.М. Разные точки зрения относительно термина «дискурс» // Актуальные вопросы современной науки. – Новосибирск: Центр развития научного сотрудничества, 2017. – С. 152.
33. Блинов А.В., Богатырева И.И., Мурат В.П., Рапова Г.И. Введение в языковедение: Хрестоматия: Учебн. пособие для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 342 с.
34. Блумфилд Л. Язык. (пер. Г.И. Раповой и Е.С. Кубряковой) – М.: Эдиториал УРСС, 2003. – 379 с.
35. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – 160 с.
36. Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1991. – 432 с.

37. Василик М.А. Основы теории коммуникации. – М.: Гардарики, 2003. – 615 с.
38. Волков А.А. Курс русской риторики. – М.: Изд-во храма св. муч. Татианы, 2001. – 480 с.
39. Гак В.Г. Теория и практика перевода. – М.: Интердиалект, 2003. – 456 с.
40. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – 138 с.
41. Головин Б.Н. Как говорить правильно. – М.: Высшая школа, 1988. – 160 с.
42. Горин А.С. Котлячков Н.С. Оружие – слово. Оборона и нападение с помощью... – М.: КСП, 2001. – 352 с.
43. Городецкая Л. А. Стратегии вежливости в английском языке в сопоставлении с русским // Россия и Запад: диалог культур. – М., 1996. – 479 с.
44. Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивный аспекты. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007. – 288 с.
45. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – 400 с.
46. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. – М.: Наука, 1977. – 382 с.
47. Доценко Е.Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. – М.: ЧеРо, Издательство МГУ, 1997. – 344 с.
48. Ельмслев Л. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике. Вып. 1. – пер. А.В. Блинова. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1960. – 344 с.
49. Ефимов А.И. О языке художественных произведений. – М., 1954. – 288 с.
50. Ефимов А.И. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1969. – 262 с.
51. Золотова Г.А., Онипенко Н.К., Сидорова М.Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. – М.: Аспект пресс, 2010. – 528 с.
52. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Аспект Пресс, 2011. – 264 с.

53. Кашкин В.Б. Введение в теорию коммуникации. – Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000. – 175 с.
54. Колесов В.В. Язык города. – М.: Высшая школа, 1991. – 192 с.
55. Крысин Л.П. Язык в современном обществе. – М.: Просвещение, 1969. – 192 с.
56. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: ИТДГК. «Гнозис», 2002. – 284 с.
57. Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – 156 с.
58. Лаврентьева И.В. Когезия – Ульяновск: Колокол, 2004. – 219 с.
59. Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. – М.: Просвещение, 1969. – 216 с.
60. Леонтьев А.А. Психоллингвистические особенности языка СМИ. – М.: Добросвет, 2007. – 279 с.
61. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М.: Иностранная литература, 1960. – 436 с.
62. Михальская А.К. Русский Сократ: Лекции по сравнительно-исторической риторике. – М.: Изд.центр Academia, 1996. – 192 с.
63. Николаева Т.М. Семантика акцентного выделения. – М.: Наука, 1982. – 104 с.
64. Прохоров Ю.Е. Коммуникативное пространство языковой личности в национально-культурном аспекте // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. – М.: Диалог-МГУ, 1999. – Вып. 8. – С. 52 – 55.
65. Прохоров Ю.Е. Действительность. Текст. Дискурс. – М.: Флинта, 2016. – 224 с.
66. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Просвещение, 1967. – 542 с.
67. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Аспект Пресс, 1996. – 536 с.

68. Рождественский Ю.В. Принципы современной риторики. – М.: Флинта, Наука, 2003. – 477 с.
69. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1972. – 496 с.
70. Соколова Н.Л. О компонентах значения единиц речевого этикета // Филол. науки. – М., 2003. – № 5. – С. 95.
71. Телия В.Н. О специфике отображения мира психики и знания в языке // Сущность, развитие и функции языка. – М.: Наука, 1987. – С. 65–68.
72. Теоретические проблемы социальной лингвистики. – М.: Наука, 1981. – 368 с.
73. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – 696 с.
74. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – М.: Высшая школа, 1989. – 160 с.
75. Формановская Н. И. Коммуникативно-прагматические аспекты единиц общения. – М.: ИКАР, 1998. 290 с.
76. Формановская Н.И. Речевое взаимодействие: коммуникация и прагматика. – М.: Икар, 2007. – 480 с.
77. Чернявская В.Е. Дискурс власти и власть дискурса. – М.: Флинта, 2006. – 136 с.
78. Шиллер Г. Манипуляторы сознанием / Пер.с англ.; Науч. ред. Я.Н.Засурский. – М.: Мысль, 1980. – 151 с.
79. Danet В. Language, Play and Performance in Computer-Mediated Communication, 1997.
80. Yıldırım İ. İletişim. Üçüncü kısım. – Ankara: Hacettepe Üniversitesi, 2017. – 164 b.

III. Luğatlar

81. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Энциклопедия, 1991. – 683 с.
82. Лингвистический энциклопедический словарь (гл. ред. В.Н.Ярцева и др.) – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 709 с.

83. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. – М.: Рус тили, 1981.
84. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – 671 б.
85. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. – 688 б.
86. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – 704 б.
87. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002.

IV. Бадиий адабиётлар

88. Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. 3 томлик. 1-том. Ҳикоялар, фелъетонлар, пьесалар. – Тошкент: ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957. – 318 б.
89. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 220 б.
90. Одил Ёқубов Муқаддас. Қисса // <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/odil-yoqubov/odil-yo-ubov-mu-addas-issa/>
91. Одил Ёқубов. Муқаддас. Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – 51 б.
92. Саид Аҳмад. Таъзим (ҳикоялар). – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 91 б.
93. Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2013. – 215 б.
94. Тоҳир Малик. Шайтанат. Роман. 2-қисм. // https://kitobxon.com/ru/yozuvcchi/malik_tohir
95. Чўлпон. Кеча ва Кундуз: Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 332 б.
96. Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Тошкент, 2001. – 200 б.
97. Эркин Аъзам. Хонадон эгаси. Киноқиссалар. – Тошкент, 2012. – 168 б.
98. Эркин Аъзам. Тангрининг тоши. Киноқиссалар. – Тошкент, 2012. – 102 б.

99. Эркин Аъзам. Кечикаётган одам. Пакана. Қиссалар. Киноқиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 445 б.

V. Диссертация ва авторефератлар

100. Асмус Н.Г. Лингвистические особенности виртуального коммуникативного пространства: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск: Челябинский гос. ун-т, 2005. – 24 с.

101. Ахренова Н. А. Интернет-дискурс как глобальное межкультурное явление и его языковое оформление: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2009. – 24 с.

102. Вьюгов А.И. Средства конструирования образа политического лидера в России XX века: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2016. – 234 с.

103. Гаджиева А.Г. Лингвистический анализ детской речи (на материале азербайджанского языка): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Баку, 1989. – 22 с.

104. Воборжил Л. Лексические и другие средства когезии текста // http://www.rusistika.upol.cz/publikace/voboril_kohezekoherence.pdf.

105. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 28 б.

106. Лукашевич Н.В. Модели и методы автоматической обработки неструктурированной информации на основе базы знаний онтологического типа // <https://www.dissercat.com/content/modeli-i-metody-avtomaticheskoi-obrabotki-nestrukturovannoi-informatsii-na-osnove-bazy-zna>.

107. Леонтович О.А. Проблемы виртуального общения // «Полемика», выпуск 7 // <http://www.irex.ru/press/pub/polemika/07/leo>.

108. Манухина Ю.В. Формирование социолингвистической компетенции в процессе овладения формулами речевого этикета: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – 226 с.

109. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 47 б.

110. Рахматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 21 с.
111. Саидхонов М.М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 24 б.
112. Соболев Е.Ю. Невербальные компоненты текстовой информации: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009. – 281 с.
113. Халилова Р. Виртуал коммуникатив майдонда нутқий дискурснинг социомаданий ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. ... дисс. – Тошкент, 2022. – 170 б.
114. Ҳакимов М.Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 28 б.

VI. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар

115. Асмолов А.Г., Фейгенберг Е.И. Некоторые аспекты невербальной коммуникации: за порогом рациональности // Психологический журнал. – 1989. – Т. 10. – № 6. – С. 54-56.
116. Голев Н.Д. О некоторых типах мотивирующих единиц в русском языке // <http://lingvo.asu.ru/golev/articles/z13.html>.
117. Гришаева Л.И. Когерентность текста и акциональные цепочки // Язык, коммуникация и социальная среда // http://lse2010.narod.ru/yazik_kommunikatsiya_i_sotsialnaya_sreda_vipusk_6_2008/ligrishaeva_kogerentnost_teksta_i_aktsionalnie_tsepochki/
118. Гриценко Л.М. Особенности виртуального дискурса // Молодой ученый, июнь 2011. // <https://moluch.ru/archive/29/3393/>.
119. Клобукова Л.П. Феномен языковой личности в свете лингводидактики // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. – М.: Филология, 1997. Вып. 1. – С. 28.
120. Карасик В.И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 5-6.

121. Копчак М.Н. Лексико-семантическое ранжирование обращения англоязычного постмодернистского персонажа // А priori. Серия «Гуманитарные науки». – 2015. – №2. // <https://intrel.lnu.edu.ua/wp-content/uploads/2015/10/Корчак.pdf>.
122. Постановка интонации во французском языке // <https://frenchblog.ru/phonetics/intonation.html>.
123. Рябиничева Д.В. Социальная реклама в стихотворениях В.В. Маяковского 1929 года // <http://publishing-vak.ru/file/archive-culture-2017-1/26-ryabinicheva.pdf>.
124. Сковородников А.П. Information and Psychological War Linguistics as a Research Project at the Siberian Federal University: Problems and Achievements // Журнал Сибирского федерального университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2019. – № 2. – С. 109-112.
125. Труханова Д.С. Митигативный потенциал обращения в институциональном политическом дискурсе // <https://cyberleninka.ru/article/n/mitigativnyy-potentsial-obrascheniya-v-institutsionalnom-politicheskom-diskurse>.
126. Фунтова И.Л. (Случаи употребления и значения интонационных шкал эмфатической речи современного британского варианта английского языка в сопоставлении с русским языком) // <https://cyberleninka.ru/article/n/sluchai-upotrebleniya-i-znacheniya-intonatsionnyh-shkal-emfaticheskoj-rechi-sovremennogo-britanskogo-varianta-angliyskogo-yazyka-v>.
127. Черепко Т.А. Проявление коммуникативного контакта в институциональном дискурсе // <https://medconfer.com/node/2351>.
128. Шуйская Ю.В., Кузнецов Н.В. Лингвистические особенности дискурса интернет-чатов // Научное обозрение: гуманитарные исследования. – 2016. – № 8. – С. 91-96.
129. Vechar-Israeli H. From Bonehead to cLoNehEAd: Nicknames, Play and Identity On Internet Relay Chat. Journal of Computer-Mediated Communication, (1) 2, 1995. <https://doi.org/10.1111/j.1083-6101.1995.tb00325.x>.

130. Puterman S. Language and Power on IRC, 1994.
<http://www.rucus.ru.ac.za/~simone/lingirc.html>.

131. Ruedenberg R., Danet B., Rosenbaum-Tamari Y. Play and Performance at the Computer Keyboard, <http://atar.msc.huji.ac.il/~msdanet/virt.htm>.

VII. Интернет сайтлари

132. <http://rkiff.philol.msu.ru/wp-content/uploads/2020/>

133. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/said-ahmad/said-ahmad-mening-dostim-babbayev-hajviya/>

134. <http://www.superiorcourts.org.na/high/docs/speeches/Speech.Retirement.Hannah.29november05.pdf>

ДИССЕРТАЦИЯДАГИ ТЕРМИНЛАРНИНГ

ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

АДРЕСАНТ [нем. adressant – юборувчи] Нутқий ахборотни адресатга йўлловчи шахс, сўзловчи; муаллиф.

АДРЕСАТ [нем. adressat – олувчи] Нутқий ахборотни қабул қилувчи шахс, тингловчи, мулоқот иштирокчиси.

АДЕКВАТ [лот. adaequatus – тенглашган, мос, айнан бир, ўхшаш] Билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари ва алоқаларини уларнинг объектив мазмунига тўғри келадиган, аниқ ва мос қилиб олиш.

АКТУАЛ [лот. actualis-ҳақиқий; амалий] Энг муҳим, энг зарур, долзарб.

АКТУАЛ БЎЛИНИШ Бир гапнинг бошқа гапга боғланишини таъминлайдиган ва гапнинг асосий вазифасини – мазкур ахборот негизида янги ахборот киритишни амалга ошириш.

АНТРОПОЦЕНТРИК Нутқни система сифатида тадқиқ этиб, инсонни бу системанинг таркибий қисми, асосий унсури сифатида баҳолайдиган ҳамда инсоннинг лисоний имкониятлардан фойдаланиш хусусиятларини ўрганадиган йўналиш.

АНТИПАТИЯ [юн. Antinomia – қонуннинг ички зиддияти] Мантиқан ҳар бири исботланадиган икки қонун, мулоҳаза ёки хулоса ўртасидаги зиддият.

АППЕЛЛЯЦИЯ [лот. Appellation – мурожаат, шикоят] Бирон-бир қарор, фикр, олинган натижа юзасидан юқори ташкилот ёки идорага шикоят аризаси билан мурожаат этиш.

АРГУМЕНТ (лот. argumentum) Бирон бир мулоҳаза (концепция, назария)нинг ҳақиқатлигини (ростлигини) тасдиқлаш учун келтириладиган мулоҳаза (ёки мулоҳазалар мажмуи), далил, исботнинг асоси.

АСПЕКТ (лот. *aspectus*) Тур-ходиса, тушунча, истиқбол қараб чиқиладиган муайян нуқтаи назар.

АТРИБУТ (лот. *attributum* – бахш этаман) Объектнинг зарур, муҳим, айнан, хос хусусияти).

БИХЕВИОРИСТИК (инглиз. хатти-ҳаракат) – одамлар ва ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганишга тизимли ёндашув.

ВЕРБАЛ (лот. *verbaliz-* оғзаки) атама. Вербал нутқ – сўзлар ёрдамида ифодаланадиган нутқ. 1 Нутқ сўзлар (диалоглар, монологлар) орқали мулоқот. 2 Ёзма алоқа - қўлда, компьютерда чоп этиш, смс ва бошқалар. 3 Ички - сизнинг ички диалогни (фикрларни шакллантириш).

ГЕНЕЗИС (yunon. *genesis* – туғилмоқ, вужудга келмоқ, ривожланмоқ) Бирон бир ҳодиса ёки нарса ривожланиши жараёнининг қонуниятларини акс эттирувчи тушунча.

ГИПЕРОНИМ - бошқа тушунчага нисбатан умумий моҳиятни ифодаловчи тушунча. Объектлар тўпламига нисбатан гипероним бу асл нуханинг устки қисмини акс эттирувчи тушунча. М: “қариндошлар” - гипероним, “она”, “ота”, “ака”, “бобо”.

ДЕЙКСИС [юн. *deyksis* – кўрсатиш, ишора] Лисон воситасида воқеликка ишора, кўрсатиш. қ. дейктик.

ДЕЙКТИК Кўрсатиш, ишора вазифасини бажарувчи. қ. дейксис.

ДЕНОТАТ Борлиқдаги нарса-ҳодиса, ифода объекти.

ДИСКУРС (лот. *discursus* – фикрлаш, баҳслаш; асли – айланиб юриш, беҳудалик, маневр, айланиш) Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги нутқий мулоқот, фикр алмашиш.

ДИСКУРСИВ Лисоний, нутқий, миллий, маданий каби асосларга таянадиган; мулоқотга оид.

ДИХОТОМИЯ [юн. *diha* – икки қисмга + *tome* – бўлиш; кесилиш] Бутуннинг изчил равишда иккига бўлиниш ва бу бўлақлардан ҳар бирининг иккига ажралиш ҳодисаси.

ЖЕСТИКУЛЯЦИЯ Имо-ишора, фикрни сўзсиз ифодалаш. Юз ифодалари, турли тана аъзолари ва кўзларнинг ҳаракати ёрдамида инсоннинг турли рухий ҳолатларини ифодалаш.

ИДЕНТИФИКАЦИЯ Маълум бир шахс мавжуд омиллар (парол ёки код сўзини билиш, биометрик маълумотлар, хужжатлар, телефон рақами ва бошқалар) ёрдамида ноёб тарзда ифодаланиши.

ИДЕОЛОГИЯ (юн. *idea* ва...логия) Мафкура.

ИДЕЯ (юн. *idea* – образ, тушунча, ғоя) Ғоя.

ИЕРАРХИЯ (юн. *hierarchia, hieros* – авлиё ва *arche* – ҳукмронлик, ҳокимият) – бир бутун нарса ёки ҳодисалар айрим қисмлари ёки элементларининг юқоридан қуйига томон бир тартибда жой олиш.

ИЛЛЮЗИЯ (лот. *illusio* — янглиш тасаввур, янглишиш) 1 Воқеликни нотўғри, янглиш идрок этиш. а) сезги ва идрокнинг муайян қонунлари туфайли рўй беради б) инсондаги психофизиологик, кўпинча ҳаяжонланиш, чарчаш, кўрқиш ҳолатлари.

ИММАНЕНТ [лот. *immanens, immanentis* – ўзига хос; хусусий] Муайян ҳодисанинг ички хусусиятларига хос, ички табиатидан келиб чиқадиган; ўзига хос.

ИНВАРИАНТ (лот. *invarians* -ўзгармайдиган) Объектлар, ҳодисалар, воқелик ҳодисаларининг ҳар қандай муҳим белгиларни ўзгармас шакли.

ИНДИВИД (лот. *individuum* бўлинмас; айрим жинс, шахс) 1. Биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудот. 2 “индивид” ва “индивидуаллик” тушунчаларини аралаштириб юбормаслик керак. Шахс индивид деб аталади ва индивидуаллик унинг ўзига хос хусусияти.

ИНСТИТУЦИОНАЛ ДИСКУРС Одамлар ўртасидаги мулоқотнинг махсус келишилган тури. Улар бир-бирларини танимайди, бироқ ушбу социум меъёрларига мос тарзда мулоқотга киришади. Кўпинча шахсий мулоқот маиший мулоқот билан бирлашади.

ИНСТИТУЦИОНАЛ 1 Расмий равишда ташкил этилган ва ижтимоий мавқиди мустаҳкамланган ва ҳақиқатда қатъий, ҳатто ҳуқуқий даражада

бўлган муносабат. 2 Институтсионал алоқа муайян жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузилишини тавсифлайди. У уюшган ва тан олинган жамоаларни қамраб олади: касбий, мактаб, оила ва бошқалар.

КИНЕМА (бошқа юнонча “ҳаракат” сўзидан) нутқни шакллантиришнинг энг кичик бирлиги, артикуляр фарқловчи хусусият (акустик - акусмадан фарқли ўлароқ), товуш ҳосил қилишда битта нутқ органининг талаффузи.

КОГЕЗИЯ узлуксизликни (континуум) таъминловчи, ўзаро боғлиқ алоҳида хабар, факт, ҳодисаларнинг мантикий кетма-кетлигини ифодалайдиган алоқа тури.

КОГНИТИВ [*инг.* cognitive – билишга оид; cognize – билмоқ, англамоқ, тушунмоқ; cognition – билиш] Билим соҳасига, билишга доир. Шахснинг коммуникатив, мулоқот фаолияти.

КОММУНИКАНТ Мулоқот иштирокчилари, фикрни баён этувчи, тингловчи, эшитувчи шахс; муаллиф ва ўқувчи.

КОММУНИКАТИВ Коммуникацияга, ўзаро фикр алмашувга оид.

КОММУНИКАТИВ АКТ Икки ёки ундан ортиқ сўзлашувчилар ўртасидаги нутқ ўзаро таъсири ва нутқ аспекти, эшитиш ҳаракати (тинглаш), шунингдек, сўзловчилар ўртасидаги муносабатни белгиловчи коммуникатив вазиятдан иборат бўлган мулоқот бирлиги.

КОММУНИКАТИВ ИНТЕНЦИЯ Мулоқотда фикрни тезроқ ифодалаш нияти ва адресатга тезкор таъсир қилиш мўлжали, мулоқот сифати ва натижасини таъминловчи мақсад. Мулоқотнинг ҳаракатлантирувчи кучи.

КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯ (МУЛОҚОТ ҚОБИЛИЯТИ) Кенг қамровли белги, мулоқот бирликларини қуллаш тактикасини ҳам, мулоқот вазиятидан фойдаланиш маҳоратини ҳам, мулоқот унсурларини коммуникатив интенция йўлида уюштириш малакасини ҳам ўз ичига олади.

КОМПЕТЕНЦИЯ [*лот.* competere – лаёқатли, муносиб бўлмоқ] Муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; ваколат.

КОНВЕНЦИЯ (лот.convintio –шарт, нома, битим,) Бирон бир махсус масалага оид халқаро шартнома битим.

КОННОТАЦИЯ Тил бирлигининг қўшимча маъноси. Сўзлашувчилар онгида асосий маъно билан изчил боғланган қўшимча семантик ёки стилистик хусусиятлар.

КОНТИНУУМ (лот. continuum - узлуксиз) Узлуксиз.

КОНЦЕПТ [лот.conceptus – тушунча] Идрок этилаётган воқеликнинг онгидаги инъикоси асосидаги тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси, тафаккур бирлиги.

КОНСИЛИУМ бир хил ёки турли мутахассисликдаги бир неча олимларнинг йиғилиши, кенгаши.

КОНТРАСТ Яқинлашиш принципи ва эквивалентлик асосида ташкил этилган тарғибот турлари ва унинг моҳият белгилари, ходисалар, нарсалар ва уларнинг хусусиятларини ёрқинроқ қилиш учун қарама-қарши қўйиш.

КОРРЕСПОНДЕНТ Мухбир – бошқа шаҳар ёки давлатдан оммавий ахборот воситаларига (газета, телеканал) ахборот етказувчи шахс (фотомухбир, уруш мухбири, хорижий мухбир, махсус мухбир, ўз мухбири).

ЛЕКСЕМА Борлиқ ходисаларини номлаш, ифодалаш, кўрсатиш учун хизмат қилувчи луғавий маънога эга лисоний бирлик.

ЛИСОН [а. – тил] Жамиятнинг барча аъзолари учун аввалдан (олдинги авлодлар томонидан) тайёр ҳолга келтириб қўйилган, ҳамма учун умумий ва мажбурий, фикрни ифодалаш ва бошқа мақсад учун хизмат қиладиган бирликлар ҳамда бу бирликларнинг ўзаро бирикиш қонуниятларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий ҳодиса.

ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАР Мулоқотнинг амалга ошишида иштирок этувчи лисоний воситалар (лисоний ишоралар) тизими.

ЛИСОНИЙ ОМИЛ Тилнинг структура ва система табиатидан келиб чиқадиган сабаблар.

МАНИПУЛЯЦИЯ руҳий таъсир тури бўлиб, ундан моҳирлик билан фойдаланиш иккинчи бир одамни ўзида мавжуд бўлган муҳим истакларига мос бўлмаган ниятларининг яширин уйғонишига олиб келиш.

МАРГИНАЛ Одамлар гуруҳи - бу гуруҳ жойлашган маданиятнинг маълум кадриятлари ва анъаналарини рад этадиган ва ўзига хос меъёрлар ва кадриятлар тизимини тасдиқловчи гуруҳ.

МЕХАНИК ПАРАДИГМА Ахборотнинг асосий манбадан код ёрдамида бир томонлама йўналтирилган ҳолда узатилиши ва унинг мулоқот эгаси томонидан қабул қилиниши.

МУЛОҚОТ [*a.* – кўришиш, қабул қилиш] Бирдан ортиқ коммуникантнинг дарак, сўроқ ёки буйруқ шаклидаги фикр алмашиши, муносабатга киришиши.

МУЛОҚОТ ИНТЕНЦИЯСИ (МАҚСАДИ) Нутқ вазияти ва шароитидан келиб чиққан ҳолда фикрни муайянлаштириш, осон ва қулай фикр алмашишни таъминлаш мақсади.

НОЛИСОНИЙ ОМИЛ Тил тизимида дахлдор бўлмаган, ташқи таъсир кўрсатувчи (ижтимоий-сиёсий тузум, психология, урф-одатлар, илмий-техникавий тараққиёт, адабиёт-санъат ва бошқ.) омиллар.

НОМИНАЦИЯ Маълум бир объектни сўз, ном, исм билан номлаш, аташ.

НОМИНАЦИЯ НУТҚ [*a.* – сўзлаш, нутқ; гапириш қобилияти] Лисоннинг меъёр “элаг”идан ўтган муайян моддий (ёзма, оғзаки, тасвирий/имо-ишора, сигнал, ва ҳ.к.) шаклларида бирида воқеланиши.

НУТҚИЙ АКТ Сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига нисбатан лисоний мурожаати, мулоқот жараёни.

НУТҚИЙ ВАЗИЯТ Мулоқот жараёнининг амалга оширилиш ҳолати.

НУТҚИЙ ЖАРАЁН Ўзаро фикр алмашиш, мулоқотнинг амалга ошиши.

НУТҚИЙ МУЛОҚОТ Сўзловчи ва тингловчининг фаолияти, ўзаро ахборот алмашиши, коммуникатив прагматик мақсадининг воқеланиши.

НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ Сўзлаш, тинглаш ёки ёзиш ҳаракатини бажариш давомида лисоний ва нолисоний бирликларнинг ҳамкорликда юзага чиқиш жараёни.

ПРАГМАТИК Прагматизм тарафдори ёки прагматик хусусиятли.

ПРАГМАТИКА [юн. pragma, pragmatos – иш, ҳаракат] Нутқда тил белгилар тизимидан фойдаланувчиларнинг белгилар системаси амал қилаётган пайтдаги вазият билан муносабатини тадқиқ этувчи семиотика ва тилшунослик соҳаси. Прагматика лисоний билим билан коммуникатив қобилият ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

ПРАГМАТИК ПРЕССУПОЗИЦИЯ Лисоний мулоқотнинг рамзий, маросимий, анъанага айланадиган расмий томонлари билан боғлиқ ҳодиса.

ПРОПОЗИЦИЯ Мулоқот матнида фаоллашиб, ахборотни тўплаш ва сақлашнинг когнитив структурали лисоний-мантикий ҳодисаси, объектив воқелик.

РЕАЛИЯ объектларнинг номи остидаги барча ифодаланувчиларни аташ учун муҳим хусусиятлар йиғиндиси.

РЕМА гапнинг оҳанг билан ажратилган таркибий қисми, мантикий урғу ташувчиси, айрим ҳолларда эса луғавий воситалар ёрдамида ажратилган элемент.

СЕМАНТИКА [юн. semantikos – ифодаловчи, билдирувчи] *т.ш.* 1 Тил бирликларининг маъноси. 2 айн. Семасиология. 3 Семиотиканинг асосий бўлимларидан бири. Белгиларнинг ички ва ташқи унсурлари орасидаги муносабатни тадқиқ этади.

СЕМИОТИКА [юн. semeiotike – белгилар ҳақидаги таълимот] Ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ва белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганадиган фан соҳаси. *Лингвистик семиотика. Семиотика гояси кейинчалик америкалик файласуф Ч.У.Моррис томонидан тартибга солиниб ривожлантирилди.*

СИСТЕМ-СТРУКТУР ТИЛШУНОСЛИК муайян тилларнинг ички системавий қурилиши, лисоний имкониятларнинг хусусиятларини тадқиқ

қилувчи тилшунослик йўналиши. Бунда икки ҳолат фарқланади: а) тил сатҳларини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш; б) тилни яхлит система сифатида тадқиқ қилиш.

СПОНТАН 1. Нутқ - одам томонидан олдиндан тайёрланмаган нутқ. Кўпинча суҳбатлар ёки мунозараларда ҳосил бўлади. 2. (Ўз-ўзидан) сўзлашув нутқининг энг табиий кўриниши бўлиб, у ўз-ўзидан пайдо бўлади ва мулоқотга тайёр эмаслиги, қулайлиги, тезкорлиги билан ажралиб туради.

СУБЪЕКТ [лот. subjectum – остида, асосида турувчи] Фаол иш-ҳаракат қилувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган индивид, гапнинг эгаси.

СУБЪЕКТИВ 1 Бир шахснинг, субъектнинг ўзигагина хос, ўзигагина тегишли; шахсий. 2 Бир кишининг шахсий фикрига, қарашларига асосланган, бир тарафлама, бир томонлама.